



Суретті Оқиғет

10.91







Сирли Олам 10.91

سیرلی عالم

Ўзбекистон ЛКЕИ

Марказий Қўмитасининг
илмий-оммабоп, илмий-бадий,
саргузашт ва фантастика
ойномаси

(10) Октябрь

1991 йилдан
чиқа бошлаган.

Бош муҳаррир:
Ҳожиакбар ШАЙХОВ

Таҳрир ҳайъати:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Мурод ХИДИР
Масъул котиб:
Рустам РЎЗМАТОВ
Бадий муҳаррир:
Рустам ЗУФАРОВ
САЙИД ЭРГАШ АЛИ ҲОЖИ
Бўрибой АҲМЕДОВ
Маҳкам МАҲМУДОВ
Юлдуз СУЛТОНОВА
Евгений БЕРЕЗИКОВ
Хуршид ДАВРОН
ИСФАНДИЁР
Мирмаҳмуд МИРХЎЖАЕВ
Тоҳир СОЛЕЕВ
Мирфозил МИРЗААҲМЕДОВ
Малик МУРОДОВ
Неъматилла МУМИНОВ
Рустам ОБИД
Мадиёр САЛОЕВ
Асрор САМАД
Маҳмуд ҲАСАНИЙ
Асқар ХОЛМУРОДОВ
Рашид ОТАХОНОВ
Бахтиёр ТУРАЕВ
Дўстмурод ЮНУСОВ

УШБУ СОНДА:

Саъдулла АҲМАД. «Киши муҳр аро ҳар не қилса нигор...»
Тўхтасин КАРИМБЕРДИЕВ, Рустам ШОЮ-СУПОВ. Вақт жари.
Мурот УРОЗ. Турк асотир (миф)лари.
Исмоил БЕКЖОН. Кароматли кишилар.
Боязид БАСТОМИЙ. Ривоятлар. Давоми.
Шариф ШУКУРОВ. Ислоҳ маданияти нима?
Абдуқанош ЙЎЛДОШ. Қийшиқ пойдевор қур-бонлари. Достон.
Муҳаммад ҲУЗАРИЙ. Нур ул-яқин. Рўмон. Давоми.
Хуршид ДАВРОН. Амир Темур ўғлининг ўли-ми. Бади.

КЕЛГУСИ СОНДА:

Соҳибдоро марсияси.
Бозор ХОЛЛИ. Уйғунликми ёки ҳалокат?
Мурот УРОЗ. Турк асотир (миф)лари.
Юрий. МУРОДОВ. Жаннатни кимлар яратади?
СЕҲРЛИ ОЛАМ СУРУРИ.
«Каромат соҳиб Хожа
Аҳмад»... Охири.
Шодиқул Ҳамро «Халоскор» бармоқлар.
Боязид Бастомий. Ривоятлар. Охири.
М. Ҳузарий. Нур ул-яқин. Рўмон. Давоми.

Муқоваларда:

- 1—3-с а ҳ и ф а л а р Ш. Эргашевнинг «Сирли олам» беллашувига юборган асарларидан намуналар.
2-с а ҳ и ф а д а . Ирина Лимашова. «Мулоқот» асари.
4 - с а ҳ и ф а д а . Рустам Зуфаров. «Койнот ёғдуси» асари.

"КИШИ МУҲР АРО
ҲАР НЕ ҚИЛСА НИГОР..."

Алишер Навоий улкан давлат арбоби сифатида давр маданий ва адабий ҳаётини йўналтириб турган, сиёсий ҳаётда фаол иштирок этган ёркин сиймо сифатида эса кенг кўламдаги ҳужжатларга, ёзишмаларга имзо чеккан ёхуд муҳр босган. Лекин бу муҳр, унинг шакли ва безаклари қанақалиги, унга қандай сўзлар нақшлангани гоёат қизиқарли жумбоқлардан бири бўлиб келди.

1976 йили Техронда нашр этилган «Фехрести дивонҳои хаттиёе китобхонаи салтанатий» («Салтанат кутубхонасининг қўлёзма девонлари рўйхати» икки жилд, каталог) даги ҳазрат Мир Алишернинг «Наводир ун-нихоя» номли иккинчи расмий девони тавсифида қўлёзма нусха буюк шоиримизнинг ўз муборақ қўли билан қоралама тарзида кўчирилганлиги айтилган эди. Бу ҳақда ўлкамизда биринчи бўлиб, навоийшунос олим Б. Валихўжаев хабар берган эди. Садоқатли навоийшунос Суйима Ғаниева эса яқинда Эронда бўлиб, мазкур қўлёзма билан танишгач, унинг биринчи саҳифасига босилган Навоий муҳрини ўз кўзи билан кўрди. Бироқ ўшанда муҳрдаги ёзувларни дарров тўқис ўқиб бўлмаган, хатто «Кохи Гулистон» хазиначиси оғойи Алонийнинг хазинада авайлаб сақланаётган «Муҳрлар альбоми»ни келтириб, умид билан варақлаб кўрсатишидан кейин ҳам натижа чиқмаган. Зеро, шу жамғармада сақланаётган барча қўлёзмаларда мавжуд ҳар бир муҳр сўзлари ёзилган бу муракка (альбом)да ҳам Навоий муҳри ёзуви тўла ўқилмаган экан. Шунда олимага қаттиқ алам қилади. Ҳа-да, неғадир муракка тўзилганда бу масалага жилдий эътибор берилмаган ва ўзбек шоирининг муҳрини ўқиб иши пайсалга солинган. Аммо бу борада эронликларга таъна қилиб бўлмайди. С. Ғаниева бундан 23 йил бурун Эронга борганида, унга Техрон донишгоҳи профессори Хўнарфар (бу олим Эроннинг барча меъморий обидаларидаги ёзув-китобаларини ўқиб, уларни тўрт тилда чоп эттирган) агар Ўзбекистон ташаббус кўр-

сатса, жумҳуриятимизга келиб шу соҳада мутахассис шогирд этиштириб бераётганини айтган эди. Олима бу таклифни ўлкамизга қайтгач, бир неча тегишли ташкилотларга етказиш учун елиб-югуради, афсуски, ҳар галгидек, бундай олийжаноб режа яна амалга ошмай қолаверди. Мана энди бугун бу нарсаларнинг ўрни билинапти, асқотаяпти.

Бироқ юраги Навоий руҳини шод этиш хисси билан ураётган Суйима Ғаниева бу гал ҳам бор ҳаловатини йўқотади — қандай бўлмасин муҳрни ўқиб керак. У юртимизга қайтгач, шу соҳа мутахассисларининг бир нечасига муҳр сувратини кўрсатади. Хадеганда мурод ҳосил бўлавермайди. Таваққалига ўқиганча ўқиб, рўзномага мақола тайёрлаб турганида, ҳазрат Навоийга илхоси ўта баланд шогирди — Шарқшунослик билимгоҳининг Эрон тили ва адабиёти минбари ўқитувчиси Исмоил Бекжонов муҳр билан танишиб, уни ўқишга муваффақ бўлади.

Бу воқеа бир қизиқ тасодиф сабабли юз беради. Юзлаб қўлёзма асарларни, ҳужжат муҳрларини кўздан кечирган ва уларни ўқиб машаққатини бошидан ўтказган Исмоилжон муҳрни хатто Техронда ўқиша олмаганини эшитгач, урилиб ҳам ўтирмайди. Аммо унинг диққатини Навоий муҳрининг жуда соддалиги ўзига жалб этади ва шу аснода бир нарсани пайқаб қолади: муҳрдаги сўзлар мураккадаги «Кун... фи д-дунё к-ал ғариб ал-фақир Алишер»дан ортиқчага ўхшаб кўринади. Ҳақиқатдан ҳам муҳрда яна «ко... иннака... ау... обир сабил» сўзлари кўзга ташланади. Шунда унинг ўзи яқинда форсчадан ўзбекчага ўгирган Нисорийнинг «Музаққирри ахбоб» (1566) тазкирасидаги битта ҳадис ёдига тушиб қолади, зеро, унинг муҳрдаги сўзларга ўхшашлиги бор эди. И. Бекжонов Нисорий асарни қўлёзмаси кўчирма суратидан боғи ҳадисни топади ва уни муҳрга остин-устун қилиб нақш этилган сўзлар билан солиштиради: ҳаммаси аён, муҳрга айнан шу ҳадис ёзилган,

бирон нуқта кам ҳам, зиёд ҳап эмас. Шундай қилиб, бир тасодиф туфайли бир неча лаҳза ичида кўп йиллик жумбок ҳал бўлади.

Муҳрга арабча «Кун фи-ад-дунё кайнака ғарибу ау обиру сабил, Алишер-ул-факир» — «Бу дунёда ғарибдек бўл ёки йўловчидек шай тур» сўзлари нақш қилинган экан. Улуғ бобомиз нега айнан шу ҳадисни танлагани эса унчалик муаммо бўлмаса керак.

Унг томонда муҳр ва шоир дастхатини тасдиқловчи далил ҳам мавжуд бўлиб, у Навоий асарларига лугат тузган Мирзо Маҳдийхон Астрабодийнинг «Худо раҳмат қилгур ҳазрат Навоийнинг шариф хати ва муҳри», деган сўзлари ҳамда шахсий муҳридир.

Кўлёмзада яна дастхатнинг кейинги тарихига оид маълумотлар ҳам бор.

Хуллас, олима С. Ғаниева ва унинг шогирди И. Бекжонов ғайрати туфайли Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги арафасида унинг шахсий муҳри ва унга нақшланган сўзлар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлдик.

Саъдулла АҲМАД



Тўхтасин Каримбердиев, Рустам Шоюсупов

ВАҚТ ЖАҲИМ

Гапни XVIII асрда Сицилия оролидаги Такони шахрида содир бўлган воқеадан бошласак.

Граф Зенетти хунарманд Альбертони ўз оиласига яқин тутарди. Шу сабабдан уни ўзига қуёв қилади. Альберто қиз кўради, бироқ гўдак ногирон туғилганди. Онаси бемехр бўлиб, қизига қарамагани учун уни Альбертонинг ўзи тарбиялайди...

Бир кун граф Зенеттининг хунарманди Альберто одамларнинг кўз ўнгида дабдурустан ғойиб бўлади. Кўзларига ишонмаган Зенетти Альберто турган жойни қаздиради. Аммо уни на ер остидан, на осмондан топишади. Орадан йиллар ўтади, бироқ Альбертодан хабар бўлмайди. Уни ўлган деб маросимларини ўтказишади...

Йигирма икки йилдан кейин Альберто ўша ғойиб бўлган жойда пайдо бўлади. Унинг афтангори, ташқи кўриниши ўзгармаганди. У ғойиб бўлганида қандай бўлса, шундайлигича қолганди. Бироқ уни рафиқаси ҳам, дўстлари ҳам, ҳатто қизи ҳам танимайди. Альберто ўзи ҳақида қайта-қайта сўзлай беради. Унинг гапига ҳеч ким ишонмайди. Охири уни эси оғанлар қаторига қўшиб, шифохонага мажбуран олиб кетишади. У шифокор Марно кўлига тушади. Марно ўз замонасининг етук шифокори, беморлар кўнглини топадиган, ўта зеҳли киши эди. У Альберто билан узоқ суҳбатлашиб, ундан ҳеч қандай қасаллик аломатларини топмайди. Шундан кейин у Альбертонинг гапларига ишонади ва ундан бошидан кечирганларини батафсил сўзлаб беришини сўрайди.

Альберто қандай ғойиб бўлганини эслай олмади. Лекин айрим воқеаларни гапириб берди. Шуниси қизиқки, орадан йигирма икки йил ўтса-да, лекин у учун гўё бир кун кечгандек эди. Бироқ бунинг сабабини Альберто ҳам, Марно ҳам билмасди. «Ававал мен узун туйнукка тушдим, — деб ўз фикрини баён этди Альберто. — Буни аниқ эслай оламан. Туйнукнинг нариги учи, яъни охири очик, ёп-ёруғ эди. Мен ўша томонга силжидим. Қанча вақт ўтганини билмайман, аммо туйнук охирига етгач, кўзимга асбоб-ускуналар кўринди. Мен бундай асбоб-ускуналарни умримда бирор марта кўрмаган эдим. Улар тартибсиз ётарди. Асбоб-ускуналарга қанчалик қизиқмай, бироқ уларнинг бирортасини ҳам ушлаб ололмадим. Шундан сўнг кўз ўнгимда шиша кўзли баҳайбат махлуқ пайдо бўлди. У менга тикилиб тиловат қиларди. Унинг овози эшитилмасди, лекин лабларининг ҳаракатидан унинг тиловат қилаётганини сезиб турардим. Тиловатдан сўнг: «Ўзингни таништир», — деди у овоз чиқариб. Мен ўзимни таништирдим. Қанча вақт ўтганини билмайман, бир пайт кўзимга турли тасвирлар, юлдузлар кўрина бошлади. Улар гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа тебраниб турарди. Тасвирлар орасида яна бир махлуқ пайдо бўлди. Бу махлуқ аввалгисидан фарқ қилиб, унинг сочлари ниҳоятда узун эди. Мен уни аёл киши деб ўйлادим. У менинг «Вақт жари»га қулаб тушганимни, мени тезда у жардан чиқаришини, акс ҳолда улар билан абадий бирга қолиб кетишимни айтди... Аммо туйнукдан қандай чиқиб қолдим, буни эслай олмаيمان», — деди Альберто.

Суҳбат тугагач, Марно илтимосига биноан Альберто уни ўзи ғойиб бўлган жойга олиб келади. Воқеадан хабардор бўлган халойиқ Альбертони ўраб олишади. Афсус, томоша узоққа чўзилмайди. Альберто ғойиб бўлган жойда яна қайта номнишонсиз йўқолади. Шу-шу у қайта пайдо бўлган. Шунда Марно Альберто ғойиб бўлган жойни

девор билан ўраттириб, у жойни «Шайтон қопқони», деб атай бошлайди. Ривоятларга қараганда, «Шайтон қопқони» Сицилиянинг Такони шаҳрида ҳали ҳам сақланармиш...

Шу каби воқеалар илгариларни кўп бўлган. Ҳозир ҳам бўлапти, бундан кейин ҳам юз бераверади. Буни биз «ўзга сайёралик»лар иши демоқдамиз. Тахминий маълумотларга кўра, шу пайтгача эллик миллионга яқин одам ғойиб бўлган экан. Шуларнинг сал кам олти миллиони бизнинг Иттифоқимиз одамларидир. Бу маълумотнинг ҳақиқатга қанчалик яқин эканини билмаймиз-у, лекин одамларнинг ғойиб бўлаётгани аниқ. Аммо биз одамларнинг дабдурустдан ғойиб бўлишини турлича изоҳлаб, ҳар хил сабаблар кўрсатмоқдамиз. Фикримизнинг далили учун ўрис қизи Люба ёки «ўзга сайёралик»лар олиб кетишган юртдошларимиз ҳақидаги шов-шув гапларни эслаб кўринг. Улар ҳақида матбуотда кўп хабарлар берилди. Масалан, рўзнома, ойномаларда Люба ҳақида жуда кўп ёзишди, одамлар буни турлича шарҳлашди: «Любани «ўзга сайёраликлар олиб кетганмиш. Люба Коинотда, ҳатто фарзандлик ҳам бўлганмиш». Хуллас, миш-мишлар...

Люба тақдирини ким қандай тушуנסа тушунаверсин-у, бироқ биз унинг қисматини ҳам Альберто қисмати билан боғлаймиз. Узингиз бир ўйлаб кўринг-а, ахир, «Бермуд учбурчаги»да озмунча одам ғойиб бўлганми?

Хўш, бу воқеалар ҳақидаги гаплар сафсатами? Бу воқеага уч ўлчовли олам олимларининг нуқтаи назаридан ёндашилса, у ҳаёлий воқеадан бошқа нарса эмас. Аммо бу воқеа кўп ўлчовли олам одамлари нуқтаи назаридан изоҳланилса, у сира ҳаёлий воқеа эмас, балки табиий ҳолдир.

Хўш, «Шайтон қопқони» деб аталган жойдаги воқеа асосида қандай физик ёки бошқача жараёнлар мавжуд? Бизнингча, фақат бу воқеагина эмас, балки шу пайтларгача ҳаёлий деб ҳисобланган кўпгина бошқа воқеалар асосида ҳам Коинотнинг ўзига хос хусусиятларидан бири — «Вақт жари» ётади. Биз эътироф этаётган «Вақт жари»ни кўпчилик мунажжимларимиз «Вақт тўйнуғи» деб ҳам аташган, аммо унинг ўзи нима экани ҳақида сўз юритишмаган. У билан боғлиқ бирор кичик воқеани баён этиб ўтишган, холос.

Хўш, «Вақт жари» деганда нимани тушуниш керак? «Вақт жари»нинг нима эканини тасаввур қилмоқ учун, энг аввало олам — дунёнинг тузилиши ҳақида бироз маълумотга эга бўлишимиз керак.

Маълумки, биз ерликлар ҳозирча учта, яъни макродунё, микродунё ва ўзимиз яшайтган маънавий оралиқ дунёларни биламиз. Бу дунёларнинг бирида вақт кечиши сонияларда ўлчанса, иккинчисида милли ёки микро сонияларда, учинчисида эса ёруғлик йили билан ўлчанади. Вақтнинг ўлчов бирликлари гарчи бир-бирларидан фарқ қилса-да, аммо ҳар учала дунё бир-бирлари билан ўзаро узвий муносабатда бўлиб, улар ҳаёт тараққиётининг берк занжирини ташкил этади. Шундай экан, демак, уларнинг ўзаро муносабат йўллари ҳам беркдир. Бундан келиб чиқадики, ҳар учала дунё вақтлари бирдан иккинчисига, иккинчисидан учинчисига ва ниҳоят учинчисидан биринчисига ўтиши мумкин. Бизга маълумки, бирор вақтни иккинчи вақтга ўтказиш (айлантириш) учун уларнинг ўлчовларини ўзаро мослаштириш керак. Бизнингча, бир дунё билан иккинчи дунё вақтларини ўзаро мослаштирадиган жой — бу «Вақт жари»дир. Худди шундай иккинчи дунё вақти билан учинчи дунё вақтини, учинчи дунё вақти билан биринчи дунё вақтини ўзаро мослаштирадиган жой ҳам «Вақт жари» бўлиб хизмат этаверади. Бундан ташқари, ҳар бир

дунё вақтларининг мутаносиб ҳолда бириктирилари ҳам ўзаро мослаштирадиган жой «Вақт жари»дир. Қизиғи шундаки, ана шу вақтларни ўзаро мослаштирувчи жойлар дунёларни (бу ерда макро, микро ва маънавий дунёлар кўзда тутилади) бир-бирлари билан ўзаро туташтирувчи жойлар ҳисобланади. Бу жойга, яъни «Вақт жари»га тушиб қолган ҳар қандай жонзот ёки одам қайси дунёга ўтиб қолса, ўша дунёнинг вақтига мослашади. Борди-ю, «Вақт жари»га тушиб қолган одам, мабодо у вақтга мослаша олмаса, нобуд бўлади.

Ҳар учала дунёни ўзаро мослаштирувчи жой «Вақт жари» бор экан, у ҳолда бу дунёларни бир-бирдан ажратиб турувчи чегара ҳам бордир десак, муболаға бўлмас. Бу чегараларнинг ҳам ўзига хос алоҳида хусусиятлари бор. Бу ҳақда бошқа бир мақоламизда сўз юритамиз.

Уммон, денгиз, тоғ ва қуруқликларни эътиборга олиб, айтишимиз мумкинки, Ер қуррасида тахминан йигирма еттига «Вақт жари» бўлиши керак. Уларнинг олтитаси Совет Иттифоқидадир. Булардан бири илгари Бойкўл (Байкал) кўлида эди. Фикримизга далил сифатида Бойкўлнинг тарихини эслаш жоиздир.

Ёдингизда бўлса, бир пайтлар Бойкўлнинг тақдири ҳам бизнинг Орол денгизимизнинг ҳозирги тақдирига ўхшарди. Суви лойқаланиб, тобора камайиб борарди. Аммо ҳозирги вақтда Бойкўл сув билан лиммо-лим тўлган. Унинг суви шаффофдек тиниқ бўлиб, унда ўз аксингизни кўрасиз. Хўш, кўлга сув қаердан келди. Бу ҳақда олимларимиз бош қотиришмаган. Ана шу хусусда сўз юритсалар-да, бироқ асосли фикр айта олишмади. Зеро, улар «Вақт жари»нинг ўзига хос хусусиятларини, унинг фазилатларини ҳозирча билмайдилар. Бунинг боиси кўп, албатта. Кези келганда, Орол денгизимиз ҳақида қайғурадиган одамларга бир оғиз сўз айтмоқчимиз. Агар сиз Оролни сув билан тўлғазиш истагиде бўлсангиз, ўша Қорақалпоғистонда жойлашган «Борса келмас» сирли оролига мурожаат қилинг. Унинг сир-асрорларини ўрганинг! Ҳамма гап ана ўшанда. Маблағ ва пулларни беҳуда сарфлашнинг ҳождати ҳам йўқ. Бизнингча, «Вақт жари»нинг биттаси ана шу «Борса келмас»да жойлашган. Биз ана шуни эслатиб ўтишни лозим топдик, холос. Шу қунларда «Бермуд учбурчаги»да жойлашган «Вақт жари» сўниб бормоқда. Унинг Орол устида пайдо бўлиб қолиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Бордию «Бермуд учбурчаги»даги «Вақт жари» сўниб, у Орол устида пайдо бўлиб қолса, бу ёмон оқибатларга олиб келиши ҳеч гап эмас. Бу воқеанинг акси бўлиши учун эса, биз илмий ишлар олиб бориб, унинг сирларини ўрганишимиз ва маълум тадбирлар белгилашимиз лозим. Акс ҳолда жиддий табиий ҳалокатга учраб қолишимиз мумкин.

Бизнингча, «Вақт жари» биоқувват ўраמידир. Аммо биз бу қувват кучи ва унинг сатҳи тўғрисида маълумотларга эга эмасмиз. Шунинг учун ҳам у билан боғлиқ воқеалар биз учун жуда сирлидир. Энди «Вақт жари»нинг айрим хусусиятлари ҳақида тўхталамиз. Гап шундаки, қаерда «Вақт жари» пайдо бўлса, у ерда вақтнинг илгарилама ҳаракати юз бермайди. Шу боис, гарчи йигирма икки йил вақт ўтса ҳам Альберто танасида ҳеч қандай жисмоний ўзгариш бўлмаган. Бу — «Вақт жари»да моддий йўқлигидан далолат беради. Моддийнинг мавжуд бўлмаслиги эса вақтнинг нўлга тенглигини билдиради.

«Вақт жари»нинг махсус ҳудуди бўлади. У ўз ҳудуди бўйлаб гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда пайдо бўлиши мумкин. Шу боис «Бермуд учбурчаги»ни текширувчи олимлар унинг чегарасини аниқлашда гоҳида хатоликка йўл қўядилар. Чунки учбурчак-

нинг таъсири бугун бир жойда бўлса, эртага ёки индинга бошқа жойларда бўлади. Шунинг учун ҳам «Вақт жари» билан боғлиқ илмий ишлар олиб боришда, энг аввало, унинг ҳудудини аниқлаб олиш лозим. Акс ҳолда ижобий натижаларга эришиб бўлмайди.

«Қор одам» ҳам ана шу «Вақт жари» билан боғлиқ бўлса ажаб эмас. Биз «Қор одам» тўғрисида кўп эшитганмиз ва у тўғрида анчагина маълумотларга эгамиз. Унинг ўзини ва оёқ изларини сувратга туширганмиз. Ҳатто «Қор одам»ни кўрдим деган одамлар билан суҳбатлашганмиз ҳам. Бироқ ҳанузгача у билан ҳеч ким яккама-якка гаплашмаган. Тўғри, матбуотда «Қор одам»ни ушладик деган хабар ҳам эълон қилинган. Биз эса «Қор одам»ни ҳалигача ҳеч ким ушлай олмаган ва ушлай олмаса ҳам керак, деб ўйлаймиз. Чунки одамларни кўриб хавотирланган «Қор одам» бир лаҳзада бошқа ўлчовли оламга ўтиб кетади. Бойси, «Қор одам» дунёларнинг ўзаро туташган чегарасида яшайди. Мабодо у уч ўлчовли фазо чегарасига ўтиб қолгудай бўлса, биз уни кўришимиз мумкин. Акс ҳолда уни ҳеч қачон ва ҳеч вақт кўра олмаймиз. Чунки бизнинг олашимиз уч ўлчовли фазода мавжуд бўлиб, бошқа ўлчовли олам қонуниятлари биз учун мос эмас.

Энди Альберто воқеасини яна бир эслайлик. Дарҳақиқат, Альберто узун туйнукка тушиб қолган. Бунда «Вақт жари»нинг чегара зирҳини туйнук деб тушунган. Тўғри, ҳар қандай зирҳнинг орқаси кўринмагандек, Альберто тушган туйнуксимон жарнинг ҳам орқаси кўринмаган. Лекин у жарнинг охири очик бўлгани учун Альберто унда ёруғ нур кўрган. Унга кўринган асбоб-ускуналар аслида Коинот унсурлари, махлуқлари эса ёндош дунё вакиллари дидир. Мулоқот эса телепатик шурий усулда юз берган. Телепатик йўл билан фикр юбориш учун эса тилни билиш шарт эмас. Чунки инсон мияси шундай қобилятга эгаки, у ҳар қандай телеахборни қабул қилади, яъни бунда бошқа тилларни билиш ёки билмаслиқнинг аҳамияти йўқдир. Шунинг учун ҳам «ўзга сайёралик»лар билан мулоқотда бўлган одамлар, уларнинг барча тилларни билишлари ҳақида ажабланиб гапирдилар. Ҳолбуки телепатик мулоқот учун тилнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Демак, биз ёндош дунё вакиллари билан мулоқот қилишни истасак, энг аввало, ғойибга чиқишнинг қонун-қоидаларини ўрганиб олишимиз ва у қонун-қоидалар асосида иш юритишимиз, тўғрироғи, уларга амал қилишимиз керак бўлади. Бунинг учун эса ғойиб илмларини мукамал ва пухта эгаллашимиз лозим. Илм йўли эса машаққатли ва жуда узоқ меҳнат талаб этади.

Албатта, «Вақт жари» тушунчаси бу ҳали фарз. У ўзининг илмий изоҳини топиши лозим. Ҳарқалай, ҳурматли муштарийлар, бу мулоҳазаларни оламнинг тузилиши ҳақидаги янгича бир нуқтаи назар, деб тушунарсизлар ва бу тўғрида фикр билдирасизлар, деган умиддамиз...



Ҳозирги кунларда ғайри-табиий хислатли кишиларга ҳар қадамда дуч келаяпмиз. Биз бугун руҳий муолажакор тошкентлик табиби ғайб Дилбар Собирова ҳақида мухтасаргина хикоя қилмоқчимиз.

«Туғилганимдан кейин онамнинг фақат ўнг кўкракларини эмган эканман. Етти ёшимдан бошлаб менга ғойибдан «одам» кўринадиган бўлди. Бир кунги энг яқин ўртоғим билан ўтиргандик, ўша «одам» иккаламизга ҳам кўринди. Мен ҳушимдан кетиб йиқилдим. Шу-шу ўша «одам» менга тез-тез учраб, ҳушимни олиб кетаверадиган бўлди. Беш-олти соатгача ҳушсиз ётардим-у, лекин... туш кўрардим. Ота-онам бошимда йиғлаб ўтирарди. Дўхтирлар менга тутканок деб ташхис қўйишган. Одамлар эса жинни бўлиб қолибди, деб гап ҳам тарқатишганидан сўнг ота-онам роса қаратишган. Лекин дори-дармон қор қилмаган. Кундан-кун ахволим оғирлашаверган. Томоғимдан сув ўтмай қолган. Оёқ-қўлим ишламай, аъзойи-баданим ирий бошлаганди. Тушимда девлар, баҳайбат илонлар кўринаверарди. Охири дадам мени қорига уч кун ўқиттирди... Мозорда дастурхон ёзиб, фотиҳа олдим. Шундан кейин... тузала бошладим...

Фотиҳа олгач, негадир одамларни даволагим келаверарди. 15 ёшимдан бемор кўра бошладим...» — дейди Дилбархон.

Ҳақиқатан Дилбархон уйдан кун бўйи одам аримайди. Бу одамлар узоқ вилоятлардан, ҳатто қўшни жумҳуриятлардан бежизга келишмайди, албатта. Буни Дилбархон номига ёзилган дил сўзлари ҳам исботлаб турибди. Мана улардан айримлари:

«Мен боламни ниҳоятда оғир ахволда Дилбархонга олиб келгандим. Болам кўрмагандай бўлиб кетди. Менга Дилбархоннинг истеъдоди, одамгарчилиги, камтарлиги жуда ёқди».

Азиза ПУЛЛОВА,
Тошкент вилояти, Калинин ноҳиясидаги
Свердлов жамоа хўжалиги

ХАЛҚНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ!..

«Қизим Зулфияни фалаж холда Дилбар опага олиб келдим. Дўхтирларга қаратганимдан фойда чикмади. Дилбар опамизнинг шифолари туфайли кизим тузалиб кетди. Уларга катта раҳмат».

Муяссар ХАСАНОВА,
Тошкент, Алгоритм, 14—52

«Ўнг қўлим бутунлай ишламасди. Дилбархондан 7 марта муолажа амали олиб тузалиб кетдим».

ХОЛМУХАМЕДОВА,
Бирлик, Маҳорат кўча, 111-уй

«Юрагим соат 9⁰⁰ дан 17—18⁰⁰ гача каттик урар, тахта бўлиб ётардим, гоҳида ётмасам ҳам бошим қарахт, осмонда юргандек бўлардим. Кўзимга ҳамма нарса совук, ёмон кўринарди. Хатто уй-жойимни сотиб, одам йўқ жойларга кетгим келарди. Худога шукр, хозир жуда яхшиман».

Мавжуда МАЗАРОВА,
Тошкент, Октябрь ноҳияси,
Увайсий кўчаси, 29-уй

«Ибн Сино» номидаги саломатлик Шарк табobati марказининг башоратчи табибаси Дилбархон Собирова руҳий муолажа амалларини ўтказди. Даволаш мобайнида бош ва бел оғриғи, юрак сиқиши, буйрак, жигар, ошқозон, кўз касалликлари, қандли диабет, тери хасталиклари, нафас сиқиши билан хасталанган беморлар даво топади. Даволаш амаллари одатда 7 кун давом этади. Ана шу муддат ичида баъзилар аста-секин, баъзилар эса тез шифо топадилар.

Дилбархон кўпчилик ойнаижаҳон муҳдисларига «Ешлик» кўрсатувлари орқали яхши таниш. Юқорида Дилбархонга ихлоси баландлар кўпчилик дегандик. Ҳақиқатан шундай. «Хар қу-

ни тонгдан кечгача одам кўравериш кишини чарчатади. Лекин илнж билан узок йўл босиб келган беморни умидсиз қилиб қайтариб юбориш ҳам оғир. Очиғи, уларни қайтарадиган бўлсам, ўзим қўл-оёғим ишламай ётиб қоламан... Бит-талаб одам кўришга эса улгурмаяпман. Навбат эса 5—6 ойга чўзилиб кетаяпти. Шунда кўпчиликка бирдан таъсир ўтказиб даволашга аҳд қилдим», дейди Дилбархон.

Дилбар Собирова шу йил 19—25 июль кунлари Тошкент томошагоҳи (цирки) да 7 кун одамларга руҳий йўл билан таъсир ўтказди. Амаллар тугагач, халқ уни олқишлади; шифо топганлар миннатдорчилик сўзлари билан чиқишди.

Дилбархон жумҳуриятимизнинг вилоят, туманларига бориб ҳам даволаш амаллари ўтказаяпти. У яқинда Югославия ва Туркиядаги ватандошларимизнинг талабларига биноан ана шу мамлакатларга сафарга чиқади.

«Катта бўлма (зал)ларда амаллар ўтказишимизга, умуман башоратчи-табибларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарши. Тўғри, пул топиш ниятида башоратчиман деб халқни алдаётганлар ҳам кўп. Аммо орамиздан саралаб, хақиқийларига йўл очиб берилса, тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда ишласак, тушган пулни бева-бечораларга, жумҳурият касалхоналарининг аҳволини яхшилашга сарфласак, дейман. Мана, томошагоҳда муолажа ўтказишдан олдин Соғлиқни сақлаш вазирлигига бориб учрашдим, мақсадимни айтдим. Бирок улар тегишли жамғарма ҳисоб рақамини айтишмади. Ҳозир кўпчилик тан олиб бизга эргашаяпти. Ахир, қобилиятингиз бўлмаса халқни алдаб бўлмайди-ку!..» — дея қуюниб гапирди Дилбархон.

Ҳа, бугун халқни алдаб кун кўрадиган замон эмас. Ўзини, ўзлигини таниган эл ўз табибини ҳам таниб олади...

Мавжуда ОРИПОВА



Сумерлар бу диний тушунчалари билан хититларга ҳам таъсир ўтказишганди. Хититлар бир пайтлар Хуррий динини қабул қилишганди.

Эломлилар эса авваллари сумерлар каби тотемийлик, анимийлик, натурийлик ва шомонийлик йўлларини босиб ўтганларидан кейин, турли бегона динларга ҳам сиғинган эдилар.

Ислом киргунга қадар Ўғуз ўлкаларида ҳам шомонийлик кенг ёйилган эди. Шу сабабли кейинги асрларда ҳам исломнинг кучли маданияти қаршисида шомонийлик излари узил-кесил йўқолиб кетмади, диний анъаналар тарикасида яшашда давом этди.

VIII асрдан эътиборан бутун Месопотамиядаги динлар, жанубдан келган ислом билан тўқнашиб, ўзаро кескин курашлар олиб борилди ва ниҳоят ўзаро аралашиб кетиш жараёнлари ҳам юз берди.

Ўрта Осиёда ҳали бу ҳаракатлар ва дин ғавголари авж олмаган эди.

«Девони лугатит Турк» таржимасининг биринчи жилдида мусулмон бўлмаган бир уйғурнинг қандай ўлдирилгани шундай баён этилади: «Унинг ишини битирдим. Дўстини ҳам қочирдим. Ўлим оғусини ичирдим. Юзини буриштириб ичди».

* * *

Ниҳоят шуни ҳам аён айтиш керакки, тотемийлик, анимийлик, натурийлик ва шомонийлик каби Туркистоннинг илк динлари ва маънавлари ҳар жиҳатдан афсонавий табиатга эга бўлгани ҳолда, бу орада қабул қилинган, пайғамбари ва муқаддас китобига эга бошқа динлар бир жиҳати билан бир қарашда афсонавий бўлиб кўринмайдилар.

Маздакийлик, монийлик, буддавийлик ва таонийлик динларининг умуман талқин қилмоқчи бўлгани: яъни, ғоят кўрқоқлик, ишламай узлатга чекиниш, ўрганишни қўйиб жоҳилликда қолиш, хайрни ва яхшилиқни севиш, изтироблардан қутулиш учун борлиққа илтифот қилмаслик, орзулардан воз кечиш каби ишонч ва амал дастурларининг баъзилари муайян ҳаётга, фаол яшашга уйғун келмайди. Аммо бу тавсиялар, ҳар неки бўлса-да, мифология билан алоқадор, деб ҳисобланмайди.

Зардўшт «Оваста»да, Моний: «Артани Моний»да, Тао: «Тао-те-Кинг»да, Будда эса: Нирвона учун қилган ишоратларида, улар ўз насихатлари ва Илохийлари ила доим бу оламларга элтувчи йўлларга йўлчи тайёрламоқни истайдилар.

Энди кичик бир ўрناق олиб, бу кўздан пинҳон оламдагиларга назар ташланса, манзаралар яхшироқ ойдинлашади.

Маздакийларча: Буюк Тангри Охура Мазданинг куёшда ўтириши, Хурмуз билан Аҳриман каби яхшилиқ ва ёмонлик тангриларининг олишувлари; буддавийларга кўра: Будданинг кўкларга чиқиб, ўттиз уч тангрини тўғри йўлга йўллаши, куёшнинг бир чамбар сифатида қўлга олиниши, Шайтоннинг Буддага бало бўлиши; монийчиларга кўра: нур яхшилиқни, қоронғулик ёмонликни тамсил этиши ва улар ўртасидаги курашлар, шайтоннинг қоронғуликлардан туғилиши; таонийчиларда эса, бўшлиқ оламининг муқаддас деб танилиши, асил фазилатнинг қоинотдаги интизомда бўлиши, бу жиҳатдан бўшлиқ оламининг бутун яратиклардан афзал бўлиши каби дин бунёдкорларига илохий қудратлар томонидан берилган илҳомлардан туғилган асотирли манзаралар мўл-кўл кўзга ташланади.

ТОТЕМИЙЛИК

ТОТЕМ-ЎНГУН

ТОТЕМ: баъзи хайвонлар ва ўсимликлар инсонларнинг кўриқловчиси ва тангриларидир. У кавминнинг одамлари ёки шу хайвон ёки шу ўсимлик зотидан таркаганлар. Шунинг учун ҳам улар илохий (муқаддас)дир. Шундай эъзозланган хайвон ва ўсимлик «тотем» дейилади. Бир хайвонни тотем санаган қавм шу хайвоннинг этини емайди, фақат у хайвоннинг биринчи боласи ҳар йилда бир марта қурбонликка сўйилади, этини ейиш эса у қавмга ман этилади.

Кейинчалик тотемийлик янада тақомиллашган. Бир қатор хайвонлардан: бирининг панжаси, бирининг тумшуғи, қуйруғи (думи) ва оёқлари каби аъзоларидан бирави олиниб шакл берилган ва шу тарика ажойиб бир тимсол бунёд этилган, булар муқаддас ва яратувчи сифатида эъзозланган.

Тотемнинг тасвири уйларга, ашёларга ва мазорларга қўйиларди. Одамлар баданларига ҳам тотемларнинг расмини солардилар.

Тотем билан Ўнгун орасида шундай бир фарқ бор: кавмлар ўзларига тотемларнинг отини берадилар, у қавм ичиде бири бошқасига уйланмайди. Ўнгун учун эса бу шартлар йўқ.

Қадимги миллатларнинг кўпчилигида тотемийликни кўриш мумкин. Тотемликка қабул этилган нарсанинг тунж, мрамор ва оддий тошдан ҳайкаллари ясаларди.

Бора-бора тотем бўлган хайвоннинг яратувчи ва асровчиси ҳақидаги диний эътиқодлар заифлашган ва ўрнини миллий тушунчалар эгаллаган. Шундан кейин у хайвоннинг бутун танаси ёхуд бир аъзоси кўпларнинг яловларида ва тамгаларида миллий рамз, тарихий бир ёдгор бўлиб ўрин олади.

Тотем ҳақидаги муқаддас эътиқодларнинг ҳаммасини умумлаштириб, тотемийлик дейилади.

ЎНГУН: туркларда ҳар уруғнинг бир муқаддас хайвони борки, буни Ўнгун дейдилар. Сулоаларнинг ибтидосида у хайвоннинг бўлганига инонадилар.

Ўғуз ўғилларидан ҳар бирининг ўзига дахлдор турк қавмларига мос бирор хайвон — Ўнгун бор эди. Бу қавмларнинг ўнгунлари овчи қушлар эди. Фақат Бов Хон қавмининг Ўнгун «Уч қуш» деб аталган.

Ўнгун деб топилган хайвонларнинг эти ейилмайди, унга ўк отилмайди, асло ранжитилмайди.

Мўғуллар билан бир қисм турклар дарахтдан ва дағал матодан Тангри расмларини ишлардилар, буни ҳам Ўнгун дердилар. Ўша расмларни уйларининг деворларига осардилар, унга қараб ибодат қилардилар.

ФЕТИШИЙЛИК

Нодир, оддий ёхуд қимматли тошлар билан бир қатор нарсаларнинг муқаддас ҳисобланиши, уларнинг қут келтириши, ўшаларни қўллаш эвазига ёмон кўзлардан сакланишга интилишлар фетишийликнинг асосини ташкил этган.

Халқ озаки ижодида ҳам ўрин олган бу нарсалардан ҳар бирининг ўзига ҳос ифодаси бордир. Сехрлар ҳам шулар орқали адо этиларди. Инсон қўли билан ясалмаган бу нарсалар «фетиш» дейиларди. Маълум мақсад ва ниятлар билан булардан қайсидир бирини ёхуд бир қанчаси-

ни кишилар тақиб юришар, уйларининг бирор бўш тарафига қўйиб қўйишарди. «Ёмон кўздан асрасин!» дея тақилган баъзи тошлар, деворларга илинган қуруқ мева ва саримсоқпёз, ҳатто қора товук қони билан билинар-билимас ёзилган қосалар, бошга қўроғшин осиб юришлар, тўнғиз ёғи сурмоқ, туя сийдиги ичириш орқали сехрлашлар каби ҳаракатлар бир қадар ўзгаришга учраган фетишийликдан бошқа нарса эмас.

Анча кейин ясала бошлаган нодир бутлар, даставвал фетиш саналган ашёларнинг тош ва ёғочларга ишланиб майдонга келган шакллари-дир.

ШОМОНЛАР

Шомонликни қабул қилганлар умуман шомон ёки шомончи дейилса ҳам, асил шомонликнинг эътиқодини ёювчи ва шомонийликни ўзида ифодаловчи қимсаларга Шомон оти берилди.

Шомон сўзи чинча (хитойча): истакларни енга олувчи қимса, демакдир. Ёқутларнинг ақидасича, тақдир шомонлар бир бургут туҳумидан чиқди ёхуд шомоннинг руҳи муқаддас бир дарахтдан туғилади, шомоннинг она қорнидаги вужудига қиради.

Яна ёқутлар асотирига кўра, шомон билан темирчи бир булоқдан вужудга келганлар. Бурятлар асотирини ёювчи ва шомонийликни бурят хотини билан мулоқотидан бола туғлади. Хотин бу мулоқотдан кейин руҳларни кўради ва гаплашарди.

Тунгуслар эса шомонни шайтоннинг ёрдами билан дунёга келган, деб тушунадилар.

Бир афсонага кўра эса, Эрлик Хон теридан бир довул (чирманда, дойра) ясаб, илк шомонлик маросимини ўтказган экан.

Шомонлар жамоат орасида катта обрўга эгадир. Улар одамларнинг ижтимоий ҳаётини бошқардилар, ҳатто давлатнинг тақдирини ҳал эта оладилар, ҳоконлар ҳам шомонларнинг таъсири остида қолади.

Шомон тангрилар билан гаплашар, одамларга йўл кўрсатар, ақл ўргатар, ҳокимлик қилар, хасталарга шифо бериш йўллари ахтарарди. Уларнинг фикрича, хасталик — ёмон руҳларнинг инсонлар пайига тушишининг оқибатидир. Шомоннинг ўзи билан бирга ҳамроҳ бўлиб юрадиган бир руҳи бор. Шомон ана шу йўлдош руҳни, одамни хасталаган руҳга рўпара қилади, хасталикни келтирган ёмон руҳнинг ўзи орқали беморни тузатишга уринади. Бунинг учун дорилар тайёрлайди, дуолар ўқийди, бақиради, рақсга тушаётгандек турли ҳаракатлар қилади.

Бу амалларни бажараркан, у бошларига от думини тағиб, юзларига ниқоб тутиб олади, кийимларида эса турли тақинчоқлар, хуштақлар, жинғироқлар бўлади, муолажа пайтида довулни чалиб туради.

Мўғулларнинг Эрдана — Уло деган қутли тоғини чиндилар ўз мамлакатларига олиб кетишганди. Тоғнинг бўш қолган ўрнида бир шомон хотин дуолар ўқиди, Тангрига ёлворди, тоғни жойига қайтарди.

Шомон хотинлардан Қоноо: Алаш дарёси соҳилларидан Олтой тоғларидаги Қопшу дарёси соҳилларига учибди.

Қочи деган бир ёрқак шомон ҳам ёзнинг бир қуни дуо ўқиб, дўл ёғдирган.

Шомонларнинг нияти аслида инсонларга яхшилик қилиш эди. Аммо уларнинг аччиғини чиқаришса, уларга ишонч билдирилмаса, кўп таҳликали ишлар юз бериши мумкин, жумладан ёмон руҳларни одамларни таъқиб этиш учун юборишди, касал қилиб қўйишади. Шунинг учун шомон

айни пайтда ҳам севикли, ҳам кўркинчили бир кимсадир.

Олтой туркларининг эътиқодларига қараганда, ўлган шомон руҳи ер юзид а яшаётган яхши кўрмўслар орасига кўшилиб кетади. Шомон ўлганидан уч ёки етти кун ўтганидан сўнг руҳи хеш-ақраболарини кўргани келади; уй ёки чодир (капа)нинг яқинидаги бир ўрмонда хар ёнда сукунат ҳукм суриб турган маҳалда довулига секингина уриб, таширидан дарак беради. Шундан кейин шомоннинг руҳи яхши кўрмўслар орасидан кўним топади.

Марҳум шомоннинг расми тайёрланади, уйга чақирилган бошка бир шомон бу расмга шароб сепади, дуолар ўқийди, шу тарика бу расм уйнинг энг боп жойига осиб кўйилади.

Ўлган шомоннинг хулёси олтойликларни хар ерда: уйда, тоғда, ўрмонда, рўёю тушда таъкиб этади. Бу хулё, шомоннинг ўлимидан уч, беш ва ёки етти йил кейин ҳам кўриниш беради. Ёқутлар билан олтойликлар шомоннинг овози ва сўзини бемалол эшитадилар. Шомон улардан курбонлик истаиди. Агар унинг бу тилаги адо этилмаса, кўрқитишга ўтади, хар хил хасталиклар юборади.

Олтойликларнинг эркак ва аёл шомонлари маняк, ёқутларники эса куму ҳам дейилади. Улар маржонли, жинғирокли, тақинчокли оқ кўй ёхуд ёввойи кийик терисидан тикилган либосларни киядилар. Энгилларининг баъзи ерларига арслон терисининг парчалари чатилган бўлади. Шомон бу либосни ўзини идора этувчи Кўрмўснинг амри билан кияди. Либос устида тангри томонидан шомоннинг кўрқиланиши учун тақилган жинғироклар, Ўлген қизларнинг рамзи ўлароқ ёқасида тўққиз дона кўғирчоқ осиб кўйилади, кўғирчоқларнинг бошига эса Пуху (улкан бошли куш, узунлиги 65 сантиметгача боради) пати кадалган бўлади. Кўғирчоқларнинг тагидан икки сидра тикилган йигирма етти дона илон боши, денгиз солёнкўзининг (солёнкўз — олмаҳончалик келадиган денгиз каламуши) териси ва туянинг тиши жой оларди.

Кўғирчоқларнинг тепадаги каторига яна тангри томонидан берилган тўққиз ўк ва ёй кўйиларди. Манякнинг орқа қисмида куёш ила ойнинг рамзи ўлароқ икки тўка (камар) жойлаштирилди. Яна бир канча кичик тўкача (тасмача)лар ҳам бўлиб, булар юлдузларни тамсил этарди.

Булардан бошка яна бир қисм тақинчоклар, халта, айик панжаси ва бургут тирноғи кабилар манякнинг эгнига осиларди. Булардан хар бирининг эса ўзига хос бирор ифода мазмуни бўларди.

Мўғуллар, ўғузлар, кирғизлар ва чиғатойларнинг бир тоифаси ҳам ўз кавмлари орасида шомонларнинг вазифаларини адо этишарди.

Шомонлар довули уларнинг кўлидаги энг муқаддас куроллардан бири саналади. Шомон ана шу довул воситасида тангриларга ўз овозини етказида, ёмон руҳларни шу овоз орқали қочиради, ўзи эса довулдан чиққан саслардан хаяжонланади, халқни яна шу довулининг овози билан кўрқув ва хаяжонга солади.

Шомон довулида кўп расмлар бор. Улар кизил ва оқ бўёк билан ишланган. Бу расмларни ишловчиларни «Юружу» деб аташади. Юружулар расмларни шаҳодат бармоғи билан соладилар, расмларнинг хар бири алоҳида бир нарсани тамсил этади.

ШОМОНИЙЛИК

Шомонийлик, ўз ишончлари ва ўртага қўйган мақсадларига кўра, дин деб саналмаса-да, дин кадар таъсирли бўлган эди.

Шомонийлик юз йиллаб туркларнинг хаётида катта ўрни тутди. Хусусан, олтойликлар узок пайт унинг таъсирида бўлдилар. Шомон тангрилари, уларнинг хабарчилари бўлмиш шомонлар, керак бўлса, жамозани ва давлат идорасини ҳам остин-устин қилиб юборишарди.

Шомонларнинг ақидасига кўра, илк инсонларни кўрқитувчи ёхуд уларга яхшилик этувчи руҳлар мавжуд эди. Одамлар ўлиб, ёруғ дунёдан айрилгач, руҳлари ортида колган тириклар орасида кезиб юрар, уларни таъкиб этар, ёмонлик қилардилар. Аммо вақт ўтган сайин одамлар руҳларга бутунлай душман мавқеда бўлишни, уларнинг таъкибидан қочишни аста-секин сусайтирдилар. Елғиз ёмон руҳларни қувмок, улардан химояланмок учун чора излардилар. Яхши хаётга ва роҳатга етишмок ҳамда ёмон руҳлардан сакланиш уларнинг ягона тилағи эди.

Шу мақсадда маросимлар ўтказилар, дуолар ўқиларди. Бу эса шомонийликнинг асосини белгиларди.

Яна шомонларнинг наздига кўра, инсоннинг бири ўзида, бошкаси эса айри, аммо унга эш бўлган иккита руҳи бор эди. Бу эш руҳ хайвон холида ҳам бўла оларди, уни эса «Якил» деб аташган эди.

Анимийликнинг ва натуралийликнинг асослари узра камол топган шомонийлик тангрилари кўп ва бу тангриларнинг вазифалари хилма-хилдир. Уларнинг назарида беш муқаддас унсур бўлиб, темир, тупрок, олов, сув ва дарактдан иборат эди.

Кўк ўн етти, ер ости эса тўққиз табакага бўлинган эди. Кўкнинг ўн етти қавати ёришиб турган жаннатлар олами ва тангрилар истиқоматгоҳи эди. Ер остининг қаватлари эса қоронғиликлар диёри ва жаҳаннамлар минтақасидир. Инсонлар билан бошка мавжудотлар ер остию кўкнинг орасида, яъни ер юзид а эди. Фақат одамлар ўлганидан кейин руҳлари бу дунёдаги қилмишларига кўра ё кўқларга ва ёки ер остига жўнатиларди. Гуноҳсизларнинг руҳини кўқларга олиб борадиган «Еювчи», гуноҳлиларини эса ер остига элтадиган «Кўрмўслар» мавжуд эди.

Кўқлар ва жаннатларга ҳоким бўлган яхшилик тангриси Ўлген билан ер ости ва жаҳаннамларга ҳоким бўлмиш ёмонлик тангриси Эрлик ўртасида кураш борар эди.

АНИМИЙЛИК

Анимийлик бутун борлиқнинг руҳ соҳиблари мавжуд бўлишига ишонмокдир. Анимийларнинг қарашича, жонли-жонсиз хар нарсанинг руҳи бордир.

Рухлар, моддий унсурлардан айрилгандан кейин кўк ва ерости оламига йўл оладилар. Буларнинг яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам бордир. Яхшилик ва ёмонликларни ҳам инсонларнинг кўриш ва ишонишларига боғлиқдир. Хайвонларни тангрилаштиришда ҳам шу ишончга таянмокдалар.

Хусусан, олтойликлар ва ёқутлар асрлар давомида боғланиб қолишган шомонийликнинг бутун қондалари ҳам, хар нарса моддий ва руҳий икки борлик билан тамсил этилишини шарҳлаган анимийликнинг негизига суянади.

ДАВОМИ БОР

Туркчадан М. АЪЗАМ ўғирмаси



ИСЛОМ

МАДАНИЯТИ НИМА

Жаҳон маданиятининг ҳар қандай ҳодисасига мурожаат қилиб, уни тушунишга интиларканмиз, шубҳасиз саволлар силсиласига дуч келамиз. Бундай саволлар жуда кўп: улар бир-бирларига ўхшаган ва ўхшамаган, боадаб ва беадаб ёки ҳатто олдиндан ёмон жавобга чоғлаб фитна қилувчи маъно касб этиши мумкин. У ёки бу ҳодисани тушуниш муаммоси — доимо муаммо ва бу ерда энг муҳими — савол берувчи одамнинг нуқтаи назари масаласидир. Зотан, М. М. Бахтин, «тушуниш — жавобда пишиб етилади», деган эди. Лекин жавоб ҳамиша қўйилган саволнинг пировард натижаси сифатида майдонга келади, айнан савол сўроқловчининг тадрижий нуқтадаги дунёқарашининг ўзига хос жиҳатларини акс эттираркан, жавобнинг мазмуни ва оҳангини белгилайди.

Бизнинг мамлакатимизда исломни тушуниш, тушуниб етмаслик ёки қабул қилмаслик дин ва маданият, уларга тааллуқли жаҳолат ва қўрқув ҳисси, уларни тўла англаб етмаслик ва тажовуз-корона қабул қилмаслик каби нуқтаи назарга боғлиқдир. Агар савол қизиқувчан ва маърифатли онгда тубдан пишиб етилса, бу маърифат юзаси эмас, даставвал руҳан зуҳр этилган ва агар савол назокат нури ила йўғрилган бўлса, у шакл-шубҳасиз акс-садо топади. Мана, биргина мисол. Аёл кишининг ёпинчиққа ўралиши — ислом этиқодидир. Маданиятда илдиз отган бу анъана билан ҳисоблашиш ва унинг сабабларини тушунишга интилиш лозим. Бу одоб-ахлоқ қондасининг маъноси хусусида савол қўйилиши мумкин, лекин аёлнинг юзигади пардани тортиб олишни анъананинг асл негизларидан ва унинг бутун жаҳон маданиятида кенг тарқалгани сабабларидан беҳабар саводсиз одамгина талаб қилиши мумкин. Лекин, бахтга қарши, бизда ислом ҳақида ёзиш ва гапириш кўпинча айнан шундай кимсаларга ишониб топширилган.

Юзаси қараганда ҳаммаси оддий туюлади: ўқи, анъана тарғиботчиларига қўлоқ тут, шундан кейингина гапир ва ишга кириш. Бу масалада (дарвоқе, бошқа кўп ҳолларда ҳам) мамлакатимизда ҳаммаси аксинча қилинади. Исломнинг

ўзи эса, қатъий қонун-қондаларга таянади: билим ҳаммавақт амалий ишга дебоча бўлади. Ижтимоий фаоллик ва мусулмон жамоаларига ҳурмат ҳисси фақат билимдон одамларга хосдир ва ислом хусусида маърифатли одамларгина ҳукм юритишлари мумкин. Зотан, «Аввалу ма ҳалака Аллоҳу ал ақла» («Аллоҳ яратган илк нарса Онгдир»).

Ислом нима дегани ўзи? Бу саволга жавоблар кўп, лекин уларнинг ҳар бири нуқтаи назар ва яна билимларга боғлиқ. Масалан, замонамизнинг энг кўзга кўринган олимларидан бири исломни, мана, қандай тушунади: «Ислом — бу айнан Худонинг айнан Инсон билан учрашувидир». Бу гапларнинг замирида нималар ётибди ва улар қанчалик адолатли? Ахир, насроний (христиан) динига мансуб одам бу фикрга эътироз билдириб, Худо-Ўғилнинг самовий вазифаси адо этиб бўлинган ҳамда Худонинг Инсон билан учрашуви ҳам зоҳир кечган, қиёмат-қоийм билан боғлиқ келажакда эса, у такрорланиши керак, дейиши мумкин. Мусулмон одам эса, Исо пайғамбарнинг илоҳият тарихидаги ўрнини шубҳа остига олмаган ва ҳатто буни таъкидлаган ҳолда, айнан Худо ва айнан Инсоннинг учрашуви асло самовий, боз устига тарихий воқеа эмаслиги, унинг вақтдан, фазодан ташқарида, айнан олам пайдо бўлганидан илгари юз берганини уқдиради.

Бу учрашув мусулмонларнинг муқаддас тарихи ва жамаи ислом маданиятининг марказий воқеаси ҳисобланади. Мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръони Шариф бўйича, у абадийлик ибтидосида зоҳир бўлган. Оллоҳи Таоло бўлажак инсониятга, Одам Атонинг авлодларига: «Сизларнинг Парвардигорингиз Мен эмасми?» — деган савол билан мурожаат қилган. Ушбу саволга уни тасдиқловчи ва баъзи тафсиричларнинг таъкидлашича, шодиёна жавоб қайтарилган: «Ҳа, биз бунга гувоҳлик берамиз». Қуръонда абадийлик ибтидосидаги савол-жавоб сабабига ҳам изоҳ берилган: «Тирилиш кунида сиз: «Биз бунга беписанд қараган эдик», — деб юрманг». Худонинг илоҳий Аҳди-даъвати шундай ва мусулмонларнинг бўлажак муқаддас тарих ҳодисалари, ислом

маданиятининг самовий ва тарихий моҳияти ва исломдан олдин ва кейинги бутун башарият маданиятига заминий муносабати шундай. Бу Аҳди-даъватга кўра, бизгача яшаб ўтган ва яшajak ҳар бир одам — биз ҳаммамиз Худо билан мустаҳкам аҳду паймон қилганмиз: ўз хоши-иродамизга биноан, биз абадият ибтидосидан ўз истиқболимизни барпо этамиз. Энди Инсон ўз қисматини Худога боғлаган ва Худо билан яна учрашуви зоҳир бўладиган ва абадият ибтидоси ўлловларига қайтадиган кун келишини кутади. Буни англаб етган кишилар мусулмон эътиқоди тимсоли бўлиш: «Ла илаҳа иллаллоҳ» — «Худодан ўзга Худо йўқ», — деган ақиданинг маънисига теранроқ тушунадилар.

Мусулмонларнинг кўхна китобида яҳудо динидаги кишилар ва насронийларга мурожаат қилиниб, қуйидагилар айтилади: «Биз сизларга ва бизга ваҳийдан юборилган нарсаларга ишонганмиз. Сизнинг ҳам, бизнинг ҳам Худойимиз танҳо ва биз унга тоат-ибодат қиламиз». (29, 45). Боз устига жами Аҳди кўхна пайгамбарлари ва Аҳди жаҳид пайгамбари Исо ҳам абадият ибтидоси юзасидан битим тузишган. Ҳақиқий монотеизм (яккаҳудолик)га асос солган илк Аҳд Иброҳим пайгамбар томонидан қабул қилинган эди. Яҳудо, насронийлик ва ислом — динларнинг иброҳимча туркумига кириди, лекин бу ҳодиса, худди Исонинг янги Аҳди жаҳид ҳодисаси каби, инсоният тарихининг таркибий қисмини ташкил этади. Муқаддас, маърифий, табиатан самовий ҳодисалар сифатида исломда улур янада тарихий мавқе касб этади ва башарият тарихи теософияси (ибодат, риёзат билан Худога етишиш ва ундан келган ваҳий туфайли «у дунёни» билиш мумкин, деган диний-мистик тушунча) доирасида ўрганилиши керак. Шунинг учун ҳам Иброҳим билан боғлиқ илоҳий Аҳд мусулмон тафаккури учун жуда муҳим ва асосий ҳодиса бўлгани ҳолда Қуръон ва ислом маданияти учун марказий ўрин эгаллаши мумкин эмас. Ислом учун Худонинг бўлажак инсоният билан метафазовий, тарих доирасига кирмайдиган учрашуви дастури ва мусоҳабаси кўпроқ муҳимдир. Инсоннинг Худо билан тимсолий маънода юзма-юз келиши бутун ислом маданиятининг табии ва тақдирини олдиндан белгилловчи абадий ҳодисадир.

Айтиш мумкинки, ислом — учинчи илоҳий Аҳд динидир. Ушбу қарашлар мажмуаси (концепция) одемзот моҳияти ва турмуш тарзини тушунишнинг негизини ташкил этади. Вақт хилқатини олиб қарайлик. Қуръонни эътибор билан ўқиган одамлар мусулмонларнинг бу илоҳий китоби яхлит мазмун тузилиши (сюжети)дан деярли холи эканини пайқашади. Қуръон сураларининг жойлашуви тартиби ҳам вақт тушунчасига бўйсунмайди; уларнинг баёнида хронологик изчиллик йўқ, Муҳаммад пайгамбарга Худодан берилган ваҳий батартиб эмас. Пайгамбарларнинг подшолик даври ва ҳаёти ҳам бундай тартибдан холи, яҳудо ва насронийларга хос воқеалар кечмишининг тартиби деярли йўқ. Қуръонни тушуниш ҳаддан зиёд қийин, айрим маънода мутлақо мумкин эмас. Илоҳий кўлэма ва ислом маданиятининг ўзи ҳам унга «ишора» ва «сир» деб қарайдики, гап бу ерда инсон тақдирининг Худо нигоҳи остида чорасизлиги, мажхуллиги ҳақида боради.

Буюк мутасаввиф ва шоир Жаллоддин Румий, Қуръон асил маънода ёпиқ матндир, уни фақат тафсир қилиш мумкин, лекин тушуниш мумкин эмас, деб айтган эди. У Қуръон сирини чодрага ўралган аёлнинг сирини билан қиёслаган: агар кимдир чодрани кўтаришга уринса, аёл унга: «Сен излаётган нарсанга мен эмасман», дейди. Шунинг учун ҳам ислом маданиятининг негизини

тафсир аънанаси: Қуръон тафсири ва кўплаб шеърини асарларнинг шарҳи ташкил этади.

Албатта, бу жиҳатдан исломни ноёб деб бўлмайди. Аксинча, Тори (мидрашлар) — яҳудо динининг қонунлар тафсири исломдан аввал дунёга келган. Лекин ҳамма гап тафсирнинг миқёси ва маданият билан уйғунлашуви кўламидадир. Муқаддас ва ҳатто оёқости қилинган, лекин бооб-рў матн исломда қайта-қайта ўқишни, тўғри тафсир этишни талаб қилар, сир ҳаммавақт шарҳи қийин сўзларни ҳижжалаб ўқишни тақозо этади. Сир ҳаммаша кўнглини мафтун қилади, зеро, айнан сир-синаот башариятнинг тамомила қутқарилишига йўл очади. Шу сабабли ҳам тафсирчининг ўрни тарихан келажакка бориб туташади, тафсирчининг ўзи эса, эсхатологик (қиёмат-қоиймни ўрганувчи таълимот) сиймо тарзида намоён бўлади. Исломда илоҳий хабарни шарҳлаш вази-фаси нафақат тафсирга, нафақат бир ёки бир неча матнга юкланган — тафсир билан бутун маданият шуғулланган. Маданиятда исломни чуқур шарҳлаш турли-туман: теологик (Худо ҳақида диний таълимот), фалсафий, лингвистик (тилшунослик), шеърини-филологик йўналишларда кечади. Матн билан ҳам, унинг ўқувчиси билан ҳам музокара (мусоҳаба) қилишга интилиш маданият жаҳасининг энг муҳим жиҳати, унинг теологик-фалсафий мулоҳаза юритиш тарзидир.

Исломнинг асосчиси ва пайгамбари Муҳаммад алайҳиссалом эди. У биринчи бўлиб «вақтни жиловлаган», — Муҳаммад пайгамбар Парвардигор тахтига Буроқ лақабли афсонавий тулпорда кўтарилгани ҳақида қиёқа қилувчи ўрта аср достонида шундай дейилган. Муҳаммад алайҳиссалом фаришта томонидан ярим кечаси уйғотилиб, Қуддусдаги Эҳром ғорига кўчирилгач, Морна қоясидан осмонга фалака кўтарилган. Анча узоқ саёҳат ва нариги дунёдаги кўпгина манзараларни томоша қилганидан сўнг танасининг ҳарорати ҳали ҳам совуб улгурмаган ўз тўшагига қайтарилган. Шарҳловчиларнинг таъкидлашича, саёҳат вақтдан ташқарида, фақатгина фазода зоҳир бўлган.

Ҳақиқий мусулмон, Парвардигорнинг қули (абд-Аллоҳ) — ўз ҳаётини Худо «иши»га бағишлаган Инсондир, унинг учун ҳозирги вақт ва келажак вақти, кечаси ва кундузги вақт бир хил қимматга эга. Пайгамбар ҳақиқий мусулмонларни «туннинг зоҳид-қаландарлари ва кундузининг шерлари», деб атаган эди. Таниқли сўфий (мутасаввиф) Иброҳим ибн Адҳам ўз касб-кори хусусида берилган саволга жавобан: «Мен бу дунёни унинг қўриқчиларига қолдирдим, нариги дунёни ҳам унинг посбонлари учун озод қилдим, ўзимга эса, бу дунёда мен доимо Парвардигорнинг исмини ёд олишни, нариги дунёда — Худо билан юз кўришишни танладим», деб айтган. Яна бир гал худди шундай саволга у қуйидагича жавоб қайтарган: «Парвардигор хизматида бел бойлаган одамнинг ҳеч қандай касб-кори бўлмастлигини наҳотки сен билмасанг?» Иброҳим ибн Адҳамнинг сўзлари инсонни «абадият ибтидоси кунини мусоҳабаси»га даъват этувчи бутун ислом маданиятига шарҳдир. «Менга тоат-ибодат қилинг ва Мен жавоб берурман» — ҳар бир мусулмон ва бутун ислом маданиятининг нуқтаи назари ана шундай.

Одамнинг омолий (идеал) хулқ-атвори Худонинг исми ва номларини қайта-қайта такрорлаш тақозо қилади, унинг исми (ёки сифат)ларидан бири Мутакаллим (гапирувчи) атамасидир. Қуръонда «айт», «ўқи» сингари буйруқ тарзидаги ва «сизлар оз ёдлаясизлар!» каби панд-насихатлар бот-бот такрорланиши тасодифий ҳол эмас. Инсон Худо олдида жавобгар ва унинг хотираси

бут бўлиши керак. Инсонга ҳада этилган нутқ уни нафақат ҳайвонлардан фарқлайди: одамзот теоморф, яъни «Худо шакл-шамойилида» яратилган, шунинг учун ҳам ирода эркига эга.

Айнан бадий ижод — адабиёт, меъморлик (архитектура), тасвирий санъат ва ҳунар маданият ва динга баркамоллик бағишлайди, «Аллоҳ гўзал ва У гўзалликни севади» — диннинг эстетик нуқтаи назари пайғамбар тилидан ана шундай таърифланади. Аллоҳ гўзал, демек, у бунёд этган олам ҳам, Инсон ва маданият яратадиган шеърӣ, меъморӣ ва тасвирий санъат шакллари дунёси ҳам гўзал бўлмоғи керак. Исломининг мусохабавий мавжудлигининг қатъий шартӣ, унинг риторик кўрсатмаси ана шундай. Табиӣки, мусулмонларнинг бадий ижоди ҳам вақт ҳилқатига бўйсунмайди, воқеа-ҳодисаларнинг хронологик (ҳодисаларнинг вақт бўйича кетма-кетлиги) тартибда кечишига ҳам биз ҳеч қаерда аниқ кўрсатма тополмаймиз. Ғазал, битик ва араб имлоси эшитиш ва кўриш аъзоларимизга лаззат бағишлайди. Мусулмонларнинг ўзгача ижод дастурини тасаввур қилиш қийин: анъанавий ижод фикр ва «нарсалар» шакли яхлитлигининг тимсолий мазмуни қобирига ўралган. Шунинг учун бадий онгнинг вақт сарҳадларидан ташқарида эканини таъкидлаган айнан мавҳум фикрлаш ва мавҳум шакл — то шу кунгача мусулмонлар ижодий фаолиятининг ўзига бўлиб қолмоқда.

Бу ерда П. Флоренскийнинг, ҳаётни мантиқий тушуниш тараққиети билан боғлиқ замонавий фан ва техниканинг вужудга келиши дин ва унга мутаносиб ҳолда бадий ижоддаги илоҳий ҳаракатнинг емирилишига олиб келади, деган фикрини эслатиб ўтиш жоиздир. Бу насронийлар санъатида амалга ошди, лекин ҳозирча, афтидан, ислом санъатини четлаб ўтди. Ислому шеърӣяти ва санъати ўз моҳият-этибори билан илоҳий тафаккурни ўзига сингдирган ва ҳаётга тадбиқ этувчи соғинчли ҳодиса бўлиб қолаётир. Буни мусулмонларнинг мачитларни — Худонинг уйи деб аташлари мисолида ёрқин кўриш мумкин.

Қатъий айтганда, мачит — Эҳром эмас, Эҳром вазифасини исломнинг руҳий маркази Каъба ўтайди. Каъбани умрида ҳеч бўлмаса бир марта одатий зиёрат қилиш маросими мусулмонларнинг муқаддас вазифасидир, мачит эса Худо билан кунма-кун мулоқот қилинадиган, Худонинг абадий ўгитлари мунтазам эслатиб туриладиган азиз жой. Муҳаммад пайғамбар бунёд этган ва ундан кейин қурилган мачитларнинг классик меъморӣ шакли Мусога ваҳий қилинган Аҳди кўҳна эҳромлари қонунларига мутаносиб эканининг сира ҳайратланарли жойи йўқ.

Мачит — илоҳий эҳромнинг тимсолий кўриниши, Худонинг одамларга ҳада этилган уйи ҳисобланади. Агарда Мусо эҳроми — бу «ҳозирги замон тимсоли», насронийлар черкови эса — «келажакнинг мукамал ва ослоний эҳроми тимсоли» бўлса, мачит, илоҳий китоб мазмунига кўра, ўзида ўтмиш, ҳозирги кун ва келажакни мужассамлаган абадий Аҳд эҳромига киришининг рамзидир.

Бинобарин, бу ғоя мачитдаги ички тартиб ва саришталик билан таъкидланади. Агарда яҳудийлар ибодатхоналари ички кўриниши ва бадий безакларида (дастлабки босқичларда) воқеабанд тасвирлар ва ҳатто ҳайкаллардан фойдаланишга ижозат этилган бўлса, насронийларнинг эҳромларида эса, мойбўёқ суратлар, манзара ва ҳайкалтарошлик илоҳий хизматнинг узвий қисмини ташкил этса, ислом ҳамма даврларда қатъий равишда илоҳиёт қондаларига амал қилади. Мачитда муқаддас жумлалар ва сўзлар, Исм ва ном-

ларни ифодаловчи нақш ва хаттотлик ёзувларига алоҳида урғу берилади. Яҳудо ва насронийлар тафаккури тарихийлаштирилган, у муқаддас ривоятларни тасвирлар воситасида мустаҳкамлашга интилади. Ибодат қилувчи одам ривоятга ҳамдард, у ривоят билан, ривоят эса, у билан чирмашиб-чатишиб кетади, бу — унинг шахсий тақдирининг акси. Лекин мусулмон хотираси имкон борича аниқ бўлишига қарамай, мавҳумлашган ва тарих сарҳадларидан четда, унинг мулоҳаза тарзига таъсирий тимсол эмас, балки дарров кўзга ташланмайдиган муболаға мутаносибдир. Ёзувлар чирмашиб-чатишган нақшлардаги давр нуқтаи назардан абадий ва маҳлиё қилувчи бўртиқ манзара унинг Парвардигор билан танҳо мулоқотининг соғинчли ҳиссиётларини мустаҳкамлайди.

Нақш — фақатгина ясама манзара (декорация), меъморӣ қурилма ва нарсаларнинг ихтиёрий безаги эмас, балки даставвал ислом турмуш тарзининг зарур ва ўта муҳим мазмуний бўлагидир. Нақш аёл юзидagi чодрага ўхшайди, у ҳаққониятни яшириш, айни вақтда уни тасдиқлашга мўлжалланган, ақлнинг хаёлий «ўйин» ёрдамида бу чодра ортидаги вазиятга кириб боришига омил яратади.

Маросимий сўзларнинг фақат луғавий акс этдирилишигина мусулмонларнинг муқаддас ривоятлар билан боғлиқ диний ҳиссиётларига бевосита туташади. Оғзаки ва ёзма ифодаланган сўзгина диндорни абадийат ибтидоси мусохабаси қаърига олиб киради. Мистиклашган сўз, айнан сўз инсон хотирасини жонлантиради, унинг турмуш тарзи асил хусусиятларини англатади.

Ислому жаҳон цивилизациясига қурбонликнинг ўта мароқли шаклини — сўз ёрдамида таклиф этди. Насронийлик дини ҳайвонлар (эчки ва бузоқлар)ни қурбон қилиш каби яҳудолар маросимидан воз кечди ва уни Гуноҳкорнинг танаси ва қони тимсоли бўлмиш нон ва вино билан (причащение) алмаштирди. Ислому дини — Худонинг тухфаси ва унга шахсий тухфа билан жавоб бериш керак. Аксарият ҳолларда бу тухфа Қуръон матнларига жамланган сўздир. Ислому пайғамбари Муҳаммад алайҳиссалом ўз маслакдошларига бундай муурожаат қилган эди: «Нега сиз одамларга динни зўрлаб сингдиришга интиласиз, ваҳоланки, дин Худога нисбатан тухфа бўлиши керак». Исломининг ўзини бошқаларга зўрлаб сингдиришга ҳаққи йўқ, ислом диндорнинг эркин жавоб сўзи, унинг абадийат ибтидосида кечажак савол-жавобга муносабати билан боғлиқ диндир. Сўз — башариятга тухфа, сўз — одамларнинг тухфаси, ихтиёрий ва жавобан қурбонлигидир. Сўз ислом маданияти мусохаба матнининг туб моҳиятига олиб киради, сўз ёрдамида мусулмонлар шахсий ва ижтимоий ҳаётининг адолатли йўли тасдиқланади.

Ислому Худо билан учинчи Аҳдни қабул қилди ёки, таъбир жоиз бўлса, учинчи Аҳд ислом дини ва маданиятининг негизи сифатида майдонга келди. Бинобарин, «ҳижрий» деб аталмиш исломнинг вақт ҳисоби тарихан Муҳаммад пайғамбарнинг Маккадан Мадинага кўчиши вақтига тўғри келади. Асил мусулмон ана шу вақт бўйича яшаши керак; жамаи ўзгалар ҳар қанча юзсизлик билан унинг маконига бостириб кириши, эътиқоди тимсолларини яқсон қилиши, мусулмон аёлларнинг юзидаги пардаларни юлқиб ташлашлари, китобларини ёқишлари мумкин — булар бари унинг азалий дунёқараш ва нуқтаи назарига ҳеч қандай путур етказолмайди. У бошқа ўлчовдаги вақтда яшайди ва унинг вақтига, оёқости бўлган анъанавий тарих йўналишига киришининг икки йўли бор: бу — ё руҳан исломни қабул

қилиш, ё унинг қадриятлари ва маданиятини чин дилдан тан олишдир. Ўзгача бўлиши мумкин эмас. Зеро, бу гап ҳар қандай бошқа черков мактабига ҳам тааллуқлидир.

Лекин нима учун бизда ва фақат бизда исломни жуда қийин тушунамиз? Нима учун у Овруро, Амриқо, Осиё, Африқо ва Австралияда кўпроқ тушунарли? Жавоб ўз-ўзидан келиб чиқади: афтидан, бунинг сабабларини исломдан қидириш керак эмас. Улардан бири — византияликларга тушунарли бўлган ва замонавий Овруро тафаккурини ўзига жалб этувчи ва кейинчалик исломда мистик фикр, нозик фалсафа ва нафис шеърят тараққий этишига омил яратган мавҳум фикрлаш тарзининг йўқлиги (ёки бой берилгани)дир.

Мана, сизга кичик, лекин етарли даражада ўзига хос мисол. XX асрнинг 20-йилларигача тожик шеърятини минг йиллар илгари ҳам ислом маданияти қадриятлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда мавжуд эди. Исломнинг кундалик ҳаёти-

миздан ғойиб бўлиши оқибатида фикрлаш тарзи ўзгарди, у ўз мавҳумлиги ва муболағасини йўқотди, шеърый ҳилқатлар юксак руҳий тафаккурга таянмай кўйди. Шеърят ўзининг қадимий савиясидан маҳрум бўлди, анъанавий қиёслаш ва муболағалар ҳаётийлик ва долзарблик касб этмай қолди, янгиларини эса, ҳеч ким ўйлаб топмади. Бу табиий эди: ахир, биз шеърый шакл ва шахсий диний тажрибалардангина эмас, даставвал ва кўпроқ маданиятнинг руҳий-маънавий фазилатлари мажмуасидан жудо бўлдик.

Мен гапни нимадан бошлаган бўлсам, шундай тугатишим мумкин: исломдаги ҳар қандай маърифатли одам онги учун тушунарли бўлган ва нафақат билимлар, балки хайрли ният рағбати кўзгусидаги юксак маданиятни кўрмай туриб, бу диний таълимотни тушуниш мумкин эмас.

«Литературная газета»дан
Ҳожиакбар ИСЛОМ ШАЙХ таржимаси



«ИСЛОМ ҚОМУСИ»ДАН САҲИФАЛАР

Ўзбекистон Халқ академияси аъзоси Асрор САМАД тахрири остида

АБИВАРДИЙ, БОБО САВДОЙИ (ваф. 1449) — машҳур лирик шоир, Алишер Навоийнинг қибора замондоши. Навоий «Мажолисун-нафоис»да Абивардий ҳақида бундай ёзади: «Бобо Савдойи Боварддиндир. Аввал «Ховар» тахаллус қилур эрди. Ғайбий (ғойибий) оламдин анга жазава етдиким, ақли зойил бўлуб, элдин чиқиб, бошоғ яланг, девоналардек тоғу даштда кезар эрди. Ўз холига келиб, эл орасига киргандин сўнгра «Савдойи» тахаллус қилди. Бойсунқур Мирзо отига касейди (қасидалари) бор. Ғазални дағи навъи айтибдур. Бу матлағи анинг-дурким:

Холинг анбар, юзинг чун, мийиғинг райхондур,
Оғзинг гунча, тишларинг инжу, лабинг маржондур.

Давлатшоҳ Самарқандий ёзишича, Абивардий «Табъи расо, сўзлари шоирона ва пишиқдур. Хушчакчак, аҳли дил киши эканидин подшоҳлар ва хокимлар иззат-икром қилардилар... Ўз даврида шуаро сардори эди ва ўша тоифадин (шоирлардан — М.М.) эҳтиром кўрди.» Султон Шохрух даврида Абивард аҳолиси мўғулларнинг ойрот қабиласига мансуб Жони Курбоний халқидан кўп захмат чекарди. Ойротлар кишлок экинларини пайхон қилар эдилар.

Кишлоқ аҳли кўп марта улардан султон Шохрухга арз-шиқоят қилдилар, фойда бермади. Шунда шоир Абивардий зулмкор мўғулларнинг ёмон ишларини тасвирлаб, Шохрух номига қасида ёзди. Бу шеър султон Шохрухга таъсир қилиб, золим мўғулларни у кишлок атрофидан бутунлай кўчириб юборди. Яна Давлатшоҳ ёзишича, «Бобо Савдойининг айрим шоирларга жа-

вобан ёзган покиза қасидалари мушхур ва унинг мулойимлиги, хуштаблги хосу авом орасида мазкурдир.»

АЗРАКИЙ (ваф. 1072) — Абул Махосин Абу Бакр Зайниддин Азракий — Урта Осиёнинг атоқли шоирларидан, Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкират-уш-шуаро»да ёзишича, кўп фозил киши бўлганидан уни ҳаким деганлар. Асли Марвдан. У Салжуқий подшоҳлари ичда энг қобилиятлиси ҳисобланмиш султон Тўғоншоҳ замонида майдонга чиққан... Айтишларича, панду насихат, ҳаётий хикматлардан иборат «Синдбоднома» китоби унинг асарлари жумласидандир. Фахриддин Банокатий ўз тарихида айтишича, Тўғоншоҳни замонасининг табибу ҳақимлари кўп тиришиб даволагани билан нафи тегмаган: Ҳаким Азракий «Алфия ва Валфия» деган бир китоб ёзган, султон бу китоб ва ундаги тасвирларга қараса, қуввати ортар экан. Бўривой Ахмедов ёзишича, Азракийнинг отаси йирик китобфуруш бўлган ва баъзи ривоятларга кўра, бир вақтлар Ғазнадан, Султон Маҳмуд таъқибидан қочган буюк шоир Фирдавсий (932—1020) маълум вақтгача унинг уйда яширинган экан. Бўривой Ахмедов фикрича, «Синдбоднома» асарини Азракий ёзгани баҳсландир.

Абдурахмон Жомий «Бахористон»да («Еттинчи бўстон»да) Харавий қарамаллохулаҳу, санон нафисада моҳир, фалсафа илмида комил эди. Жомий ўз асарига А. Азракийнинг «Алфия ва Валфия» китоби ҳақида кенгрок маълумот беради ва Азракий подшоҳни мутлақо даволаб юборганини тасвирлайди.

Маҳкам АНДИЖОНИЙ нашрга тайёрлаган

РУҲНИНГ САМОВИЙ САЁХАТИ

Эсингиздадир, Франте Кафка ўзининг «Эврилиш»ида инсоннинг улкан ўргимчакка айланиб қолганини тасвирлаган. Қаҳрамоннинг бу ҳолатга ўтишига «Аловиддиннинг сеҳрли чироғи» ёки кимнингдир мўъжизакор дуоси эмас, балки муҳит сабабкор. Мен Дамир Рўзибоев устахонасида бўлганимда, бир кўзли, бир оёқли, бир қулоқли қилиб ифода этилган инсон ҳайкалчасини кўриб, беихтиёр юқоридаги ҳикояни эсладим. Билмадим, эҳтимол, ҳайкалтарош бу ишини пластик ечими ўзига хос бўлгани жиҳатидан қадрлар. Эҳтимол, у жамиятимизда шахс сифатида шаклланмай қолаётган чала одамлар тимсолини назарда тутгандир. Ҳарнима бўлганида ҳам Зигмунд Фрейд ёзганидек, инсон савқи табиийлик ва туйғулар натижасида ўзининг ички дунёсини, асл мақсадини аниқ ифода этади. Яъни ижодкор хаёлида фикрга айланмаган мақсад беихтиёр унинг асарида ўйланмаган ҳолда ўз инъикосини топиши мумкин.

Дамир Рўзибоев ижодида бу ҳол турлича кечади, даврнинг ижтимоий қатламлари, муҳитнинг фожиавий томонлари баъзида онгли равишда, баъзан беихтиёр ўз аксини топган. Бу мавзуларнинг асосий йўналишини инсон ўй-кечинмалари ташкил этади. Аммо Мангулик олдида, Чексизлик олдида маконнинг, инсоннинг қадрқиммати қай даражада? Ижодкорнинг комил инсон ҳақидаги ўйлари нималардан иборат?

Дардсиз одам одам эрмас, шуни англаб, Ишқсиз одам ҳайвон жинси, мунг тингланг, Кўнглингизда ишқ бўлмаса манга йиғланг, Гирёнларга хос ишқимни ато қилдим,—

дейди Аҳмад Яссавий.

Дамир Рўзибоев ижодида комил инсон хислатларини излаш илк асарлариданоқ кўзга ташланади. Муҳими шундаки, у аввало бу хислатларни муайян ҳаётдаги одамлардан излашга уринади. «Саида» асарида маъбудаларга хос қиёфа-гўзаллиги, қомат тиклиги комил инсонни излашдаги дастлабки уринишлардан десак, хато бўлмас. Кейинчалик бу изланишлар Яссавийнинг туғилиб ўсган юрти — Сайрамда истиқомат қиладиган оддий бир қиз тимсолида янада бўртиб кўринди. «Сайрамлик қиз»да кўпроқ ботиний гўзаллик — вазминлик ва соддалик, ўйчанлик ва самимийлик хислатлари мавжуд. Бу изланишлар орасида айниқса, учликдан иборат «Момо», «Она», «Невара» асари диққатга сазовор. Серажин момонинг ўйчан қиёфаси, дардчил аёл хаёллари ва дунёга ҳайрат билан боқаётган қизча нигоҳи... Ҳайкалтарош комил инсонни излашда давом этади. Булар халқ орасида юрган созандалар, ғолиблару севишганлар, турфа касб эгалари бўлмиш замондошларимиз...

Аммо ҳайкалтарош тасаввуф оламини билмай туриб, комил инсонни яратиш мушкул эканини англаб этади, шекилли, Алишер Навоий даҳосига мурожаат этади.

Навоий мавзуси бамисли баҳри муҳитдек теран ва улкан. Ҳайкалтарош ўз асарларида улғу шоирни фаришталар даврасида ҳамда илҳом парилари оғушида тасвирлайди. Шуни эътироф этиш лозимки, ҳайкалтарош шоир қиёфасини тасвирлашда Навоий замонасида чизилган миниатюраларга мурожаат этган, бу эса биз тасаввур қилган Навоий қиёфасига анча яқиндир.



Муаллифнинг деворий кулоллик санъатида ҳам шаклбозлик эмас, самовий чизгилар етакчилик қилади. Самовий тасвирлар биз учун бегона эмас — улар ажждоларимизнинг ёзувларидан тортиб, меъморий нақшларигача, ҳатто шомонларимизнинг сирли туморларигача ўз аксини топган. Коинотни ҳис қилишга интилиш, биомаром деб аталмиш табиий соатларни санъатда қайд этиш ҳаттоки ибтидоий рассомлар ижодида ҳам кўзга ташланади. Тошкент ва Навоий қўналғалари биноси деворларида ҳайкалтарош томонидан уддаланган ана шу руҳий чизгилар ўзининг рангоранглиги билан ажралиб туради.

Дамир Рўзиев ўз ижодида Замон, Тарих ва Абадият мавзусини яхлит ҳолда кўришга интилади, бу туйғу шубҳасиз уни катта изланишларга ундайди. Фикрлар аста-секин бизни Олий мақсадга — руҳий олам қувватидан лаззатланишга чорлайди, бу гулшандаги ҳар бир асар кўзгу сифатида моддий оламдан руҳият гулига айланиш жараёнини кўрсатади. Бу, айниқса, ҳайкалтарошнинг болалик таассуротлари билан боғлиқ асарларида яна ҳам камол топган дейиш мумкин. «Тўй», «Созандалар», «Уч авлод» асарлари бевосита ҳаётнинг расмона лавҳаларидир.

Заминимиз янги кўйлак кийган кунларда, кирмиз юзли қизларимиз ҳам сергул рўмолларини ўраб чиқади. Мабодо янги рўмолсиз қолишса, сочларига гуллардан безак қилишади. Муҳими, васий тилимизнинг хазинабони бўлмиш Навоийнинг ушбу сатрларини ёдга олишади:

Ҳар тунунг қадр ўлубон
Ҳар кунунг ўлсин Наврўз.

Қадимда ана шундай бўлган. Бу қутлуғ кунларда Қизил гул сайли, Сумалак базми, дастурхон кўрикларида Наврўзнинг энг ёқимли, энг нафосатли, энг уддабурон қизлари кўзга ташланади. Ҳар бир йигит ўзига Наврўз маликасини танлайди. Бу ошқора-пинҳона нигоҳлар байрамнинг энг жонли лаҳзаларидир. Бу нигоҳларнинг бир нуқтага бирлашувидан янги ҳаёт, янги йил, янги кун бошланади.

Ҳайкалтарош тасавуридаги Наврўз маликаси қандай? Биринчи галда у — заминга яқин, далага яқин, туркона чехрали бир қиз. Улуғ Чўлпоннинг мана бу сатрларини эсланг:

Сиз дейсизким, мен кўкларни ўйлайман,
Ер бетига сира назар солмайман.
Янглишасиз: мен кўкларга бекинган
Ер қизидан ҳаёлимни олмайман.



Ҳайкалтарошнинг ана шу ер қизи — Наврўз маликаси бир зум ўйга толган, қўлидаги лола ранги унинг юзига кўчган. Қолаверса, лола шаклидаги қабоқлар, лола гулғунчасидек лаблар, лола бағридаги доғдек қоп-қора қошлар... Майда-майда ўрилган сочлар... Унинг бошдан-оёқ шу туриши нафис бир лола каби... Ҳайкалтарош бу тасвири Зарбанддан келтирилган улкан тошга кўчириш иштиёқида.

Ҳайкалчанинг ихчам ишланиши — маҳоратнинг кучи. Мени қувонтирган яна бир нарса — тасвирланган қизнинг ҳолатидаги майинлик, зеболик. Муаллиф бу асариде Оврүпо мактабидан узоқлашган, унда Қадимги Туркистон санъатининг таъсири сезилади. Айёми тоза йилда, навбахор айёмида кўнгилга завқ, руҳга қувват бағишловчи бир асар пайдо бўлибдики, бу нафақат муаллифнинг, балки томошабиннинг ҳам бахти...



Қахрамон Ғофур ўғли

ШИФОБАХШ

нуқталар

(«Шарқ табобати» туркумидан учинчи мақола)

Кулоқ 10 герцдан 30 000 герцгача тебранишдаги турли товушларни қабул қилади. Ички қулоқда товуш тебранишларини сезувчи 25 000 ҳужайра мавжуд. Товушнинг тана узвларига қандай таъсир этиши текширилиб, кўп маълумотлар тўпланган. Қувноқ, хушоҳанг қўшиқлар кишини тетиклаштириши, майин, паст, бир текис товушлар эса, аксинча, тинчлантириши ҳаммага маълум. Товушдан дастлаб тишни даволаш тажрибасида оғриқни тўхтатувчи восита сифатида фойдаланилган, сўнгра дояликда қўлланилган.

1962 йили В. Я. Ткаченко Чайковский ва Бетховен мусиқалари ёрдамида уйқусизликни даволаш бўйича қизиқарли синовлар ўтказди. Муаллифнинг таъкидлашича, уйқусизликка учраган 500 бемордан 76 фоизи дарддан фориғ бўлган. Кейинги пайтлар мамлакатимиз ҳамда чет элларда руҳий ва асаб хасталикларини даволашда мусиқа муолажасидан фойдаланилмоқда. Бир қатор шифокорлар айрим руҳий касалликларни бартараф этишда мусиқа — психотерапия ҳамда дорилардан самаралироқ эканини айтмоқдалар. Асаб касалликларига қарши курашишда қушлар сайроғи ажойиб натижалар беради. Уйқусизликка дучор кишилар 8—10 дафъа қушлар сайроғидан баҳраманд бўлгач, бемалол ухлайдилар, бош оғриқлари йўқолади, кайфиятлари яхшиланади.

Мамлакатимизда кишиларга мутаносиб равишда нур ва товуш таъсир этдирувчи қурилма яратилган. Унинг экранида доғ пайдо бўлиб, ҳаракатланади, катталиги, шакли, ранги эса оҳиста ўзгара боради. Доғ ўзгаришларига мос равишда денгиз тўлқини шовқинини ифодаловчи товуш гоҳ кучайиб, гоҳ сусайиб туради. Дастлаб кўзгудаги доғ ҳаракати ва товуш ўзгариши даволанаётган одамнинг тез-тез ураётган юраги оҳангига мутаносиб бўлади. Сўнг сезилмас равишда секинлашад ҳамда беморнинг нафас олиши ҳам беихтиёр унга

мослашади. Бунда киши бўшаши, асаби ором олади, баъзан ухлаб қолади.

Бироқ ўта кучли товуш одамни касал қилиши, кулоқ эшитмайдиган инфратовуш тўлқини эса ҳатто ўлдириши мумкин. Демак, ҳар бир киши ҳаёти давомида фақат товушларни қабул қилибгина қолмай, таъсир этувчи улкан товуш оқимларига қарши қурашиши ҳам керак.

Эраמידан аввалги III асрдаёқ табиблар кулоқ супрасининг маълум нуқталарини қизиган темир билан куйдириб, беморларни дарддан фориғ қилганлар. Мўғуллар эса қиздирилган ёғ ва тош қўллаганлар. Касалликни аниқлашда кулоқ супрасининг аҳамияти ҳақидаги дастлабки маълумот, игна санчиб даволаш асосчиси Сун Си Мяо билан боғлиқ. Шарқ халқ тиббиёти рисоаларида бошқа аъзоларга уланган нозик тоналар кулоқ супрасида тўплангани айтилган. Яъни жуда кўп хасталикларда кулоқ супрасида оғриқ берувчи нуқталар пайдо бўлади. Уша нуқталарга игна санчилса ёки куйдирилса, дарднинг ўтишига ижобий самара беради.

Хитой манбалари асосида кулоқни ўрганган олим П. Ногиер 1956 йили Оврупода биринчи бўлиб кулоқ супрасидаги проекция нуқталари чизмасини ишлаб чиқди.

Бу чизмада турли ички аъзолар билан боғлиқ 48 нуқта ифодаланган. Агар кулоқ супраси тузилишига диққат билан эътибор берилса, у она қорнидаги чақалоқнинг ўзгинасидир...

Кулоқ супрасининг тўғри ўрнашгани, айрим қисмларининг бежиримлиги, буклиш тахнининг текислиги ва бошқалар одамнинг қанчалик мукаммал ривожланганидан дарак беради. Хунук кулоқ супраси одамдаги мавжуд наслий касалликдан далолатдир.

Ана шу айтилган фикрлар натижасида кулоқ супрасининг маълум нуқталарини қўзғатиб, турли касалликларни даволаш вужудга келган. Даволаш учун пўлат, ку-



муш ва олтин игналар, игна тугмалардан фойдаланилади, ўша нуқталарга эритмалар киритилади, механик усул ёки импульсли қувват (ток) билан таъсир этилади. Игна санчиб даволашда ҳар дафъа маълум миқдорда, яъни бир қулоққа 5 тагача,

иккаласига 8 тагача нуқтага игна санчилади. Игна белгиланган нуқтага аниқ тушганда бемор иссиқ, совуқ ёки оғриқ ҳис қилади. Даволаш ҳар куни ёки қунора ўтказилганда 6—10 дафъа давом этади.


Агар игна соат мили бўйлаб буралса, танани кўзғатади, тесқари буралганда эса аксинча, тинчлантиради. Қулоқ супрасини куйдириш ҳам жуда яхши самара беради.

Игна санчиш йўли билан ичкиликбозлик, кашандалик ва семиришга қарши ҳам курашиш мумкин. Ҳозиргача бу борада ҳар томонлама кузатишлар олиб борилган бўлиб, чекишдан кечтиришда 60—80 фоиз натижага эришилмоқда. Бунда одатда пўлат (ёки пўлат, кумуш, олтин игналарни қўшиб) игналардан фойдаланилади.

Игна санчишдан ташқари, оғриқли нуқталарни уқалаш ҳам мумкин. Бунинг учун силлиқ графит қалам учи ёки олтин чўпдан фойдаланилади. Уқалаш — оғриқли нуқталарни уч дақиқа давомида мунтазам оҳиста босишдан иборат. У ички ва ташқи қувват ариқчалари бўйлаб пастдан юқорига қараб юргизилади.

Кейинги пайтда Пере усули бўйича уқалаш ҳам кенг оммалашмоқда. Бунинг учун қулоқнинг ҳовуч томонидан оғриқли нуқта топилади, сўнгра ўша жой қулоқнинг бўртиқ, яъни орқа томонидан белгиланади. Ички қисмига чап қўл бармоғи қўйилиб, белгиланган нуқта шиша чўпнинг учли қисми билан соат мили йўналишида, оҳиста ва босмасдан уқаланади. Дастлаб мазкур нуқтада оғриқ туради ва тезда чидаб бўлмас даражага етади. Сўнгра илиқлик ва ниҳоят ҳарорат пайдо бўлади.

Хуллас, қулоқ супраси бамисоли ички аъзоларни бошқариш мумкин бўлган марказдир...



ИСМОИЛ БЕКЖОН КАРОМАТЛИ КИШИЛАР

XVI аср Бухоросида яшаб, ижод этган шоир ва адабиётшунос олим Ҳасанхожа Нисорий (1516—1597) форс тилидаги «Музакири аҳбоб» («Дўстлар ёдномаси») таъкирасида ўртаосиёлик, хурсонлик, ҳиндистонлик, озарбайжонлик, туркиялик, шарқий туркистонлик ва афғонистонлик 288 нафар шоир ҳақида маълумот берар экан, айрим ажойиботлар — табиатдаги ғаройиб ҳодисалар, баъзи инсонлардаги каромат (экстрасенслик хислати) ва илми ғариба (гипноз, иллюзионизм ва бошқа ғайриоддий ишлар), ўша давр техника мўъжизалари хусусида ҳам ёзади. Макка ажойиботлари, Анушервон даҳмаси, Эрам боғи, Исфаҳон масжидидаги мўъжизалар хусусидаги ҳикоялар бошда китоблардан олинган бўлса-да, ўз замонасининг фавқуллодда истеъдодли кишилари ва илм-фан ажойиботлари ҳақида Нисорий тўлқинланиб гапирди. Нисорийнинг ўз шоирда, шоир ва адабиётшунос Муърибий Самарқандий «Тазкират уш-шуаро» (1604) йил китобида маълумот беришича, унинг устози, яъни Нисорий ҳам кароматдан бенасиб киши бўлмаган. Кўпчилик унга кароматли ва авлиёсифат киши мақомида мурожаат этар экан, Нисорий ўзбек шоири Подшоҳхонанинг (1480—1547) фарзанди бўлиб, улар шажараси Занги Ота (вафоти 1258) ва Арслон Бобга (X аср) бориб тақалади.

Нисорий таъкирасининг Шайбонийхонга бағишланмиш бобида хоннинг теурий ноиблари билан чиқишолмай Бухородан қувилгани, Баҳоуддин Нақшбандий мақбараси зиёратига бориб, у ерда тунаб юрганини ёзади. Ушанда мазор шайхи Низомиддинхожа Мир Муҳаммад Нақшбандий, Туркистон тарафдан юриш бошласагина, теурийлардан давлатни тортиб олиши мумкинлигини хонга маслаҳат беради. Нисорий ҳикоя қилади: «Ва улар (Шайбонийхон) бу башоратли ишоратга риоя қилгач, деярли ўн икки йил давомида, Туркистон вилоятдан то Домғон (Хуросон) чегарасигача бўлган ерларни ўз тасарруфи доирасига киритиб, доруссалтана Ҳироту Самарқандда ўз ҳумоюн номларига хутба ўқитганлар ва иззату бахт тахтида шодмон ўлтирганлар... Жаноби Хожа Мир Муҳаммаднинг эса яна бошқа ғаройиб кароматлари хусусида ҳам халқ орасида нақллар юради. Бир куни хожа Бухоро ҳокими билан ов қилиб юрган эканлар. Бироқ ёнларида ов қушлари йўқ экан. Ҳоким: — Нима, ҳеч нарса овламадингизми ҳали, хожам?— дебди. Хожа бу кинояли гапдан ранжиб:— Сиз, ов қушисиз сайд қилиб бўлмайди, деб ўйлайсизми?— дебдилар

ва ёнларида осиглиқ, шунқорни чақирувчи табли чалибдилар. Шунда бир чиройли ўрдак алар олдига қулаб тушибди. Бироқ хожа қушни олиб, яна учириб юборибдилар...

Нисорийнинг отаси Хожа кўп йиллар Кармана ҳокими шайбоний Жонибек султон ҳузурида садр, жумлатулмулк мансабида турган ва унинг ўғилларига адабиётдан таълим берган. Улардан Рустам бин Жонибек шоир бўлиб етишган. Нисорий 1550—1554 йилларда шу султон хизматида садрлик лавозимини бошқарган. Рустам султоннинг жангдаги шижоати ҳақида тарихчилар ҳам, Нисорий ҳам алоҳида эътибор билан хабар берадилар. Шунингдек, бу хон дарвешваш киши экан, гоҳида кашшофлик — ғайбдан билиш хислатини ҳам намойиш қилган: «Хон дилининг жавоҳир сақловчи кутиси бақо дурларидан холи бўлмасди, лалъ кутисини эса фано гуҳарисиз очмасди. Бир замонлар бу фақирнинг отасидан (Подшоҳхонанинг), мени бирон-бир етук дарвеш хизматига тавсия этиб, шу орқали тасаввуфда мукамалликка етиштиринг, дея доимо илтимос қилиб, подшоҳлик сулукидан чиқиб, тариқат маслаки соликлари қаторига қўшилиш орзусида юради. Иттифоқо, ўша пайтда салафлар зийнати Шамси Халаф¹ бу фақир отаси билан мусоҳибат қилиб юрган даврлар эди. Уша кунларнинг бирида Рустам султон Подшоҳхонанинг дебдики: «Ҳазрат Хизр алайҳиссалом уйингизга келмоқдалар, кутишга тайёр туринг!». Улар (Подшоҳхожа) айтадиларки: «Шундан сўнг, намозни тугатиб, кўз тутиб ўтирган эдим, бир киши кириб келди ва юзидан ниқобини олди. Юзи худди куёшдек нур сочарди. Менда ажиб бир кайфият ҳосил бўлди. Мавлоно Шамси Халафни кўрганимда мазкур воқеани ҳикоя қилиб бердим». Шундан сўнг, Рустам султон мавлоно Шамси Халаф муридлиги шарафига мушарраф бўлган... Рустам султондан баъзи бир кашшофлик хислатлари ҳам юзага чиқиб турарди. Бир куни, султон дам олаётганда, бу фақир ҳам ёнида ўтириб, маҳрамларча суҳбатлашардик. Суҳбат орасида султон кўзини юмиб олди ва бу фақирни ҳам мудроқ босди. Шунда кўнглимга келдики: «Хоннинг янги ихтиёр этган ҳарами табиатига мақбул тушмади,

1. Шамси Халаф шайх — Зайния силсиласи бошлиғи имом Зайнулобиддин бин Ҳусайн бин Али авлодидан.

агар мулозимларидан бири муносиб топилса, ўшанга беришлари ҳам эҳтимолдан холи эмас». Яна, хаёл билан, кўнгилдан кечдиким: «Инсон мизожи ўзгаришсиз эмас, маълум эмаски, бунга муқайид бўладиларми, йўқми?» Уйқудан уйғониб дедиларким: «Одамлар шундай сўзларни кўнгилларига келтирадиларки, агар уни изҳор қилсак, бермоқ даркор ва агар берсак, кетидан ёмон иш чиқмайди, деб бўлмайди; агар изҳор этмасак, Рустам жинни бўлган, дейишади...»

Тазкирада Абдурахмон Жомийнинг ажиб (экстрасенслик) хислати унинг шогирди Абдулғафур Лорий (вафоти 1506) тилидан ҳикоя қилинади. Жомийнинг ўғли Зиёиддин Юсуф ҳақида гап кетганда, Нисорий Зиёиддиннинг болалик чоғи касалга чалингани, Жомий тушида Хожа Аҳрорни кўриб, ундан шифоат тилагани, шундан сўнг шоир фарзандининг тезда тузалиб кетганини ҳам шу олим маълумоти асосида ёритиб ўтишни лозим топади:

Мағфиратли мавлоно Абдулғафурдан нақлдурким, демишлар: «Билимлар тугунини ечувчи Ҳирий шаҳрига келган эдим ва бошимда бир ажиб муаммо таъшиши бор эди. Ҳазрат Мулло (Жомий) мулозаматига етишгач, ул зот шунчаки гаплар асосида, қандайдир бир хил йўсинда, менинг мушқудотларимни ҳам ечиб ўтиб кетдилар. Сўнг менга маълум бўлдики, демак, алар ҳеч изохсиз, гапни индаллосидан уқиб оларканлар!»

«Шарифлар натижаси хожа Зиёиддин Юсуфнинг муқаддас ёди. Ҳазрат мавлоно Нуриддин Абдурахмон-ул-Жомийнинг суюкли ўғли; оталари тавсифу таърифида баён бармоғи ва икки тилли қалам оқизлик қилиб, айбини бўйнига олур. Бул маҳдумзода ҳам хубсуратлик ва марғуб сийратлик киши бўлган. Ҳазрат Мулло Жомий Маҳдумзода ҳақида кўп лутфлар қилганлар. Зиёиддин Юсуф кичик ёшида бир касалга чалинган эканлар. Шунда мавлоно Абдулғафур Зиёиддин Юсуфни ҳазрат Мулло ёнига ётқизбдилар. Ҳазрат Мулло эса ҳазрат қутбул аброр Хожа Аҳрорга — сирлари муқаддас бўлсин — мадад юзини қаратиб, воқеада кўрибдиларким, хожа аларга нисбатан лутф билан муносабатда бўлур эмишлар. Ҳазрат Мулло ўша туш шарҳини назм ипига тизибдилар (туш ҳақидаги бу 6 байтлик форсча шеър ҳам тазкирада берилган — И. Б.) Шундан сўнг касаллик тузалиб кетибди».

Тарихчи ва муҳаддис олим Рузбехон Исфаҳоний (вафоти 1521) ҳам қароматли киши экан. Бу олим Подшоҳхожа билан жуда қалин дўст бўлган. «Ва жаноб хожаи Мавлоно улуғлик ва қароматдан ҳам бенасиб эмас эканлар. Фақир ҳали йўқлик қаърида пайтим, солиҳа волидамиз воқеада (тушда) кўрибдиларким, ҳазрат хожаи бузрукворнинг номини фарзандингга қўй; дермишлар. Шундан сўнг, мен дунёга келгач, хожаи Мавлоно табриклаш учун уйимизга ташириф буюрганлар. Фақирнинг отаси бу каминани ниёзмандлик билан алар олдига келтирибдилар ва алар бу фақирга Баҳоуддин Хасан, деб от қўйибдилар». (Бу олим 1512 йил апрелида Убайдуллохоннинг Бобурдан Мовароуннаҳрни қайтариб олишини ҳам башорат қилган, бу ҳақда алоҳида ҳикоя қилиш ниятимиз бор.)

Нисорий шоир Камолиддин Лисоний ҳақида жумладан шундай ёзади: «Мавлоно ғаройиб ҳолат ва қароматдан ҳам холи эмас экан. Бир кун шоир дўстлари билан сайру гаштак қилган, кечки ўтириш тугагач, яъни овқатдан сўнг, розирзолик сўраган, соппа-соғ бўлишига қарамасдан, шу кечаси оламдан ўтган!».

Тазкирада шеърият билан шуғулланган йирик тасаввуф олимларига ҳам алоҳида жой ажратил-

ган. Ана шундайлардан бири шайх Ҳожи Муҳаммад Хабушонийдир (асли хуросонлик, Хоразмда вафот этган). Унинг кўплаб шогирдлари бўлган. Бу шогирдлар етуклик руҳсатномасини олиб, мустақил фаолият кўрсатишлари учун тасаввуфга оид маълум топшириқларни бажарар эканлар. Мабодо фавқулодда истеъдод соҳиблари бўлса, уларга ўқиш ўртасидаёқ ижозатнома ёзиб берилар экан.

«Шайх Имоиддин Фазлуллоҳ бин хожа Алоиддин Али бин хожа Камолиддин Неъматилло Бўздошободий ат-Тусийнинг муқаддас ёди. Жаноб шайх Ҳожи Муҳаммад Хабушонийнинг улуғ халифаларидан. Шайх Муҳаммад Хабушоний воқеада кўрибдиларким, бир лочин алар қўлига келиб қўнибди ва қиёфаси одамга ўхшар, номи шаҳзоҳур эмиш. Воқеадан сўнг, ходим, шайх арзига бир ёш йигит мулозамат учун келганини етказибди. Шайхнинг йигитга назари тушиб, қарасалар, ўша тушдаги лочин кўриниши намоян бўлибди ва ўша суҳбатдаёқ сайд қилинибди. Инобатдан кейиноқ хилват мувоҳадасига топшириқ олибди... Бу фақирнинг отаси айтгувчи эдилар, шайх Имоиддин ҳали силсилага уланмасдан туриб, ижозат хати ҳосил қилиб, толибларни ҳаққа даъват этишга киришганлар, у киши учун иршодлик (етуклик) хати эса 897 (1492) йилнинг зулқаъда ойи бошларида муборак Меҳнада ёзилган... Шайх Имоиддин қалби кашшофликда шундай эканки, ҳеч кўрмаган ва таърифини эшитмаган одамлар аҳволини ҳам озгина диққат билан муфассал баён қиларкан. Кўриниши, ёши ҳамда ўлимига сабаб бўладиган касаллигини айтиб бераркан... Бир кун шайх боққа кирса, дарахтлар эгилиб, унга сажда қилган. Фақир бу гапни Искандар нишонли ҳазрат хонга (вафоти 1583) айтдим. Буюрдиларки: «Шайх ўзининг ниёзи натижасини мушоҳада қилган. Аммо «юлдузлар ва дарахтлар сажда қиладилар» қаримасича, дарахтлар саждаси ғаройиб нарса эмас... Айтишларича, шайхга илмий истилоҳлар аён бўлган экан ва бу жуда надиҳ ҳодисалардандир!»

Нисорий тазкиранинг иккита ерида, тушида улуғларни кўргани ҳақида ёзади. Биттаси асли хивалик бўлиб, сўнг Қорақўлда яшаган мавлоно Ҳусомийдир (1443—1505). Ҳусомий лирик шоир ва сўфий сифатида машҳур, у Хожа Аҳрорга муридлик қилган, унинг ҳузурида яшаган; Абдурахмон Жомий Ҳусомийни жуда яхши кўриб, гоҳо йўқлаб турган; Навоий у ҳақида ўз тазкирасида маълумот беради; Шайбонийхон Хоразм истилосидан олдин унинг ҳузурига авлиё сифатида мадад тилаб боради. Ҳусомий ғазалларидан «латиф бир девон» тартиб берган (Вамбери ҳам у ҳақда ёзади). «Мавлоно Ҳусомий тушда фақирдан, тазкирангга қайси ғазалимини ёздинг, деб сўради, фақир, қоридида келтирилган ғазални, дедим...» Иккинчиси эса тушда ҳазрат Навоий билан бўлган мулоқотдир:

«...Воқеада ҳазрати Мир (Алишер) муаллифдан «Бизнинг ашъоримиздан бирон нарса ёд билурмисан?» деб сўрадилар. Фақир аларнинг ушбу шариф мактаъсини ўқидим. Мактаъ:

Эй Навоий, сен киму меҳробу масжид истамак,
Қайдаким, хўблар аёгин қўйса сен бошингни
қўй.

Илтифот қилиб бу камина ҳақида ушбу матлаъни ўқидилар. Матлаъ:

Чу дар кор дар моний аз ҳар касе,
Ба руҳи жоң баҳши ман дар расӣ.

(Мазмуни: Ишингда бирон кимсадан етса халал, Менинг жонбахш руҳимдан топгайсен мадад)»

«Олимлар раҳнамоси мавлоно Асомиддин Иброҳимнинг муқаддас ёди. Мавлоно Юсуф алайҳиссалом сураси тафсирини ёзаётган пайтида шундай бир туш кўрибди: хуснуҷамолда баркамол бир йигит рўпарасида пайдо бўлибди эмиш ва ул йигит қўлларини бир-бирига урар эмиш, ҳар гал қўлини бир-биридан ажратса, қафтлариде нурли ёзувлар пайдо бўлар эмиш, шу зайл охирида эса ушбу байт ҳосиласи кўринибди. Байт:

Буи он мешинав ки карди гум,

Ки на уро сабу бувад, на хум.

(Мазмуни: Йўқотган нарсанг аломатини билиб олгилким: Қўлида на кўзаси бору на елкасида хум).

Уйғонгач, булар муллонинг хотирида сақланиб қолган... (Асомиддин Иброҳим Навоий даврида Ҳиротда яшаган, кейинги пайтда шайбонийлар илтифотиға эришиб, уларға яқинлик пайдо қилган эса-да, Убайдуллохоннинг Ҳиротға юришларини қоралагани учун Бухородан Самарқандға сургун қилиниб, ўша ерда 1536 йили вафот этган).

«Ҳаким Шаҳрисабзий ҳоқиқ табии эди... Ғариба илмиден ҳам воқиф эди... ва ҳакимнинг бир иниси бор бўлиб, у ҳам ғариба илмидан хабардор эди ва Ҳайдархожа хизматини қиларди. Бир куни машаққат бормоқчи бўлибди. Бухоро орқали ўтиб кетиши керак экан, шу сабабли Бухороға келди. Аммо хожа аскарлари борлиги монев бўлиб, ғариба илмини ишға солди. Узини гадо либосида намоён этди ва кўзларини махсус дори билан қизил қилди, юзи, соқолини оққа бўяди, сўнг шу қиёфада Ҳайдархожа лашкари орасидан бемалол ўтди-кетди; ҳеч ким танимай қолди!»

Юқорида айтганимиздек, муаллифнинг ота-боболари ҳам улуг кишилар авлодидан бўлган. Нисорий бобоси Абдулваҳҳобхоннинг ҳам кароматли киши ўтганини ҳикоя қилади.

«Абдулваҳҳобхожа ҳар соҳада илм эгаллаб, ўқитиш эшикларини аллақачон толиблар юзи томон рова-роғ очган экан. Аммо шундай бўлса-да, ногаҳонда олийжаноб кўнглиға яна талаб (ўқиш) истағи келиб, шариф оталари (Сулаймонхожа) у кишини сайидлар сараси, дин-тақво покбози Амир Абдулло Бўздешободий ҳузурларига инобат учун олиб борибдилар. Алар эса, Сизнинг саховатли вужудингиз бор жойда фақирнинг фарзандингизни тарбиялашға ҳадди сизмайди, дебдилар. Хожа Сулаймон бўлса, пичоқ ўз дастасини кеса олмайди, инобат берсангиз, дебдилар. Ниҳоят, Мир инобат беришға қарор қилибдилар ва Сулаймонхожа ҳам турк машойихлари одатига кўра, ўз фарзанди кокилиға қайчи уриб, бирликда тарбият қиладиган бўлибдилар. Шу ишларни амалға оширгач, тавба шарафига эришмоқчи бўлган бу хожани хилватға ўтқазибдилар. Хилват чоғида зоҳирий — аён нарсаларға нисбатан иккиланиш пайдо бўлиб, хожа кўнглиға, бу ташқи — маълум нарсалар нима бераркан, балки мен учун ғайб оламидан бўлак бирор тушунча пайдо бўлар, деган фикрни келтирибди. Шу фикрда ўлтирар экан, ғойибдан иш юзға чиқибди — ҳазрат Сулаймонхожа кўриниб, туркий тилда дебдиларки, ўғлим (байт):

Агарчи сабр қилмоқлик жараҳдур
Ва лекин сабр «мифтоҳул — фараҳдур»².

¹. Оғир; заҳматли.

². Бахт калити.

Хилватдан фориг бўлгач, Мир хожаға қараб «воқеани баён этинг, ғайбдан нима кўринди», дебдилар. Алар уялиб, бошни куйи солибдилар. Мир: «Афтидан, ўз ишингиздан (шаккоклогингиздан) хафа ва пушаймон бўлган кўринасиз», дебдилар. Шундан сўнг ул дун улуги: «Ана энди, яна хилватға кириш», деб дастур берибдилар. Хожа хилватға қадам қўйгандан сўнг, нимани кўриш керак бўлса кўриб, мақсадға етибдилар... Бу воқеалардан кейин, бир куни ҳазрат Мир муридларидан бириға етуклик хати ёзиб ўтирган эканлар, тўсатдан ёзув асносида тўхталиб: бизға дастлаб Абдулваҳҳобхоннинг етуклик хатини ёзиш вазифаси юклатилди ва фақат шундан сўнггина бу хатни тугатгаймиз, деб қолибдилар ва шундай қилибдилар ҳам!»

«Шайхлар ва сайидлар натижаю самараси Шайх Алихожа бин Абдулваҳҳобхоннинг муқаддас ёди... Дунёдан ўтиш пайти шариф оталари аларни, ёш пайтидаёқ, ҳеч иккиланмасдан, ўз ўринбосарлари этиб тайинлаганлар. Шундан сўнг, Шайх Алихожа шайх Ҳожи Муҳаммад Хабушонийнинг шариф суҳбатига мушарраф бўлиб, халафлик шарафи билан ёзвозланиб, тўла-тўкис ижозат олганлар ва халқни ҳақ йўлиға даъват этишға киришганлар. Ул киши ҳақида содир бўлган илоҳий иноят ва туҳфалардан бири шу эдики, алар қўлида ҳазрат пайғамбаримизнинг — саллоллоҳи алайҳи вассаллам — муборак хирқалари мавжуд бўлиб, ул муборак либос алар оналарининг ҳазрат Муртазою аъзам мухтабий мукаррам Сайид Жалол Гурлоний авлодидан бўлиш оталаридан етган эди... Фақир ҳам Шайх Алихожа тавофиға мушарраф бўлганман. Ул зот сиймосига қанчалик яхшилаб диққат қилинмасин, бари бир аларнинг инсонми, малакми жинсидан эканлигини англаб бўлмасди... Шайх Алихожа Уғирчи (ҳозирги Красноводск) ноҳиясида олти-миш уч ёшида илоҳий раҳмат ёниға қўшилдилар. Уша вақтда олий мартабали, нақиблар паноҳи Саид Жаъфархожа фақирнинг отасиға бир хат юбориб, унда қуйидагиларни ёзган эдилар: «Шайх Алихожани — сирлари муқаддас бўлсин — тупроққа топшириб, халқ тарқалгач, икки нафар оқ кийим кийган отлик келиб, қабр бошиға тушган ва зикр айтган. Қабр томондан келаётган зикр товушини ходимлар баралла эшитганлар. Қулоқларига чалинган овоздан маълум бўлишича, келганлар: «Бизлар Хорунхожа (Шайх Алихожанинг бобоси) ва Абдулваҳҳобхожалармиз», дейишган». Уша мавтубни фақир ҳам ўқиган эдим ва бу гапни айтқилар ҳам ишончли одамлар эди».

«Подшоҳхожа бини Абдулваҳҳобхоннинг муқаддас ёди.

Шайх Алихожанинг ота бир, она бошқа инисидир. Бу фақирға дегувчи эдилар: «Кичик ёшимда ҳазрат рисолат паноҳни — саллоллоҳи алайҳи вассаллам — воқеада кўрдим. Муборак қўлларини кўксимға қўйиб, хоҳлайсанми, сени машхурлардан қиламан, дедилар». Шундан бироз муддат ўтгач, Кепак Мирзо кўнглиға Соинхон улсини ўзига қаратиш истағи келади ва мазкур жамоат аксариятининг Хожа аждодига иродат-этиқоди бўлгани учун, уни ўз режасини амалға оширишға восита қилиб, садрлик лавозимига тайинлайди. Ва ўша вақтдан бошлаб, халқнинг айрим талаб тақозолари бўйича, султонлар билан ҳамкорлик қиладиган бўлганлар ва улар ҳам Хожани жуда ёзвоз-икром қилиб садрлик, жумлатулмулклик ва шайхулисломлик сингари муносиб мансаблар билан сийлаганлар».

Тазкирада ўша давр техника мўъжизалари тўғрисида ҳам ҳикоя қилинади. Туркиянинг Рум шаҳри қалъасиға ўрнатилган соат, муаллиф ўзи

Балхда кўрган фол очувчи механик асбоб шулар жумласидандир.

«Балхда ҳам Мир Мунажжим бир сандиқ ясаган эди. Баландлиги икки газ бўлиб, унда бир маймун, маймун олдига эса бир тос қўйилган эди. Ҳар чорак соатда маймун тосга таёқ урарди, шунда, мажлис аҳли ҳозир бўлиб, ёнғоқ ҳажмича тунждан ясалган муҳра — шарни ким ният қилса, ўшанга ташларди, муҳра тоснинг тагидан ўтиб, пастга кетар, сандиқ тагига етгач, яна юқорига қараб ҳаракат қилар эди. Ҳаракатдан кишилар хабардор бўлиб турганликлари учун, муҳра пастга кетаётганда, сандиқнинг бир эшиги очилиб, ундан бир аждар боши чиққанини кўрардилар. Аждар оғзидан бир парча қоғозни чиқариб ташларди. Қоғозда эса одатдаги рамол — фолнинг ўн олти шаклидан биттаси бўлар эди. Мунажжим ўша шакл бўйича фол қарарди. Шундай қилиб, муҳра кўтарилаётган чоқда, сандиқ юқорисига яқин жойда эшик очилиб, бир шер боши кўринарди ва у пастдан юқорига келаётган ҳалиги муҳрани оғзидан чиқарарди. Фақир бу манзарани ўзим кўрган эдим!»

Туркий халқларда яда қилиш, яъни махсус тош билан ёмғир ёғдириш расми бўлган. Бобур ҳам бу ҳақда «Бобурнома»да (1528 йил июнидаги сафавийлар билан ўзбекларнинг Жомдаги (Хуросон) тўқнашуви ҳикоя қилинган жойда) ёзади, халқ оғзаки ижодида эса бу расм тез-тез тилга олиниб туради. Нисорий ҳам, ўрни билан, ана шундай тош ҳақида хабар беради. Муаллифнинг хабарича, бу тош туркий халқлар яшайдиган Ардабил (Эрон) шаҳрида экан: «...Мавлоно Шариф Табризий Ардабилда дафн этилган. Ардабил Озарбайжонга қарашли жой. Айтишларича, унинг ноҳияларидан бирида, темирга ўхшаш бир тош бор эмиш, оғирлиги икки юз мандан ортиқ экан. Агар ёмғирга эҳтиёж сезилса, тошни шаҳарга олиб келишаркан ва тош шаҳарда қанча турса, шунча вақт ёмғир ёғаверар экан, шаҳардан ташқари олиб чиқсалар, шу заҳоти ёғин ҳам тўхтаркан!»

Алқисса, Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музакири аҳбоб» тазкираси ҳам бизга Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират аш-шуаро», Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкиралари қатори, шоиру олимлардаги фавқуллода истеъдод, шайх, авлиёларнинг каромат ва ҳикматлари ҳақида қизиқарли хабарлар берувчи манба хизмати ўтайди, кези билан тез-тез унга мурожаат этиш эҳтиёжини туғдиради.



Баязид айтур:

— Ният қилсам, тамоми халойикнинг гуноҳини ҳақ таолодин тилаб олсам. Яна хотиримга кечтиким, мақоми шафоат ҳазрат Расули Акрам саллаллоҳи алайҳи ва салламка хос эрди, деб адаб сақладим. Ҳақ таолодин хитоб келдиким, бу адабким, сен сақладин ул жиҳатдин сенинг мартабангни баланд қилдим. Очаким, то киёматкача сени султонул орифин қилдим, тамоми авлиёларнинг подшоҳисан.

Имом Абу Назар Қашрийнинг олдида бу сўз бўлдиким, Боязид айтибдурким, туноқун хошиш қилдим, парвардигори оламдин тилагайман мағфират этакини аввалин ва охири халойиклар гуноҳи юзига ёбқой, лекин шарм туттимки, бу янглик улур ҳолат учун ҳазрат Акрам-ул акрамин даргоҳига келгайман. Шафоат мартабасиким, ҳазрат соҳиб шарият саллаллоҳи алайҳи вассаламнинг мақому мартабалири эрди. Ани ўз тасаруфумга олғали адаб сақладим. Аммо Қашрий бу сўздин кейин дедиким, Баҳза ал ҳиммата кол мо кол. Шайх Боязид ушбу баландҳимматликдин топубдур ҳар неким, нени ким топубдур.

* * *

Нақл қилибдурларким, Боязид айтур:

— Қасд қилдиким, умрим ичида икки ракаат намоз ўтагайманким, ҳазрат даргоҳига лойик бўлғай. Утаёлмадим. Бир кеча намози хуфтандин то саҳаргача тўрт юз ракаат намоз қилдим. Ҳар икки ракаатдин кейинги салом берур эрдиким, мундин хўброқ бўлғай, яна намозга турар эрдим. Ва чун фориғ бўлсам эрди айтур эрдиким, мундин ўбдонроқ бўлғай. Ушбу тарика бирла субҳ ёвук бўлди. Ва намоз ўтарники адо қилдим ва дедиким:

— Илоҳи, онча саъй-кўшиш қилдикимки, намозеки сенинг лойикингда бўлғай. Ҳамма Боязиднинг лойиҳида бўлди. Эмди сенинг бенамоз бандаларинг тўладур. Боязидни ҳам улар қаторида олғил.

* * *

Нақл қилибдурларки, Боязид айтур:

— Қирк йил риёзатлар чекиб, машаққатлар тортқондин кейин парда ва хижобни кўтардилар нола ва зори қилиб дедиким: илоҳи, менга йўл кўрсатғил. Хитоб келдиким:

— Эй Боязид, то синик ибрик ва йиртук жуббаки санда бордур бу даргоҳда санга йўл йўқтур. Ушал дам жуббани ташладим. Ва нидо келдиким, «Эй Боязид, маърифатим даъвосини қиладургон муддаиларга айтқилким Боязид қирк йил риёзат торттиб ва машаққат чекиб то синик ибрик ва кўҳна жуббани ташламай йўл топмади. Сизларга қончадин саранжом дунёликни лозим туттиб анга кўнгил боғлабсизлар ва тариқатни нафс орзуи учун дәмдона қилибсизлар. Қалло ва хашоки йўл топмассизлар».

* * *

Нақлдурким, бир киши бир кеча то саҳар вақтигача шайхни кўрдиким, на иш қиладур деб. Мороди кўрдиким, шайх бир марта олло деди ва йиқилди. Сўрдиким:

— Бу не ҳолат эрди?

Шайх деди:

— Бир марта олло деб эрдим нидо келдиким, сен кимсанким, менинг сўзумни қилурсан?

Боязид Таштолла

Келтурубдурларким, бир кун шайх намози хуфтандин сахар вақтигача оёғи—учи бирла бошин ура турди. Шайхнинг хизматкорлари ул холни кўрар эрди. Ва хар бора шайхнинг кўзидан кон томар эрди. Хизматкорлари бу холни кўриб таажжубга қолиб дедиким:

— Эй шайх, бу на эрдиким, сизда кўрдим. Менга ҳам андин насиба берсангиз керак эрди.

Шайх деди:

— Аввалги кадамда аршқа еттим ва аршни кўрдумким оғзи кон ва курсоки оч турубдур. Аршдин сўрдум:

— Эй арш, сенда Худони нишон беруларким, «алло хамарз али ал арш астави» кўторгилким на топибсан?

Арш деди:

— Эй Боязид, бу на сўздурким, мендин издарсен, менга ҳам Худони сенинг кўнглинда деб нишон берулар «ано абдал ман куррат кул ва бахум» аввалги оятнинг таржимаси. Худо арш устиде ўлтурғондур, яъни арш Худонинг тасарруфидадур. Хадиси куддуснинг таржимаси, мен кўнгли синукларнинг қошидадурман, агар осмон халкидур замин халкидин сўрарлар ва замин халкидур осмон халкидин сўрарлар, агар ёшдур қарилардин сўрарлар, агар қаридур ёшлардин сўрарлар, дебдурлар.

* * *

Қачонким, ёвуқлук мақомига дебдурларким, тилагилким на тиларсан?

Ман дедим: сени тиларман, яна ҳеч нимарса тиламасман.

Дерларки, то вужудингдин заррача бокийдур бу тилагинг махолдур ...яъни ўз вужудингдин кечкил ва менга еткил. Ва дедимким, зулла олмай ёнмасанким, густохлик килғумдур.

Дедилар:

— Айткилким, на олурсан?

Дедиким:

— Хамма одамларга раҳмат килғил.

Дедиларким:

— Қарағил, на кўрарсан?

Боктим эрса кўрдимким, ҳеч махлук йўқким анинг ҳазон чандон шафоат килғувчиси бу бўлғай, мен уларга боки на кишидурман. Ва Ҳак Таоло халойикга ўзимдин чандон зиёда меҳрибонрок кўрдим муни англаб тек турдум. Андин кейин дедим:

— Худовандо, иблисга раҳмат килғил.

Дедиларким:

— Густохлик килдинг, юргилким, иблис ўтдиндур ва ўт халкига ўт ичра бўлмоқдур. Ва сен ўзингни анга ёвуқ келтурмагилким, ўтка сазовор бўлурсан ва тока келтурмасан.

* * *

Келтурубдурларким, Боязид айтур:

— Ҳак Таоло менинг учун икки минг мақом ҳозир килди ва хар мақомда бир улуг мамлакат менга танлади мен қабул қилмадим. Охираламр менга деди:

— Эй Боязид, нима хошиш қилурсан?

Мен дедим: Худоё, хошишим улдулки, менда хошиш бўлмағой.

* * *

Нақлдурким, чун хар киши Боязиддин дуо илтимос қилса эрди, айтур эрди, Худовандо, буларнинг ва халкининг оросида восита бўлғайман ва сен доносанким, булар не тилар ва менинг орачи¹ бўлғоним беҳудадур.

¹ Орачи—воситачи.

* * *

Накл қилибдурларким, бир киши Боязид қошига келиб дедиким:

— Менга бир нимарса ўргатгилким, дўзахдин халос бўлмоқга сабаб бўлғой.

Боязид деди:

— Икки ишни ёдингда тут: «Бири улким, Худои Таоло сенинг ҳолингдин оғоҳдур. Ҳар на қилсанг биладур ва кўрадур. Иккинчи улким, Худои Таоло сенинг тоат ва ибодатинга эҳтиёжи йўқдур.

* * *

Накл қилибдурларким, бир кун шайх ўтуб борур эрди. Бир йигит оёғини шайхнинг изиға қўя берди ва дер эрдик: кадамни шайхнинг кадамига кўёрманким, муборак кадамдур. Шайхнинг эғнида бир кўҳна жуббаси бор эрди.

— Эй шайх, бу жуббадин бир порани менга беринг, то сизга теккан баракатдин менга ҳам етгай. Шайх деди:

— Боязид жуббасин суниб сенга кийдурган билан ҳам сенга фойдаси йўқ, Боязиднинг амалин қилмагунча!

* * *

Келтурубдурларким, бир кун шайх Боязид шўрида ҳол ва пажмурда ахвол кишини кўрдиким, айтодур:

— Илоҳи, менга қоралағил.

Шайх келиб қамоли иштиёқнинг ғолибликидин дедиким, ушбу ўбдон юзумгаму қораласун? Ул киши деди:

— Эй шайх, ул қораламоқни анинг учун тиларманким, ўшал назарнинг ҳосиятидин юзум ўбдон бўлсун дерман.

Шайхка бу сўз ҳуш келиб дедиким:

— Рост айтдинг.

* * *

Накл қилибдурларким, бир кун Шайх ҳақиқат сўзин сўзлаб ўлтуруб, лабларини сўрар эрди ва дер эрдиким:

— Ҳам шароб ичқувчи, ҳам шароб ичиргувчидим!

* * *

Дебдур: Агар то қиёмат куни биҳишда дийдорин кўрсатмаса нолаю фиғон қилурманким, аҳли дўзах менинг йиғи-зоримга дўзах азобин фаромуш қилурлар.

* * *

Дебдурларким, мендин илгари эрдилар ҳар киши бир нимарсада тўхтаб қолдилар. Ва мен ҳеч нимарсага бўйин эгмадим. Бир йўли ўзумни анга фидо қилдим ва мен ўзумни ўзум учун хоҳиш қилмасам, агар менинг сифатларимдин бир зарраси бу оламга ёйилса осмон ва етти кат ер бир-бирига қўшилур.

* * *

Дебдур:

— Ул хоҳиш қилди бизни кўрмақни ва биз хоҳиш қилмадук ани кўрмақни, яъни бандала хоҳиш бўлмас.

* * *

Дебдурлар, Боязид айтур: «Қирқ йил ҳалойикка юз келтурдим ва халқни Худога ундадим. Ҳеч киши мени қабул қилмади. Халқдин юз ўгурдим. Даргоҳи ҳазратга бордум, эрса ҳаммани ўзумдин илгари кўрдум, яъни Худои Таолонинг иноятини ҳалойикга ўзум иноятини зиёда кўрдум, ончаки мен тилар эрдим Худои Таоло бин иноят бирла ҳаммани мендин илгари ўзига етурубдур».

* * *

Дебдурлар: Боязиддин ташқари чикдим андоқким, илон пўстидин чикқандек. Боктим эрса ошиқ ва маъшук ва ишқ хирожи олами тавҳидда бор эрқондур. Худодин Худога бордим. Кичкирдиларким, менда мендин келгил, яъни алфано фи аллоға етгим, яъни банда ўз вужудини Худода йўқ қилғонини фанои фи алло дерлар.

* * *

Дебдур, Ҳак Таоло ўттиз йилдин бери менга оина эрди. Эмди ўзум анинг оинасида бўлдим, яъни улки мен эрди қолмадики ул менлик. Менинг ва Худонинг оросида шерик эрди ва қачонким Худо ўзининг ойнасидур, бу ким мен ўзумнинг ойнали деб айтадурман ушбудар.

Худои Таоло хоҳиш қилди менинг тилим бирла сўзламақни ва мен орода йўқман.

* * *

Боязид дебдур, йиллардур бу даргоҳда мужовир бўлдум. Оқибат хайбат ва хайронлик ва кўркинчдин бир нимарса кўрмадим ва хайронликдин ўзумга ҳеч нима насиб бўлмади.

* * *

Боязид дебдур, даргоҳи иззатқа бордим. Анда ҳеч машаққат йўқдурким, аҳли дунё дунёсига машғул бўлиб анинг бирла ҳижобга қолибдур ва аҳли охиратга машғул ва мудданлар давосига машғулдурлар. Ва тоифаки илгари йўлга киргон ва кофирлар ўтқан эрдилар. Ҳама (ишқ) даштида ўзлари юрутуб ожизлиғ дарёсида ғарқ бўлдилар.

* * *

Дебдур: неча мудда хонаи Қаъбани журилдим ва чун Худога етгим эрса, хонаи Қаъбани кўрдим мени журуладур.

* * *

Дебдур: Бир гуноҳга бир навба бас, лозимдур. Ва бир тоатга минг тавба лозимдур, яъни риё бирла қилғон тоат минг гуноҳ, яъни ҳар гуноҳга бир тавба лозим келур.

* * *

Дебдур: Орифнинг даражаси муҳаббатнинг ғолиблики бирла қамолга етур.

* * *

Дебдур: Дунёни душман туттум. Худонинг даргоҳига бордим. Ҳама махлуқотни ташлаб Худони ихтиёр қилдим, то онча Худонинг муҳаббати менга ғолиб келдиким, ўзумни фаромуш кўрдум. Кўтардим. Худонинг лутфи бақосига хўй олмоқни тиладим.

* * *

Дебдур: Маърифат азалий даво килмок ул кишидин лойикдурким, агар бихиштни тамом оройиш ва зийнатлар бирла ул кишига берсалар ўшул фарёд-фиғонлар бирла зори килурларким, ахли дўзах дўзахдин нола килғондек.

* * *

Дебдур: Сидки ихлос бирла ибодат амал килғувчи батахкиқ улдурким, риёзат тиғи бирла ҳамма мурод-максадларнинг бошини кескай ва тамом нафснинг хохиши недур ани дўст туткай ва ани орзу килғойким Худонинг ризосидур.

* * *

Боязид дебдур:
— Худои Таоло бандаларини ўз ризоси бирла бихиштга элтадурму?
Дедилар:
— Ори, элтадур.
Дедиким:
— Худонинг ризосини топқон киши бихиштни на килсин?!

* * *

Дебдур: Бир зарра маърифатнинг ҳаловати кўнгилга минг фирдавси олийдин хўброк.

* * *

Дебдур: Гуноҳнинг сизларга бандаи мусулмонни хор кўрганча, яъни беҳурматлик килганча зиёни йўқдур.

* * *

Дебдур: Дунёнинг жойи гурурдур, яъни ханди-панди, демакнинг жойидур. Ахли дунё гуруричра хушвақтдур.

* * *

Дебдур: Ахли маърифатнинг ибодати пос афосдур, яъни чиққан ва кирган нафасдин огоҳ бўлмокдур.

* * *

Дебдур: Качонким, ориф хомуш бўлса муроди Худога сўзламак бўлғай ва чун кўз юмса максуди кўз очиб Худони кўрмақдур. Ва чун андишда бошин тизига кўйса, матлаби айд¹ бўлғай, яъни Исрофил сурни тортғунча бош кўтармагайким, Худо бирла анис-улфат онча бўлғай.

* * *

Келтурубдурларким, Боязид дебдур:
— Худони тониғоннинг нишонаси халқдин қочмок ва маърифатдин сўз демак, хомуш бўлмокдур.

* * *

Дебдур: Хар киши Худога гирифтор бўлса, дунё мамлакатини Худога нисор килур ва ондин дариг тутмас ва икки жаҳон нақдинасин анинг олдида кўйса ва харғиз бўйин эгмас, чунончи Хожа Хофиз ушбу маънини адо қилибдур. Назм:

Бахраманди ду жаҳон сарфрў намеоранд,
Димоғи кабири худоёки хўшачинон бин.

(Кўр, гадой хўшачинларнинг димоғи кабирин, икки оламнинг хусули берса эгмас буйинини.)

* * *

Дебдур: Вактики кўнгилга кирса харнаким, Худодин бўлакдур. Они кўнгилдин чикарур. Андин бўлакни кўнгилда асрай қолмас, то ўзи ёлғиз қолмағунча, аслида ёлғиз эрди.

* * *

Дебдур: Орифи комил улдур Ҳак Таолонинг дўстликида ўзини йўқ қилса...

* * *

Дебдур: Тонгла киёмат кунин ахли бихишт раҳмат издаб борурлар қачонким, ёнсалар уларга рангоранг суратлар кўрсатурлар.

* * *

Дебдур: Ориф маърифатдин асли сўз демас. Худонинг даргоҳига уланса тамом билганини килур ва тамом билгани яна маърифат бўлур. Орифнинг бир нима билгани кўнгилда бўлса маърифатга етолмас.

* * *

Дебдур: Илм талаб килмок ул кишидин лойикдурким, илмдин маълумга юрса ва хабардин мухбирни издаса ўкуғандин мурод амал килмок бўлса ва эшитқондин мақсуд этқон киши бўлсаки, оятму ё хадисмудур, аммо хар кишики, муножат ўқубдур ва анинг бирла ўз мартабасини баланд қилмокни издайду ё бир махлуқка ёрамок ва макбул бўлмокни тилайдур. Ул киши хар кун Худодин йироқрок, висолдин новмидрок бўлур.

* * *

Дебдур:—Дунёнинг ончалик кадри-қиммати йўқдурки, они ташлағон кишига фахр-нозиш килурга арзигайман. Дунёни ташлаб Худо йўлига кирдим демакка ёрамасман. Хар киши Худони таниса дўст тутмасга чораси бўлмас.

* * *

Дебдур:—Мухаббатсиз Худони тонумокнинг онча кадри бўлмас.

* * *

Дебдур:—Арикларда оқар сувдин овоз эшитилдиким, талабида нола килғонлар нола килурлар, то дарёга етмағунча тўхтамаслар.

ДАВОМИ БОР

Нашрга тайёрловчилар: Ҳамиджон ҲОМИДОВ,
Икром ОСТОНАҚУЛОВ

¹ Айд—маълум.

АБДУҚАЮМ ЙЎЛДОШ

Кичик пойдевор қурбонлари

Достон

— Мен яхши кўраман!
Агар шу иқрор
Борлиқ ҳисларимни этолса баён,
Такрорлаб-такрорлаб милён-милён бор,
«Савдо»ларим очиб ташлардим осон.

Лекин сўз тан эрса, севги руҳ эрур,
Сўз агар моддийдир, ишқ илоҳийдир...
Эҳ, пахта ичида ўтган сўнг умр,
Чиройли сўйламак қанчалар оғир.

Гарчанд тўпорилик қонимга сингган,
Қадоқ қўлда равон сузмагай қалам —
Зимзиё хонага термулиб тунда,
Тўлғониб гоҳ шеърлар битганман мен ҳам...

Шеърлар ўз йўлига, тўлган кўнгилни
Сирдош бир ҳабибга бўшатган мисол.
Бироқ сезмоқдайдим, менинг ўзимни
Банди этмоқдайди тушуниксиз ҳол.

Шомда қоғишгандай кундуз ила тун,
Умиду навмитлик қоғишган онлар,
Гумириб кетарди негадир кўксим,
Титраб кўяр эди руҳий вулқонлар.

Вужудим мисли хум, қудратим нақ жин,
Муҳаббатим — хумни сийпалаган кафт,
Бир кун чок-чокидан сўкилди кўксим,
Озодликка чиқди бемисл қудрат.

Булултарга боқдим, чақмоқлар чақди,
Буюмлар жонланди боққаним чоғлар.
Тоғлар гулханлардан сирғалар тақди,
Хазонлар дудига кўмилди боғлар...

...Аммо яшаб бўлмас замондан айри,
Хусусан бу тахлит долғали пайтлар.
Мен — Узбековулнинг оддий деҳқони,
Битиб борар эдим ўзимча қайдлар.

Эҳтимол, муҳаббат журъатга доя,
Эҳтимол, муҳаббат тафаккурга эш...
Муқояса этиб билдим ниҳоят,
Ишлар фақатгина қоғозларда «беш».

Нега яшаяпмиз йўқсудан-йўқсуд,
Нега ғам-ташвишлар майдадан-майда.
Нақ ўн йил миямга қуйилган ҳар кун
Нурли воқеийлик — қайда у, қайда?!

Нега гурунгларнинг бош мавзуи пул,
Кўпроқ юлиб қолган иззатда чунон.
Менинг она юртим, жон Узбековул,
Айтгил, таназулга юз бурдинг қачон?..

Ў, элатдошларим... сизларни кўриб
Дилимда туяман тахир бир туйғу.
Айтар таъналарим қоғозга тўкиб,
Шивирлаб қўяман ночор:
«Халқми шу...»!

Аччиқ қора нонга саримсоқ суриб
Емоқдан қанчалар топасиз ҳузур.
Пайғамбар ёш ўн йил нарида туриб
Ў т г а н умрингизга қиласиз шукр.

Ўчганми жўмардик ҳислари дилдан,
Ошқозон тўлгани — шуми бор сурур.
Нега бурда нонни қўймаймиз тилдан,
Нега Худойимга айтасиз шукр?

Аждодингиз кимдир, мард сарбадорми
Ё жангари қудрат соҳиби Темур.
Бугун кўксингизда зарра чўғ борми
Ё фақат муздай кул — ўлимтик шукр.

Саҳардан далада то шомга қадар,
Шомдан то ярим тун: томорқа, охур.
Ярим тун ўринга қўлаб бемадор,
Гудраниб қўясиз: «Ўзингга шукр...»

Рости, тушунмайман, бу қандай мазҳаб,
Бу қандай эътимод, бу қандай шуур.
Елкага заҳматлар юкин орқалаб,
Бурунда ер ҳайдаб ўқийсиз шукр.

Қўлларим ёқамда, тополмайман сўз,
Ҳайрат истиснога эгизак эрур.
Водариф, сиз агар ёлғиз бўлсангиз,
Атмасмидим ўзим энг аввал шукр...

Уйларим сўйладим мен унда-бунда:
«Бу турмуш турмушмас, эзгучи», дея.
Оқибат «афсунгар» номим ёнига
Лақаб тиркадилар: «Езгучи...», дея.

II

Изирибим ортар атрофга боқиб,
Дилим жароҳати баттар маддалар.
Бир кун то тонггача ўчириб-ёзиб,
Шеър битиб, ном қўйдим: «АЛАМЗАДАЛАР»:

Бошимиздан сочиб қизил хитоблар
Бизларни алдади қизил китоблар.
Муте онгимизга ўрнашди ёмон:
«Давлат, бу — биз» деган қип-қизил ёлғон.

Агар биз давлатмиз, агар давлатмиз,
Онғисиз ижрочимиз, қуруқ савлатмиз.
Фақат бир нарсага ҳайронмиз, ҳайрон:
Кимнинг Иродаси бизга ҳукмрон?

Агар биз давлатмиз, агар давлатмиз,
Сўқир оломонмиз, манқурт келбатмиз.
Яна бир нарсага ҳайронмиз, ҳайрон:
Қайга бораяпти бу телба даврон?!

Қуримасдан туриб шеърнинг сиёҳи,
Ҳали йўлланмасдан туриб газитга
(Қайдан хабар топган?!) райқўм вакили
Ҳовлиқиб кеп қолди янги «Газик»да.

Гўё қизиққандай турмушим ила
Вайрона кулбамни қузатгач бироз,
Вакил мурувват-ла, лаб жуфтлаганда
«Аввал ўқинг-чи», деб тутдим бир қоғоз.

«Мажбуриятларга мавсум йил боши,
Биз ҳам қабул қилдик, қарори мана:
— Аҳд этдик овулнинг кексаю ёши
Энди ишлагаймиз буткул ғарбона!»

Вакил тамом бўлди — қулади ҳушсиз!
Хайрият, топилди тақчил новшадил.
...— Мана, ўзингизга келиб қолдингиз...
Хуллас, қулоқ солинг, ҳурматли вакил.

«Социализм-чи?...» деб букмангиз бармоқ,
Қалқон қилаверманг дохийлар исмин.
Кимнинг дастурхони, айтинг, тўкинроқ,
Ўзбекингми, «мазлум» швед ишчисин?

«...қуряпмиз!» деманг, бас, энса қотади,
Бу кўпдан сийқаси чиққан ибора.
Бу қандай бинодир, етмиш уч йилки,
Қийшиқ пойдеворга бир халқ овора?!

Ёрлиқлар тақишга устасиз, ёраб,
Бизни ҳам «душман» деб этурсиз эълон.
Ҳукмингизни қўллаб, қурбонлик сўраб
Қарсақлар чалғуси сўқир оломон.

Қарши курашмоққа бизда йўқ фурсат,
«Дақиқа — олтин!» дер капитализм.
Демак, юмуш вақти юмушга фақат,
Демак, бекорчи баҳс сизга, азизим.

...Тузумнинг номида эмас гап, илло,
Тузум, майли, қандай ном олса-олсин.
Фақат унда яшар халқнинг доимо
Қорни тўқ, усти бут, кўнгли тинч бўлсин...

Тилга киролмасдан бари бир шўрлик
Идора тарафга шамолдай елди.
Ортидан қуюқ чанг билан қўшилиб
«Ҳали кўришамиз!» деган дўқ келди.



III

Кўришдик... Раиснинг хонасига жам
Бўлганда фаоллар бари сарбасар.
Мақтаб кашшофларин етакчисидан,
Оул амолларин сарбони қадар.

Гапга чечан экан вакил дегани,
Нақ ярим соатча пўстагим қоқди.
Менга «сиёсий кўр», «лақма», «миллатчи»,
«Экстремист» деган ёрлиқлар тақди.

Эмишки, мен ўйнаб ноғорасига
Чиркин Ғарбнинг, ҳатто Амриқонинг ҳам,
Энг буюк Советлар оиласига
Рахначи касларга бўлибман ҳамдам.

«Лекин бизга бари аён ва маълум,
Барисин билардик! — Вакил ўшшайди. —
Исбот учун тингланг, биз ўн кун бурун
Олган бир шиғири нега ўхшайди:

Имкониёт

Суратларда кичкина, аммо
Ватанимиз асли жуда кенг,
Мадҳ айтишга тушса шуаро
Сўз бошида мудом турар «Энг...»

Сўз танлашга, дерлар, йўқ тақиқ,
Аҳли қалам бари бирдай тенг,
Устозлардан олиб йўл-йўриқ
Сўз бошига мен ҳам қўйдим «Энг»:

Энг касалдир бизда соғломлар,
Энг соғломдир бизда касаллар,
Энг шириндир бизда шолғомлар,
Энг аччиқдир бизда асаллар.

Энг каттакон бошлиқ, энг ўғри,
Энг бош жаллод — энг катта посбон.
Энг камбағал ишчи энг тўғри,
Энг сахий зот — энг йўқсул деҳқон...

Ахир, бу... мазахлаш турмушимизни...»
Шу пайт Шокир миршаб берганича честь
Ғўлдирайди: «Уртоқ вакил... ҳалиги...
Бу бола афсунгар... пол... пол... полтергейст? ...»

— Аҳ-ҳа... Шунақами?... — Вакил илжайди. —
Демак, жинни! Хуллас, ҳисобот тайёр.
Бир энлик қоғоз бас «У — телба» деган,
Нусхасин «тепа»га йўллашим даркор...

Балки... телбадирман...юрмоғим лозим
Кўчаларда сарсон, эгнимда ҳирқа.
Аммо эшитиб қол охирги сўзим:
Адашдинг,
адашдинг,
адашдинг,
фирқа!..

Мен боқдим вакилга қаттиқдан-қаттиқ,
Нафратим нигоҳга жам эта олдим.
Иродамдан холи ва ёки боғлиқ
Қандайдир Қудратнинг измида қолдим.

У аввал жойидан кўтарилди-да,
Қотиб қолди минбар билан шифт аро.
Сўнгра тўнтарилди, боши қуйида,
Оёғи тепада — осилган гўё.

Кўзининг пахтаси чиқар. Бақирмоқ
Бўлиб у оғзини балиқдай очар.
Ёрдам сўрашга йўл қўймайман бироқ,
«Бахтиёр очун...»ни куйлаб юборар.

Ўзимни одил ҳис этмоқ туйғуси
Эс-ҳушимни буткул қамраб олади.
Лаззатли, ҳузурбахш қасос кутқуси,
Қудратимга баттар кутқу солади.

Қайга йўналтирдим сўйир қудратим,
Интиқом жоизми бир манқурт касга.
Минбар устидаги дарға суратин
Оловга ем қилиб қуйдим бир пасда.

Қаттиқроқ тикилдим... Вакил чираниб
Куйларкан: «Эй сен, энг бахтиёр очун...»
Заррин бўйинбоғи ногоҳ сарғайиб
Сизиб чиқа берди ачимсиқ тутун.

«Хонанда» қуйига қулар чинқириб,
«Пов» этиб ўт олар камзул ногаҳон.
Фаоллар биридан бириси ўзиб
Вакилга кўмакка отилар шу он.

Олов ўчирилди.
Вакил ҳансираб
Тураркан афтода, нотавон, ғариб,
Бирров қараб қўйган менга хавфсираб,
Қорайган суратни баланд кўтариб:

— Мана далил! — деди. — Баринг гувоҳ-а!
Мен-ку кечирарман, аммо бу сурат...
Энди бу жиннига шафқат йўқ сира,
Энди қутқаролмас милёнта ҳужжат!..

Тупукка булғади кимлар кўксини,
Кимлар Сукротона ўйга толдилар,
Эртаси кун боғлаб икки кўзимни
Мени ўз кулбамдан ҳайдаб солдилар.

«Қора боғичсиз ҳам зулмат-ку ҳар ён...»
Ҳайратим сукунат тубига чўкди.
Фақат тушунмадим: даҳрий оломон
Сўзимданми ва ё кўзимдан қўрқди?..

Эҳтиёт морлари елкадан ўсиб,
Озиқ мияларин талаб этдилар.
Беминнат шотирлар бурчакка қисиб,
Бўйнимга шақилдоқ осиб кетдилар.

Файласуф кундузи чироқ ёққанда
Лол қолиб тиз буккан авом оломон,
Куну тун боғич-ла тентиган жонга
Маломат тошларин отди беомон.

Кезаман, кундузми-тунми билмайман,
Битта маъқулотни туяман фақат:
Мени бу кўйларга жоду солмаган,
Мени бу кўйларга солган муҳаббат...

Не дейин, мўъжиза иншога ўғай,
Рухнинг инъикоси бўёқлардамас.
Матлабим, кўксимнинг олови сўнмай,
Умрим сеҳрларга ҳамдам ўтса бас.

Бироқ ўта ҳушёр шотирлар кўп-да,
Хавфли билиб мени тинч замонага,
Оёқ-қўлларимга кишан солганча,
Судраб келтирдилар жинниҳонага.

Сезаман, яланғоч деворлар муздай,
Панжара ортида бир парча осмон...
Одамни уқмоқлик, ох, мушкул шундай,
Одамни уқмаслик, ох, шундай осон...

IV

Бир кун калит тушди кишанларимга,
Кўзларим боғичдан озод этдилар.
Турт қорувли йигит олди-ортимда,
Торгина йўлакдан ҳайдаб кетдилар.

Бетон каталакка кирдик ниҳоят,
(Деразасиз хона хонами, ахир).
Бундай қутиларда менга ҳар фурсат
Ҳаво етишмасдан қолар негадир...

Чўққисоқол дўхтир дардманд жилмайиб
Қўлин узатганча чиқаркан пешво:
«Ўтирингиз, — деди, — бир гурунглашиб,
Кўнгил чигилини ёзайлик бироз».

Қаттиқ ўриндиққа чўкдим бемажол,
Йигитлар ортимда саф тортид қатор.
Англадим, қалтисроқ қимирласам сал
Саккиз жуфт қўл ийлаб ташлашга тайёр.

Мўйсафид, ёшига муносиб оқил —
Қай Байтулҳазандан бундайин адаб!
Менин аҳволимга кўз солиб зингил,
«Фаҳрий соқчи»ларга боқди дарғазаб.

Улар чиқиб кетди. Фақат бирови
Эшикнинг ёнида ҳайкалдай қотди.
Ўқлар отганида чолнинг нигоҳи,
«Кўрсатма!» деб жавоб ўқларин отди.

— Майлида-эй... Шўрлик бир аскарча-да... —
Дўхтир кўзойнагин тақиб хўрсинди.
Ишламоқлик ушбу муассасада,
Назаримда, унга оғир кўринди.

— Қани, сўйлаб беринг, навқирон дўстим,
Бошингизга тушди қандай савдолар?
Бизнинг «сарик уй»га, ўх, номи кўрсин,
Сизни бошлаб келди қандай ғавғолар?

Саломга яраша алик, ҳар қалай,
Яхши гапга чиқар инидан илон.
Мен нечун борини очиқ сўйламай,
Саволлар самимий бўлгани замон.

V

— Мен яхши кўраман!
Агар шу иқроп
Борлиқ ҳисларимни этолса баён,
Такрорлаб-такрорлаб милён-милён бор,
«Савдо»ларим очиб ташлардим осон.

Лекин сўз тан эрса, севги руҳ эрур,
Сўз агар моддийдир, ишқ илоҳийдир...
Эҳ, пахта ичида ўтган сўнг умр;
Чиройли сўйламак қанчалар оғир.

Ғарчанд тўпорилик қонимга сингган,
Қадоқ қўлда равои сузмагай қалам —
Зимзиё хонага термулиб тунда,
Тўлғониб гоҳ шеърлар битганман мен ҳам:

Юр, кетайлик тоғлар сайлига,
Юксакликка ўзни чоғлаб шахт.
Қуйида не қолса — майлига,
Қуйида ким қолса — марҳамат.
Мен биламан: сен шижоатли,
Соф қалбинга сиққуси жаҳон.
Юксакдаги юксак чўққини
Забт этамиз бешак икковлон.
Унда бир ён қорбўрон ўйнаб,
Бир ёнида гуллар терамиз.
Куппа-кундуз ҳисларимизни
Юлдузларга сўйлаб берамиз.
Унда икков! Узга зотларнинг
Йўл-йўриги, фикридан йироқ,
Ҳеч шубҳасиз, бир-биримизни
Тушунамиз юз бора тезроқ...

Шеърлар ўз йўлига, тўлган кўнгилини
Сирдош бир ҳабибга бўшатган мисол.
Лекин сезмоқдайдим, менинг ўзимни
Банди этмоқдайди тушуниксиз ҳол.

Шомда қоғишгандай кундуз ила тун,
Умиду навмитлик қоғишган онлар,
Гумириб кетарди негадир кўксим
Титраб қўяр эди сирли вулқонлар.

Вужудим мисли хум, қудратим нақ жин,
Муҳаббатим хумни сийпалаган қафт —
Бир кун чок-чокидан сўкидан кўксим,
Озодликка чиқди бемисл қудрат.

Булутларга боқдим, чақмоқлар чақди,
Буюмлар жонланди боққаним чоғлар.
Тоғлар гулханлардан сирғалар тақди,
Ҳазонлар дудига кўмилди боғлар.

...Тупука булғади кимлар кўксини,
Кимлар Сукротона ўйга толдилар.
Охир бир кун маҳкам боғлаб кўзимни
Мени ўз кулбамдан ҳайдаб солдилар...

VI

Сув ичаётганга тегинмас илон,
Лаблар қовушганда узмагайлар ўқ.
Инсон тазарруга тиз буккан замон
Учинчи бўлмоқдан ортиқ гуноҳ йўқ.

Тазарру ҳамиша ёлғизликка хуш,
Инсоннинг илоҳга эйтирофидир.
Менинг мисолимда бул эзгу юмуш
Инсоннинг инсонга эйтимодидир.

Туйқусдан
Шарақлаб очилар эшик,
Кирар оқ халатли хўппа семиз зот.
На салом бор ва на саломга алик,
Дағдағага ўтди ютиниб бот-бот:

— Бекор ёзилганми инструкция?
Нега унга амал қилмаяпсиз, хўш?
Санитарлар қани? Безобразия!
Нимага психнинг оёқ-қўли бўш?

Уртоқ дўхтир, сизга қайтарай яна,
Бу ернинг мудури сиз эмас, менман.
Мабодо бирон-бир ЧП юз берса,
Балогардон бўлмоқ бир ўзимга тан.

Сиз тилхат ёздингиз: «соппа-соғ мутлоқ»,
Қўйдик ижрокўмни сўккан Сабони.
Қайтиб опкелишди ҳафта ўтмаёқ
Москавга ёзибди... обком бовони!

Ёки мелисалар «ҳазиллашган» қиз,
Алмойи-алжойи эди ҳар сўзи.
Уволи сизда, сиз озод қилдингиз,
Ёқиб юборди-ку ўзини ўзи.

Ёки Маҳаматни олинг, соғ киши
Самолётга кетмон иргитиб юрмас.
Бола заҳарланса, бу — ЭЭСнинг иши,
Сизнинг соҳангизга химикат кирмас.

Бари бир сиз озод қилдингиз уни,
Ортидан қўл силтаб бўзлаб қолдингиз.
У химскладни ёқиб қамалган кунни
Ўзингизга қандай сабоқ олдингиз?

Сурнайчи балога қолди оқибат,
Сиз донг таратдингиз: «Меҳрибон, олим...»
Мен эса райкомда терлаб бир соат,
Энг охириги «жиддий ҳайфсан» олдим.

Қай бирини айтай, мисолларим кўп,
Бундан кейин мени этманг норизо.
Айтганимга амал қилсангиз, хўп-хўп,
Амал қилмасангиз — ёзинг ариза.

Сиз ахир эркинсиз бедана каби,
Қайга борсангиз ҳам бирдай «питпилдик».
Сизни инфаркт қилмас «замнинг» ҳасади,
«Дўстлар»ингиз қилдан қидирмас қийиқ.

Бир йилгина қолди, кейин пенсия,
Ў, ўша кунларга етиб олсам бас!
Тушунган чиқарсиз, дўхтир, бир йилча
Биронта психни қўйвориб бўлмас.

Оёқ остида-ку ЧП ҳар маҳал.
Минггидан бирови кўрсатса қилиқ,
Ишим «персональный» кўрилиб, бу гал
Партбилетим олиб қўйишар аниқ.

Бир кунга ўлмайти эшак дегани,
Бир йилга чидайти жинниларимиз.
Бурнидан чиқади зато егани,
Зато бир сауна қуриб берамиз...

VII

Қалт-қалт титраб кетди дўхтир ногаҳон,
Ранги пахта каби оқарди оппоқ.
Орага суқилмоқ гарчанд кўп ёмон,
Миямда чақнагач ғазабдан чақмоқ.

Мен боқдим мудирга қаттиқдан-қаттиқ,
Нафратим нигоҳга жам эта олдим.
Иродамдан холи ва ёки боғлиқ
Қандайдир Қудратнинг измида қолдим.

У аввал жойидан кўтарилди-да,
Муаллақ қотди пол билан шифт аро.
Сўнгра тўнтарилди, боши қуйида,
Оёғи тепада — осилган гўё.

Кўзининг пахтаси чиқар. Бақирмоқ
Бўлиб у оғзини балиқдай очар.
Ёрдам сўрашга йўл қўймайман бироқ,
«Бахтиёр очун...»ни қуйлаб юборар.

Ўзимни одил ҳис этмоқ туйғуси
Эс-ҳушимни буткул қамраб олади.
Лаззатли, хузурубашх қасос қутқуси
Қудратимга баттар қутку солади.

Қаттиқроқ тикилдим.. Мудир чираниб
Куйларкан: «Эй сен, энг бахтиёр очун...»
Устидаги қордай халат сарғайиб,
Сизиб чиқа берди ачимсиқ тутун.

«Хонанда» қуйига қулар чинқириб —
«Пов» этиб ўт олар халат ногаҳон.
Дўхтир шайтонлаган соқчини қўйиб
Мудирга кўмакка отилар шу он.

Олов ўчирилди.
Мудир ҳансираб,
Тикларкан чилпарчин, афтода қаддин,
Бирров қараб кўйгач менга хавфсираб,
Қизил тугмачага босди орқасин.

Сирена янгради. Эшик очилиб,
Соқчилар отилиб кирганда, мудир:
— Мана буни олинг! — деди бўкириб,
— Сиз ҳам аризангиз тайёрланг, дўхтир!

Жунунда чоғим йўқ қудратимга чек,
Телба ғазабимнинг авжига етдим!
Шотирларга боқдим қаттиқ-қаттиқ, лек
Ҳаво етмай қолиб ҳушимдан кетдим...

VIII

Тобутга тикдилар мени тириклай —
Бетон каталакка жойлаб кўйдилар.
Пўлат кишанларга қаноат қилмай,
Кўзларимга боғич бойлаб кўйдилар.

Бетон курси муздай ўтирай десам,
Суянайин десам муздайин девор.
Рутубат уфурган увада кўрпам
Бургаю битлари қайнаган бозор.

Тураман, кундузми-тунми билмайман,
Дея, савдойига чиндан эврилмай,
Гарчанд бахшиликни даво қилмайман,
Кўшиқ айтивердим минғирлаб тинмай:

Табиат, ато эт менга қўш қанот,
Суюкли масканга бир зумда етай.
Ёримнинг пойига тиз чўкайин шод...
Табиат, зиндонни зумга тарк етай.

Дил дарди ғулуга солди вужудим,
Кўлларим кунба-кун бемадор, ожиз.
Табиат, зулматда қолмай шуурим
Кўллагил, мен сенга ёлвордим ёлғиз.

Табиат, табиат, қодир табиат,
Сенинг ниҳолингман, ўз бағринга ол.
Сен менга бир зумга қувват бер фақат,
Бир зумга кўмак бер сен Ҳумо мисол.
Табиат, табиат, қодир табиат...

IX

Балки тўрт ой ўтди, балки ярим йил,
Бир кун назоратчи қўяркан нон-сув
Шивирлади: «Бўлинг энди сал оқил,
Кўтариб юрманг ҳеч бекорчи ғулув.

Сизни чақиряпти шахсан ўзлари...»
У кишанлар билан боғични ечди.
Шифтдаги чироқни кўриб кўзларим
Қуёшни кўргандай қамашиб кетди.

Шунда назоратчи эшикни ёпиб,
Кўлимга бир ғижим зўлдилр узатди.
Ўзи эса дарров энгашиб олиб
Гўёки этигин чангини артди.

Мен шошиб ўқидим: «Азиз ёш дўстим,
Тушкунликка туша кўрмангиз асло.
Синовлардан собит ўта олса ким —
Ушанга саодат ёрди доимо.

О. Матжондан

Полтергейст олмонча «шовқин-сурон», «руҳлар
уйини дегани. Бу ерда фавқулодда мўъжизавий қо-
билияти билан ғайриоддий ҳодисаларни юзага кел-
тирувчи киши маъносиди.

Ҳаракат қиялпмиз. Сиз эрта-индин
«Сариқ уй»дан озод бўласиз бешак.
Умр оллда...
Бардам бўлинг, ёш дўстим,
Ҳафта бўлди сиз суйган қиз — келинчак...»

Ортиқ ўқиб бўлмас, чаплашар ёзув...
Неларнидир тахмин қилгандим, бироқ
Яланғоч ҳақиқат — номаълум оғу,
Таъсири кутгандан кўра кучлироқ.

Кимга ёзғирайин, кимни қарғайин,
Барига сабабчи ўзимман, ўзим...
Бир умр муҳаббат недир билмайин
Ўтмадим-ку, юрак, ўзингга тўзим...

Юпанч — ширин алдов,
Оний сархушлик
Ортидаги тахир аслиёт ғолиб...
Назоратчи туртди, очилди эшик,
Торгина йўлакка чиқдим судралиб.

Аллақандай ҳасрат, қандайдир алам,
Кўксимни ғижимлаб, минг бир тиг санчар.
Букилар чириб соб бўлган иродам
Мисли пўпанакдан қилинган ханжар.

Кўрдим: одам бўйи кўзгу қаршимда,
Унда мен — букчайган, афтода, ғариб.
Шунда, ох, кўзгуга қаттиқ боқдим-да,
Ололдим ўзимни ўзим бошқариб.

Қанисан, эй сўнгги мисқол қудратим,
Қанисан, муздай кул остидаги чўғ.
Бу дунёга келиб бир бора севдим,
Икки бор севмакдан ортиқ гуноҳ йўқ!

Кўзгу... қоқ кўксидан дарз кетди бирдан,
Ўргимчак тўридай излар чизилди.
Юзлаб парчаларга бўлинган гулхан
Кўзларимга қайтиб келиб қўйилди...

Бир даҳшатли оғриқ... даҳшатли оғриқ...
Икки кўзим бирдан оқиб тушди-ёв...
Бу ўзим — ўзимга энг сўнгги тортиқ,
Бу ўзим — ўзимга энг сўнгги олов...

X

Мана энди, кўринг, мен о д д и й одам,
Қаранг, ўзгалардан фарқланолмайман.
Қўш қабарик ойнак тақиб юрсам ҳам
Бир қадам нарини кўра олмайман.

Энди олов ёнмас боққаним чоғлар,
«Хавfli» ҳам эмасман «тинч замонага».
Мухрли қоғоз бор, масъул ўртоқлар
Яқин йўлатмаслар жиннихонага.

Мен оддий одамман
кўплар сингарм,
Аҳли мардумга ҳеч даъвойим йўқдир.
Изимдан эргашиб сур шарпа каби,
Пиқ-пиқ йиғлашини қўйсин-да, дўхтир...

Оддийман...
Майлига, этайин аён,
Гарчанд бу мендаги энг охирги сир:
Ёлғиз эканимни туйганим замон
Шивирлаб қўяман: «Севганман, ахир...»

Кундузи чироқ ёқиб, яхши одамни қидирган
юнон файласуфи Диохен кўзда тутилган.
Маъқулот — аксиома, постулат

ТАРЖИМОНДАН

Йохан Вольфганг Гёте Муҳаммад Алайхиссалом

Буюк олмон адиби Йохан Вольфганг Гёте ёшлигидан Шарқ адабиёти, ислом дини билан қизиккан. У Куръони Карим, Ҳадиси Шариф, шунингдек, Муҳаммад алайхиссалом таржимаи ҳоли, фаолиятини чуқур ўрганган. Гёте 1772—73 йилларда «Муҳаммад» драмаси устида иш бошлайди. «Ғарбу Шарқ девони»ни ёзиш жараёнида (1814—19) Йохан фон Ребиндер ва К. Э. Эльснернинг «Муҳаммад ҳақида монография»сини ўрганиди, инглизчадан (яъни Ж. Сейл таржимасидан) немис тилига Теодор Арнольд ўгирган Куръон нусхасидан ҳам Гёте воқиф эди. Маълумки, Муҳаммад алайхиссалом ҳақида Вольтер драма ёзган, мазкур драмани Гёте немис тилига ағдарган. «Ғарбу Шарқ девони»даги биринчи шеър «Хижрат»дир. Пайғамбар алайхиссаломнинг 622 йил Маккадан Мадинага кўчганлари хижрат аталади. Гёте ҳам пайғамбарга тақлид қилиб, хижратга бел боғлайди. У Ғарбдан Шарққа кўчади. Гарчи бундай хижрат унга насиб этмаган бўлса-да, Гёте руҳан Машриққа борган. Гётенинг хижрат этганига сабаб, Шарқда «Эътиқодда чексиз маъно»нинг борлиги, «қиска суҳанда фикри доно»нинг жойлангани, «суҳан Шарқда гавҳардан ҳам қиммат» ҳисобланишидир. Гёте чўпон билан ҳамроҳ бўлиб, чўлу саҳрода кезади, карвон билан бирга сафар қилади, Ҳофиз Шерозий байтларини қуйлаб, қароқчиларни кўрकिлади, қахва, шоҳи, мушқу анбарни бошқа шаҳарларга элтади. «Ғарбу Шарқ девони»га шарҳларда биз шарқшунос, исломшунос, файласуф Гёте ижоди билан муфассал танишамиз. Гёте «Ғарбу Шарқ девони»га шарҳлар»ида шундай дейди: «Хижрат» сарлавҳали дастлабки шеър етарли даражада умум маъно ва мақсад ҳақида маълумот беради. У қуйидаги мисралар билан бошланган:

Тахтлар кулаб, не таажжуб,
Хароб Шимол, Мағриб, Жануб.
Шарққа хижрат эрур вожиб,
Покиза ишқ, маю мутриб
Ҳамад Хизр суви бордир,
Бокий умр сенга ёрдир...

Шоир ўзига сайёҳ каби нигоҳ ташлайди. Мана, у аллақачон машриқзаминга қадам қўйган. Уни муомала, урф-одатлар, буюмлар, диний мулоҳаза ва эътиқодлар ўзига маҳлиё қилган, у ўзининг мусулмон эканига шубҳаланмайди.

Гётенинг «Ғарбу Шарқ девони»га шарҳлар»ида Муҳаммад алайхиссалом ҳақида ёзган мақоласи ҳам бор. «Шарҳлар»ида араб, форс, туркий халқлар адабиёти, Шарқ адиблари ижодига тавсиф, яҳудо, насроний, ислом, оташпарастлик динлари ҳақида маълумотлар мавжуд.

Қуйида Гётенинг «Ғарбу Шарқ девони»га шарҳлар»идан жой олган «Муҳаммад алайхиссалом ҳақидаги мақола»нинг ўзбек тилидаги илк таржимаси муштарийлар ҳукмига ҳавола қилинмоқда.

Бизнинг қарашлар албатта ё шеърятга асосланган ёхуд шунга (яъни шеърятга — С. С.) қайтиб келади, демак, ўз максалларимизга ғоят мувофиқ ҳолда, мабодо, бу фавқулодда ажойиб инсон (яъни Мухаммад алайҳиссалом — С. С.) тўғрисида гапирмоқчи бўлсак биз даставвал у қатъийлик билан исбот этган ва инонтирган хусусият ҳақида сўзлаймиз: у — шоир эмас, балки пайғамбар ва Қуръон одам томонидан ёзилган панду насихат ёхуд эрмак учун мутолаа этилувчи китоб бўлмай, у илоҳий қонунлар мажмуасидир. Шоир билан пайғамбар орасидаги тафовутни аниқ кўрсатмоқ учун шуни билдирмоқ жоиз: уларнинг ҳар иккаласига ҳам ҳаяжон ва илҳом Худо томонидан берилди, аммо шоирга бахш этилган иктидор фақат айшу ишратга сарфланиб, одамларга ҳузур ҳаловат бағишламоққа йўналтирилади, шоир ўз асарлари билан шон-шухратга ва ҳамма вақт ўз ҳузур-ҳаловатини кўзлаб яшамокка эришади. Бошқа максалар унинг назаридан четда қолади, у хилма-хил ижод этмоққа тиришади, бу билан ўзининг ақлу донишини ва услубининг чегарасиз эканини кўз-кўз этади. Пайғамбар эса фақат бир нуктага тикилади — бу унинг учун аниқ максални ифодалади; унга етмоқ учун у энг оддий воситалардан фойдаланади. У маълум бир таълимотни эълон этади ва худди бир туғ (байроқ) остида халқ бошини қовуштирган мисол шу таълимот атрофида одамларни йиғмоқни ният қилади. Бунинг учун эса одамнинг қонил ишончига сазовор бўлмоқ зарур; шу сабаб доим бир маромли (монотон) ифода тарзини сақлаш даркор, чунки хилма-хилликка интилиш — бу нймону эътикод эмас, балки билиш мавзусидир.

Бутун Қуръоннинг мазмуни қисқа суҳанда чуқур, улкан мазмунни ифодалашдан иборат бўлиб, бу иккинчи суранинг куйидаги оятларида ўз тажассумини топган: «Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман. Алиф, лом, мим. (Ҳақ эканига) ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган ушбу китоб ғойибга ишонадиган, намозни тўқисадо этадиган ва биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфок-эҳсон қиладиган такволи кишилар учун раҳбар-йўлбошловчидир. Улар сизга нозил қилинган ва сиздан илгари туширилган нарсаларга (динларга) иймон келтирадилар ва охираат қўнига аниқ ишонадилар. Парвардигорлари тарафидан ҳидоят топганлар ана ўшалардир ва нажот топгувчилар ҳам уларнинг ўзидир. Қуфр йўлини тутган кимсалар эса хоҳ (Оллоҳ азобидан) кўрқитинг, хоҳ кўрқитманг, уларга бари бирдир — иймон келтирмайдилар. Оллоҳ уларнинг дилларини муҳрлаб қўйган. Қўлоқ ва кўзларини парда қоплаб олган. Улар учун буюк азоб бордир («Бақара» сураси, 1-7-оятлар. Алоуддин Мансур таржимаси. Шарқ юдузи, 3-сон, 1990 йил, 169-бет).

Ва шу ҳақда ҳар бир сурада қайта-қайта тақорланади. Эътикод ва эътикодсизлик пастиғу баландлик каби тақсимланган; само (жаннат) тавба этганларга ва дўзах эса инкор этувчи мункирлар учун тайёрлангандир. Диний буйруқ ва таъқиқларнинг муфассал таърифи, афсонавий яҳудо ва насроний динлари, турли-туман масалалар, тавтология (бир фикрни бошқа сўзлар билан қайта-қайта тақорлаш — С. С.) ва ҳадсиз-ҳисобсиз қайтариқлар — мана шу муқаддас китобнинг мазмунини ташкил қилади, дарҳақиқат, биз қачонки қайта-қайта унга мурожаат этсак, даставвал у бизни ўзидан узоклаштиради, сўнг ўзига жалб этиб сеҳрлайди, кейин хайрат уйғотади ва ниҳоят унга нисбатан эхтиром билан қарашга мажбур қилади.

Унинг муаррих учун буюк аҳамияти нимадан

иборат? Бу ҳақида улкан олим (яъни Якоб Жолуис — 1596—1667 йиллар орасида яшаб ўтган. Гёте ўз фикрини К. Т. Арнольд китобидан олган — С. С.) куйидаги фикрларни билдирган: «Қуръоннинг энг муҳим максалда ўша даврда Арабистон худудида яшаётган уч дин тарафдорлари бошини бир ерга қовуштиришда кўрилади, чунки улар навбатма-навбат ҳукмдорлик қилиб, келажак ҳақда чуқур ўйламай, диний раҳнамосиз ва йўлбошловчисиз адашиб яшаб келдилар, бунинг устига уларнинг кўпчилигини бутпарастлар ташкил қилар, қолганлари эса дин ақидаларига хилоф бўлган энг бидъатчи яҳудо ва насроний мазҳабдагилардан иборат эди. — ўшаларнинг ҳаммасини якка-ягона, абадий, кўзга кўринмас, лекин улкан қудрати билан барча одамни яратган, йўқдан бор қилувчи, буюк султон, қозилҳожат ва барча ҳукмдорлар ҳукмдори Худони таниш ва ҳурматлаш учун бирлаштиришдадир. Ҳаммага маълум қонун ва урф-одатлар услубини сақламоққа, шунингдек, бир қисм қадимий, бир бўлага янги жорий этилган, онгларга муҳрланиб қотиб қолган муваққат ва абадий муқофоту жазо хусусида тасаввур уйғотади ва у ҳаммани Оллоҳ юборган пайғамбар Мухаммад сўзларини тинглашга қаратади, бехисоб панду насихатлар, орзулардан сўнг мозийнинг хавфу хатарини аён айтаб (яъни диндан қайтганларга берилган жазолар айтилиб — С. С.) охируламр, ер юзига ҳақиқий динни, ҳатто қурол кучи билан бўлса-да, ёймоқ, шунингдек, олий диндорлар, епископ, папалар томонидан тан олинб, диний аҳкомларни ўтқазиб ҳамда ҳукмдорларнинг қундалиқ ишларида қўллашига эришмоқни тасдиқлашдан иборатдир».

Агар бундай нуктаи назарга қатъий риоя этадиган бўлсак, исломгача бўлган даврни жоҳилият даври, деб атаган мусулмонни таъна этмоқ нодурустдир, чунки улар ислом билан бирга нур ва маърифат қириб келганига шак-шубҳасиз ишонадилар. Қуръоннинг услуби, унинг мазмун ва максалига мувофиқ ҳаддан ташқари қаттиқ, даҳшатли, улғувдордир, баъзи жойларда чинакам олий, — аччикни аччик кесади қабилида, — шунинг учун бу китобнинг таъсир кўрсатиш кучидан хайратланасан, киши. Шу сабабли бу муқаддас мусахфага эътикод қўйганлар Қуръонни одам ёзмаган, балки, у абадий, худди Оллоҳ каби олдиндан бўлган, деб ҳисоблайдилар. Лекин бунга қарамасдан шундай маҳмадоналар топилардики, улар авваллар (яъни Қуръонгача — С. С.) ҳам гўзал шеърят ва ёзув бор эди, деб даъво этиб, агар мабодо Худо одамларга ўз ирода ва қонунини очмаганда эди, арабларнинг ўзи бирданига эмас, балки аста-секинлик билан маданиятнинг буюк юқори поясига чиқардилар ва эҳтимом, ундан-да баландроққа кўтарилиб, янада теранроқ маънотушунчаларга ўзларининг тоза тили билан етардилар, деган ақидани олға сурган. Баъзилари эса жасоратлироқ бўлиб, Мухаммад бизларнинг тилимизни (яъни араб тилини — С. С.) ҳалок этди ва биз бундай зарба оқибатига бардош беролмаймиз, деб таъкидладилар. Барчасидан шижоатлироқ ва оқилроқ бир шоир журъат билан: «Мухаммад биладиган барча гапларни мен ҳам айта оламан, бунинг устига ундан кўра яхшироқ баён эта оламан», — деган; бу шоир ҳатто атрофига ўзига ўхшаган радди маърака бўлганларни жамлади. Шу сабаб унинг устидан қулиб, унга Мутанаббий лақабини берганлар, бу лақаб билан у биз томонларда ҳам машҳур (араб шоири Аҳмад ибн ал Ҳусайн Абу-л-таййиб ал Мутанаббий 915—965 йилларда яшаб ўтган — С. С.), лақабининг мазмуни эса «сохта пайғамбар», лемақдир.

Мусулмон мунаққидлари ҳам Куръондан шубҳали жойлар топган бўлсалар-да, бу парчалар аввал мисол тарикасида келтирилган, кейин эса умуман йўқотилган; бу ерда бир-бирига қарама-қарши, бир-бирини рад этувчи фикрлар бўлиб, турли-туман нуқсонлар бор, лекин бундай камчиликлардан бирорта ёзма ёдгорлик асари холи эмас, бироқ бу китоб ўз таъсирини абадий сақлай олувчи, миллатнинг амалий эҳтиёжига мувофик тузилган ҳисобланади, унинг шуҳрати қадимий ривоятлар ва қарор топган урф-одатларга мустақкам асосланганидир.

Хар қандай шеърятга адоват билан қараган Мухаммад ниҳоятда изчиллик билан ҳар қанақа эртақларни манъ қилади. Чунки бу (яъни эртақлар — С. С.) ҳақиқат билан уйдирманинг орасида эркин ҳаракат этувчи енгилтак тасаввурнинг ўйинлари бўлиб, ақлга сизмайдиған ҳодисани ҳудди шубҳадан йироқ ҳақиқат, деб ифода-лайди, бундай ҳол эса нозик табиатли, ҳузур-ҳаловатга ўч шарқона ҳиссиёт учун ўта мосдир. Енгил-елпи, ҳавойи, бўш заминда турган бундай асарлар сосонийлар даврида беҳад кўпайди, бунга мисол омонат ипга тузилган мунчоқдай ҳисобланган «Минг бир кеча» эртаги бўла олади. Улар

нинг ўзига хос хусусияти бирор ахлокий мақсадли кўзламаганидир, шу сабаб бу эртақлар одамни ўз қалби туб-тубига назар ташлашга эмас, балки баъзи бир кенгликларнинг эркин ва озод ҳудудига олиб чиқади. Мухаммад эса бунинг туб аксига интилган. Қаранг, у Аҳди қўчанинг барча ривоятларини патриархлар (православ черковидаги олий руҳоний мансаби — С. С.) ҳаётига оид воқеаларни афсонага айлантирди, гарчи бунинг кейингиси сўзсиз Худога ишонишга ва унга мутлоқ бўйсунушга асослангандир, демак, исломда Мухаммад муфассал ва ғоят оқилона тарзда Худога ишонишни жуда ҳам яхши, ниҳоятда гўзал, тақрор-тақрор тарзда ифода-лаб берди, бу ишонч ва бўйсунушдир; бунда у маълум ва машҳур эртақчилик оҳангини ўз мақсадига хизмат эттириш учун истифода қилишдан ҳам қайтмаган. Лекин унга эргашиб Нух, Иброҳим, Юсуф алайҳиссаломлар тарихини қузатганда, муҳокама этганда, беихтиёр унга мафтун бўласан, қойил қоласан.

Олмон тилидан Садриддин САЛИМОВ таржимаси



МИНГ БИР ХАБАР

Баликларнинг қанча тури мавжудлиги ҳақида гап кетганда, олимлар ҳар хил рақамларни тилга олишади: 15 мингдан — 40 минггача. Адабиётларда кўпроқ 25 минг рақами учрайди. Бундай кескин тафовутга сабаб шуки, баликларнинг баъзи бир турлари турлича ном билан аталган. Бунинг устига баликларнинг татайғина хилини ташқи тузилишларига кўра фарқлаш анча мушкуллик туғдирмоқда. Колаверса, баликларнинг барча турлари тўла-тўқис аниқлаб улгурилган эмас.

Учар баликлар сузгич-қанотларини қоқиб парвоз қилмайди. Бу — суратга тушириб аниқланди: учар балик думи билан сувни уриб, шиддат-ла юкорига сапчийди, сўнгра у куйига пастлаб энабошлайди. Ҳавода у сониясига 18 газ тезликда ҳаракат қилади.

Баликлар турли-туман товушлар чиқарадилар. Уларни йўталиш, хўрхўрлаш, чийиллаш, чинкириш товушларига ажратса бўлади.

Бундан ташқари баликларғижирлаган товуш ҳамда ноғора овозидек қаттиқ товуш чиқаришлари ҳам мумкин. Ҳамма баликлар ҳам сўзлашавермайди, албатта. Баъзи бирлари, масалан, қалқонбалик (камбала) қабилар томонан соқовдир.

Баликларда олтинчи сезги вазифасини ён чизик деб аталган сезиш аъзоси бажаради. Бутун тана бўйлаб жойлашган бу аъзо ўсимтали тўқималардан иборат бўлиб, сувдаги энг кичик тебранишларни ҳам сезади. Баъзи бир баликлар ўн беш газ нарида ҳаракатланаётган жисмини пайкай оладилар.

Денгиз ҳайвонлари ва жониворларнинг 240 тури, ана шу турларнинг бир неча минг хилини ташкил этган вакиллари ўзидан ёруғлик таради. Умуртқалилардан эса фақат баъзи бир

баликлар, жумладан наханг (акула)лар ўзидан нур сочади.

Дўлфинлар — сутэмизувчиларми ёки баликлар? Одатда кичик китни дўлфин дейишса, тропик ва субтропик сувларда яшовчи ҳамда учар баликлар билан озикланувчи дўлфинни — дўлфин-балик деб юритишади.

Кўпинча дўлфинларни денгиз чўчкаларидан ажратишга қийналишади. Чунки улар бир-бирларига жудаям ўхшашир. Зоошунослар уларни тиш тузилишларига ва елка сузгичларидаги суяк ўсимталарининг сонига қараб, турли оилаларга мансублигини аниқлашади.

Дўлфинлар — сут эмизувчилар сирасига киргани учун ҳам одамларга ўхшаб, сув истеъмол қилишади. Дўлфинлар чучук сувни ўзлари озикланадиган баликлар ва елка сузгичларидаги суяк жониворлар эвазидан олади, деб тахмин қилишади.

Сўнгги йиллардаги тадқиқотларга қараганда, дўлфинлар ўз танасининг шаклини ўзгартириши лаёқатига эга ва бу имконият туфайли улар гидродинамик қаршиликни беркин сусайтирадилар.

Шунга қарамай, дўлфинларнинг сувда тез суза олиш сабабларини узил-кесил аниқланди, деб бўлмайди.

Нахангларнинг фанда аниқланган 250 хили орасида энг йириги китсимон наханглар бўлиб, уларнинг узунлиги 15 газгача боради. Флорида соҳилидан тўтилган китсимон нахангнинг узунлиги 11,5 газ, вазни эса 12 тонна эди.

Тўпловчи: НИГОРА,
Мурод ХИДИР

"КАРОМАТ СОҲИБИ Ҳожа Аҳмад"

Давримизнинг қайта қуриш сиёсати яқин ўтмишдаги миллий маданият ва қадриятларимизга беаъғни ҳамда бешафқат муносабатларимизни фожия қилиб, хатоларни тузатиш, келажакда бундай разилона маҳдудликларга йўл қўймаслик сари илк қадамларни ташлашга ундади. Энди шундай бир замон етдики, ўз ўтмиш меросимизни тўғри ўрганмасак, тилимизни асраб-авайлаб, тарихимиздаги оқ-қора рангларни ҳаққоний ёритмасак, мозийни чуқурроқ ўрганиб, миллий онг, мафкура, қадриятларимиз учун астойдил курашмасак, келажак авлодлар олдида юзимиз шувит бўлиб қолади. Айтинг-чи, буюқ алломаларимиздан тортиб ноёб хислатли кишилар, сеҳргарлару афсунгарлардан тортиб руҳлару инс-жинслар ҳақидаги билганларимизни етарли деб бўладими? Булар ҳақида билганларимиз ҳам чала-чулла бўлиш билан бирга бутунлай ҳақиқатдан йироқ. Дарвоқе, улар диний, демак, зарарли, эскилик қолдиғи деб, бутунлай рад этдик. Бунга она табиат инъом этган хузурбахш, хушманзара ерлар — табаррук ховузлар, мукаддас ёрлар, тоғлар, сойлар, ҳатто дов-дарахтлару ҳайвонлар, ўсимликлару гиёҳларга ҳам «диний», «хурофий», «реакцион», «зарарли» каби тамғаларни босиб, чала-саводсизлигимизни намоён қилиб келганимизни кўшсак, қай аҳволга тушиб қолганимизни англаш қийин эмас.

Мозийни англашдаги қутлуг қадамлардан бири ўтмишдаги тасаввуф намоёндаларининг ҳаёт ва фаолиятларини ўрганиш, номларини тиклаш. Шундай табаррук шахслардан бири, нақшбандия тариқатининг етакчи вакилларидан бири Ҳожа Аҳмад Мулаккаб Маҳдуми Аъзамдир.

Қуйида сиз бу улуғ алломанинг башоратлари ҳақидаги ҳикоятлар билан танишасиз. Уни филология фанлари доктори, профессор Малик Муродов билан ёш иқтидорли шарқшунос олим Илёсхон Ғозиев нашрга тайёрлаганлар.

Буюқ Ҳожа Аҳмор: «Бул туфроқдин бир мардининг бўйи келмокдаким, анинг номи Ҳожа Аҳмад бўлиб, соҳиби каромат турур ва нору бори бисёр азиму бузург бўлгуси», деб ёзган эди. Мавлоно Ҳожа Аҳмад мелодий 1461 йилда Қосон туманида туғилган. (Қосон дейилганда Наманганнинг Қосоними ёхуд Қашқадарёдаги Қосонми — ҳозирча бу масала очик қолади). Ешил айёмидан дехқончилик билан машғул бўлади. Қичик ёшидан Қуръонни мукамал ўзлаштиради. Илоҳиёт илмида Мир Сайид Аҳмад унинг саводини оширади. Ҳожа Аҳмадининг ўткир зехнига қойил қолган мураббийси: «Зуд бошки аз баракоти вужуди ту олам мунаввар шавад» деган эмиш. (Яъни: «Тез бўлким, сенинг борлиг баракотингдин олам мунаввар бўлгуси»). У мавлоно Мухаммад Қозидан замонавий илмларни ўрганади, хусусан, фикх илмида тенгсиз олим бўлиб етишади. Илми ботин ва зоҳирда ҳам олий даражага эришади. Ўзининг айтишича, унга хар сиру асрор аён бўлиб, қулоғига қандайдир товушлар, нидолар эшитилар экан.

Ҳикоятларга қараганда, мавлоно Маҳдуми Аъзам баъзи бир ўтмишдаги йирик шайхлар сингари ўз ноёб қобилиятлари билан табиатга таъсир этиб ёмғир ёғдиришга, уни тўхтатишга, жўшқин дарёнинг шаштини қайтаришга, жониворларнинг афсун билан ўзига ром этишга ва бошқа хислатларга қодир бўлган. Бу ҳақда «Жомеъ алмаъмомот» асарида нақл этилган.

Баъзи ҳикоятлардан маълум бўлишича, Маҳдуми Аъзам ободончилик, тарихий ёдгорликлар — масжиду хонақоҳ, карвонсаройлар, ҳаммомлар қурилишини, улар таъмирини савоб деб тушунган ҳамда ўзига хонлар томонидан келган назру ниёзни шу йўлга сарф қилган. Ҳикоятларда келтирилишича, Бухородаги XVI асрга тааллуқли деярли ҳамма масжиду хонақоҳлар унинг маблағлари ҳисобига қурилган.

Мавлоно Маҳдуми Аъзам фақат, замонавий қилиб айтганда, ўз экстрасенслик қобилияти ва муҳлисларига тўғри йўл-йўриқ кўрсатиши билан мусулмонлар орасида машҳур бўлибгина қолмай, Мавароуннаҳрда адабиётга, тарихга, илоҳиёт илмига катта ҳисса қўшиб, қирқдан зиёд рисолаи яратиб кетдики, улар ҳалқимизнинг бойлиғи ва XVI аср обидалари ҳисобланади.

Маҳдуми Аъзам 21 муҳаррам шанба кунини 1542 йили вафот этади. Унинг оромгоҳи Самарқанд вилоятининг Даҳбед деган жойидадир. Шунинг таъкидлаш жоизки, Маҳдуми Аъзам хусусидаги ҳикоятлар ҳақиқатга яқин бўлиб, ёғеки бизнинг давримиздагина бўлаётган ажойиботлар: киши тақдирини изоҳлаб бериш, узоқ масофадан таъсир этиш, биокуввати билан беморларни муолажа қилиш ва ҳоказоларнинг ҳар қачон бўлиб келганлигини исботлайди.

I. МАВЛОНО МАҲДУМИ АЪЗАМНИНГ ТАБИАТ ИНЖИҚЛИКЛАРИНИ ЕНГИШДА ФУҚАРОУ ЧОРАСИЗЛАРГА ЁРДАМ ҚЎЛИНИ ЧЎЗИШИ ЗИКРИНДА

ХИКОЯТ

Дарвеш нақл қилдиким:

— Ҳазрати Эшон¹ Бухоронинг Фароҳ туманидан Самарқанд сори юрган эрдилар, чун Санги Сабзга етдилар бир гуруҳ суворийлар (отликлар) қаршиларида келиб, Ҳазратни тавоф қилдилар. Эшон сўрдиларким «Нечук кишидурсизлар?» Ул жамоа айтиди: «Биз мироблардурмизким, Ҳазрати хон бизни сув пайдо қилиш учун юбордилар, лекин то Самарқандгача бориб сувдин дарак топмадик, ҳамма жой куруқ, намлик

¹ Ҳазрати Эшон — Маҳдуми Аъзам.

дан асар йўқ, эми изтиробдадурмизким, Ҳазрати хонга не жавоб биздан бўлмай. Ҳазрат табасум қилибон айдиларким, «Ҳақиқий мироблар биз турумиз ва иншооллох, сизларга сув юборгаймиз», деб равон бўлдилар ва Ҳазратнинг Самарқандга етиб келгунларича ҳар кеча ёмғир ёғиб, кундузи қуёш чиқар эрди. Ҳазратнинг баракотларидин чунон сув келдиким, ҳамма зироатлар (экинлар) сероб бўлуб, ўшал йил ҳосил фаровон бўлди.

ХИКОЯТ

Дарвеш нақл қилдиким:

— Бир маротаба Қўҳак дарёси чунон қурудиким, унда сувдин ҳеч асар қолмади. Офаринкент туманининг жамоаси Ҳазратга ба аҳволдин халос қилишлари учун зорию тазарру қилдиларки, қаромат кўрсатсалар. Ҳазрат айдиларки, «Сизлар Худонинг бандасидурсизлар ва шу жумладан мен ҳам, шундай экан, келинг, мен дуо қилай, сизлар қўл очиб омин қилингизлар». Қўл очиб дуо айдиларки, «Худовандо, бандаларинг гуноҳкор ёрурлар ва шунга қарамасдан сен улар гуноҳин авф этгучисан». Икки кундан кегин дарёдан чунон катта сув келдики, баъзи жойларни сув олиш эҳтимол пайдо бўлди ва ҳамманинг эътиқоди Ҳазратга дучанд бўлди.

ХИКОЯТ

Дарвеш нақл қилдиким:

— Бир маротаба Ҳазрати Эшон Самарқанд вилоятидин Тошқанд жонибига борур эрдилар, кун бенихоят кизир эрди. Жиззахда пешин намозидин кегин мешларини сувга тўлғозиб, яна равон бўлди. Яғоч работига етганимизда, сувларимиз тамом бўлди. Бу борасинда Ҳазратга арз қилдик, шу аснода бир жамоат келиб айдиларки, «Қўйларимиз ташналиқдин ҳалок бўлиш арафасиндадурлар ва алар орасинда ҳалок бўлганлари ҳам бор». Ҳазрат аларга илтифот қилиб қўл томон қўйчилар бирлан бордилар ва аҳволни кўруб осмонга қараб бир нима деб эрдиларки, филҳол бир катта абр (булук) пораси пайдо бўлуб ёмғурга айландию қўлмақлар пайдо бўлди. Ҳама шоду хушҳол бўлдилар.

ХИКОЯТ

Дарвеш нақл қилдиким:

— Деҳқонлар ўз хирмонларини совуруш учун шамолга интизор эрдилар, вале ҳеч шамолдин дарак бўлмади. Билохир Ҳазратга бориб илтижо қилдилар. Ҳазрат буюрдиларки, «Панжшоҳаларни олиб хирмонларингиз қошига борингизлар!» Ҳамма хирмонлари сори бордилар. Бир неча лаҳзадин кегин уч кечаю кундуз тўхтамай шамол бўлдиким, ҳамма ўз хирмонларини совуруб олдилар.

ХИКОЯТ

Дарвеш нақл қилдиким:

— Ҳазрат Пискат қариясига таширф буюрган эрдилар. Ул қариянинг тамоми зироатларини чигиртка босган эрди. Бечора халқ Ҳазратга келиб, дуо қилишни илтижо этдилар. Ҳазрат дуога қўл кўтариб: «Е худовандо, сен қаримсан ва ўз қараминг бирла бандаларинг гуноҳкор бўлса ҳам, иноятингни кам қилма», — деб ҳаммани экинлари томон боришни буюрдилар. Чун ҳалойик зироат бошига бориб кўрдиларким, ул балои азимдин бирон дона ҳам қолмай, экинларга бирор зарар тегмади.

II. МАВЛОНО МАҲДУМИ АЪЗАМНИНГ БЕЧОРАЛАРГА ЁН БОСИБ САЛОТИНУ УМАРО ВА ЗИЁНКОРЛАРУ ОДОБСИЗЛАР ТАНБЕҲИНИ БЕРИШИ ЗИКРИНДА

ХИКОЯТ

Зиёд номли бир дарвеш нақл қилдиким:

— Кучумхоннинг амирларидин бири ўз отини йўқотиб, бир камбағал кишининг қўлида кўрди. Ул чорасизни жамин қариндошлари бирлан банд этиб, ўлум жазосига гирифторм қилмоқчи бўлди. Бу қиссани Ҳазрати Эшонга етказдилар. Ҳазрат тамом ғазаб билра савора бўлуб, ул амирнинг олдига бордилар. Ул эса витор бирла Ҳазрат олдидарида беҳурматона турар эрди. Ҳазрат айдилар: «Хой золим, агар суҳанинг бўлса, шариат йўли бирла айт, нечун бундай беодоблик қиласан?» — деб ўзлари шаҳар томон йўл олдилар. Ногоҳ амирда бир ҳолат пайдо бўлдиким, тезлик билран ўзини отдин ташлаб, Эшон ортларидан тоборахна (ялангоёк) бўлуб югурди ва оёғларига бош қўйиб, тавбаю тазарру қилди ва ул жамоатга етгизгон озори учун уэр сўраб, Ҳазратга жону дил бирла мухлис бўлди.

ХИКОЯТ

Дарвеш нақл қилдиким:

— Бухородан Дахбедга, Ҳазрат мулозимларига келиб эрдим. Мири Ер деган бир амир масчиди Мағокни бузуб, анинг туфроғидин иморат қилмоқ тараддудда эди. Ҳазрат буни эшитиб, андуҳда эдилар. Мен келган эдим ҳам, дарҳол сўрдилар: «Мири Ер масчиди Мағокни бузуб, андин ўзига иморат қурмоқчи эмушму?» Айдимки, «Масчид туфроғини олиш тураддудда эрди». Ҳазрат ғайратда бўлуб айдиларким, «Кўрай-чи, Мири Ер қандай қилиб масчидни бузуб, ани туфроғини олур, ўзи туфроғ остинда бўлгуси!» Ундан сўнгра бу масчиднинг тавсифини баён қилдилар, айдиларким, «Ул масчидда ҳаминша жамини анбиёву авлиёлар рухлари хозирю нозирдурлар ва ҳе маҳал алардин холи эрмас». Сўнгра ушбу мисрани ўқудилар:

Танам ин жо, вале жони ман онжост.

Мазмуни:

Танам бул ерда бўлса ҳам, жоним андадур.

Тез кунда хабар келдиким, Мири Ер Ҳарида ўк зарбасидин ҳалок бўлубдир.

ХИКОЯТ

Ҳазрати шайх Қамолиддин Хожа Маҳмуд нақл қилдиким:

— Бир кунни мени жаноб Суюнчи Муҳаммад Султон Жазога ҳукм қилиш тараддудда эди, дарҳол Ҳазратга мурожаат қилдим. Ҳазрат айдилар: «Эй маҳдумзода, нечун бундоғ фикру андешадасиз? Ул Султон саккиз кундан кейин қўб уқубатлар билан вафот этади». Бу тарихни ўзумда (ёдинда) тутдум, алҳақ Султон уқубатли мазрига (дардга) гирифторм бўлуб, саккиз куң деганда вафот этди.

III. МАВЛОНО МАҲДУМИ АЪЗАМНИНГ ҚОН ТУКИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ЮРТНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА КЎРСАТГАН ФАОЛИЯТЛАРИ ЗИКРИНДА

ХИКОЯТ

Нақл қилди дарвешким:

— Абдулазизшонким Ҳазратнинг мухлисларидин эрди, уч минг лашкар бирла Спистонга

бориб, Кулоҳи Сарехда душманинг ўн икки минг лашкарига дуч келди. Ҳазратдин мадад талаб қилиб жангга кирди ва лашкарининг мўлдори озлиғига қарамай, уни (душманни) тору мор келтирди.

Ҳазрат бу байтни ўқиган эканлар:

Шери мардонанд дар олами мадад,
Қи он замон фиғони мазлумон расад.

Мазмуни: Мадад оламида шундай шерамардлар (марди худо) борки, мазлумлар томонидан фиғон чикса, дарҳол мадад бергайлар.

Хушҳол бўлган хон Ҳазратга эътиқоди ошиб, кўб микдорда Эшонлар олтинлар инъом қилди ва Бухородаги жамии хонақоҳлар ўшал зардин бино бўлгон.

ХИКОЯТ

Накл қилди дарвешким:

— Убайдуллоҳон Абусайдхон вафотидин сўнг дамарканд тахтини эгаллаш ихтиёр этиб, ул томонга йўл олди. Ўз амирларидин икки кишини Ҳазрат олдиларига юбориб, мадад этишларини илтимос қилди. Эшон июнат қилиб айдилар: «Хон кўпрук бошига бориб фурсатни кўлдин бермай, суръатни тезлатиб, Шайхзода дарвозасидин кириб, Сўлтон тахтига ўтирсин». Убайдуллоҳон Ҳазрат амрига хилоф иш тутиб, етти кун кўли Муғонда вақтни ўтказиб, яна Ҳазратга мадад учун киши юборди. Бу гал Подшоҳхожа хон арзини етказди. Ҳазрат ғазаб бирла айдиларки, «Убайдуллоҳон менга не ишлар буюрмоқчи, анга айдимки, Шайхзода дарвозасидин кириб тахтга ўтирсин, ул мани айтганимни инobatга олмади ва эътиқодсизлик қилди ва ҳозир ҳеч нарсга муяссар бўлмагай». Ва бу абетни ўқидилар:

Бурида буди, давлат омада буд,
Чун ту каж бохти касе чи қунад?

Мазмуни: Ютиб эдинг, давлатинг келиб эди, лекин сен ишонмадинг, энди не илож.

Ундан сўнг тахтга Абдулатифхон қарор топди.

IV. МАВЛОНО МАХДУМИ АЪЗАМНИНГ ЎЗ НОЁБ ҚОБИЛИЯТИ БИРЛАН ДАРДЛАРГА ШИФО АТО ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИ ЗАКРИНДА

ХИКОЯТ

Накл қилди дарвешким:

— Подшоҳ Абдулазизхонким, Ҳазратнинг мухлисларидин эрди, оғир мариз (дард)га гирифтор бўлуб, ҳеч кимни танимай қолди ва сўзлари паришон эрди. Хар чораларни кўрдилар, лекин фойда бермади, билохир Ҳазратга илтижо қилдилар. Ҳазрат хон олдига ташриф буюриб, уни ўз қанорларига олиб, кўзига андак боқиб ва бошини ерга қўйиб сўрдилар: «Мени танидингми?»

Хон ўз ҳолига келиб дарҳол: «Сиз менинг пирим ва Махдумимсиз», деди. Ҳазрат айдиларки, «Бул ҳақиқатни хотирангдин чиқармагинки, агар чиқарсанг яна шу балога гирифтор бўлғайсан». Ҳамма хушҳол бўлдилар, хон тамоми тавозеъ ва ниёз бирла Ҳазратнинг хизматларида бўлди.

ХИКОЯТ

Накл қилди дарвешким:

— Бир маротиба мени безгак касали кўб ташвишга солди. Шу аснода асхоблардин бири келиб: «Ҳазрат сени талаб қилурлар», деди. Айдимки, «Ғариблик ҳолатидамен, агар иложим бўлса ўзум ҳам борар эрдим»— деб жавоб қайтардим. Уч маротаба Ҳазратдин одам келдики, борсам, билохир бир азоб бирла бордим. Ҳамма асхоб ва ахбоб жам эдилар, ош сузиб келинди. Ҳазрат менга доирага ўтиришни буюрдилар. Азбаским, изтиробда эрдим, ош ейиш хаёлимга ҳам келмас эрди. Кўрдимки, Ҳазратнинг икки оёғлари бараҳна эрди, дарҳол ўз юзимни оёғларига сурдим. Ҳазрат ўзларини менга ташлаб фарёд қилдилар, филҳол дард мендин йироқлашти ва мен ош ейишга шўруъ қилдим.

ХИКОЯТ

Накл қилди Мир Муҳаммад Мирғиноним: — Ҳазрат Бухородин Аҳси томон борур эрдилар. Хофиз Кароча отлик дарвеш ҳам бор эрдик, куръон ва девонлар ўқир эрди. Иттифоқо, Жиззах чўлига етганда, бир дардга чалиниб (гирифтор бўлуб), руҳи танидин муфориқат қилди (яъни вафот). Асхоблар бу хабарни Ҳазратга етказдилар. Эшон унинг бошига келиб, кифтига урдилар: «Хофиз турғил!» деб хитоб қилдилар. Хофиз филҳол ўрнидан туруб ўлтурди. Хофиздин сўрдиким, «Сен ўлуб эдинг, қандай тирилдинг?» Айдики, «Менинг руҳим биринчи қабат осмонга етган эрди, орқамдин бир кўл келиб, руҳимни пастга қайтарди».

ХИКОЯТ

Накл қилди дарвешким:

— Ҳазрати Эшонда Хожа Ҳасан исмли сарқорлари бор эрди. Ул оғир маризга гирифтор бўлуб жон топширмоқда эрди. Бу хабар Ҳазратга етгондин сўнг Хожа Ҳасан қошига келиб, мирокиб ўлтирдилар ва бир неча муддатдин кейин: «Хой Ҳасан, турғил!» деб фарёд қилдилар, филҳол Ҳасан ўрнидан туриб ўлтирди. Ҳазрат яна айдилар: «Хой Ҳасан, орқага қайт, экиш вақти келди, унинг тарадудини қилғил!» Эрта сахар бирла Хожа Ҳасан Ҳазратнинг бўсағаларини ўпишга борди ва ижозат сўраб, зироат экишга кетди. Бу ҳолдин хабардор бўлгон мункирлар хайрат яқосини тишлар эрдилар.

ДАВОМИ БОР





ХУРШИД ДАВРОН

АМИР ТЕМУР

Ўғлининг ўлими

Бадиъа

Қиш билан баҳор жанги—аямажуз кечаларидан бирида мен сизларга Амир Темур ҳақидаги афсоналарнинг бирини ҳикоя қилиб бериш учун қўлимга қалам олдим.

Бу афсонани тўқиганлар унга қандай ном берганларидан бехабарман, мен уни «Амир Темур ўғлининг ўлими» деб атадим. Менга уни бир дўстим гапириб берган эди; бу қадим афсонани у талабалар шаҳарчасида яшаган афгонлардан бирининг оғзидан эшитган экан.

Афсонани ҳикоя қилиб беришдан аввал, икки нарса ҳақида бироз бўлса-да, тўхталиб ўтмоқчиман. Энг аввало, «Афсона ўзи нима?» деган саволга жавоб изламоқчиман. Одатимни қанда қилмаган тарзда, ўзининг номуқаммаллиги билан машҳур «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га қарайман. Мана, луғатнинг 1 жилд 63-бетидаги «Афсона» сўзига ёзилган изоҳ: «1. Авлоддан авлодга, оғиздан оғизга ўтиб келган фантастик, баъзан диний мазмундаги ҳикоя, ривоят, дoston... 2. Кўчма: асоссиз гап, ёлғон-яшиқ уйдирма... 3. Кўчма: ақл бовар қилмайдиган, ақлга сиғмайдиган мислсиз нарса, иш».

Агар эътибор берган бўлсангиз, бу изоҳларга «уйдирма» сўзи асос қилиб олинган. Аслида, шундаймикан? Бир ўрис шоири: «Афсона — бу ҳақиқатнинг синиқ парчаларидир», деб ёзган эди. Агар, «афсона» сўзига изоҳ беринг, десалар, мен мана шу сўзини такрорлаган бўлардим. Зеро, ҳар қандай хаёлий ёки тўқима афсона ҳам аслида содир бўлгани аниқ маълум бир тарихий воқеа ёки яшаб ўтган тарихий шахс ҳаёти билан узвий боғлиқдир. Бобил минорасининг қурилиши, Нуҳ тўфони ёки Самарқанддаги Шохизинда мазори билан боғлиқ афсона бўлсин, уларнинг ҳар бири асосида тарихий далил — ҳақиқат ётган бўлади. Шунинг учун ҳам жуда кўп қадимий битикларимиз қуйидаги жумла билан бошланган: «Бул ҳикоят агарчи афсона тусида эрса-да, ул ҳақиқатдан ироқ эмасдур».

Инглиз адиби Честертон битганидек, афсона ҳар қандай далилдан ҳам тарихийроқдир. Далил ёлғиз бир одам ҳақида сўз юритса, ёки у одамлар қатнашган воқеа ҳақида маълумот берса, афсона юзлаб ва миллионлаб одамлар тақдири ҳақида, воқеани юзага чиқарган одамлар ҳақида сўзлайди. Далил баъзан замон алмашиши билан ўз моҳиятини, ўз рангини ўзгартириши мумкин, аммо афсона абадий ўзгармас ҳақиқатдир.

Тарих фақат халқ хотираси рамзи бўлмиш асо-тирлар (афсона ва ривоятлар) ёрдамидагина мо-зий моҳиятни, демак, унинг юрагини кашф эта олади. Хотирасиз инсон юраги ҳам қуруқ ҳужжатлар йиғиндисидан фарқ қилмайди. Тарих вақт ҳақида эмас, вақт мобайнида яшаган инсон ҳақи-да ҳикоя қилмоғи зарур. Демак, у вақт ҳужжатла-рига эмас, инсон хотирасига суянгандагина ҳақи-қатни очади. Инсон хотираси афсоналарга ҳамна-фас бўлгандагина барҳаётдир, фақат шундагина тарихий далил тирилади. Афсона билан ҳужжат (далил)нинг ўзаро боғланиши аслида инсон ила вақт боғланишидир. Тарих, деб ёзади Николай Бердяев, том маънодаги афсонадир...

Тўхталмоқчи бўлган иккинчи масала мен сизга сузлаб бермоқни истаган ривоят Амир Темур ҳаётининг қайси тўхтамида кечган воқеалар билан боғлиқлик эҳтимоли бор, деган саволни ойдин-лаштиришга дахлдор. Тарихий битикларнинг гу-воҳлик беришича, Амир Темурнинг тўрт ўғли бўлиб, уларнинг исмлари: Жаҳонгир мирзо (1356—1376), Умаршайх мирзо (1356—1394) Ами-роншоҳ (Мироншоҳ) мирзо (1367—1408), Шох-рух мирзо (1377—1447)дир. Яна шу нарса маълумки, улуг соҳибқирон тириклик пайтида, у олиб борган жангу жадалда унинг ёлғиз бир фарзанди — Умаршайх мирзо 1394 йилнинг қишида Рум уруши пайтида, Диёрбакр йўлидаги тор бир да-рада ўқ тегиб ҳалок бўлгани ҳақида тарихий да-лил бор. Тўнғич ўғли бўлмиш Жаҳонгир мирзо ўз ажали билан 20 ёшида оламдан ўтган. Амир Те-мур вафотидан сўнг уч йил ўтгач, 1408 йилнинг кўкламида, унинг ўртанча ўғли Мироншоҳ мирзо

* Ойнома нусхаси.

Қора Юсуф туркман билан бўлган жангларнинг бирида, Табриз яқинида ўлдирилган.

Хўш, Амир Темур ўғлининг ўлимига доир афсона қайси воқеалар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Агар уни Умаршайх мирзо ўлими билан боғлайдиган бўлсак, бу афсонанинг далили бўладиган воқеаларни иккинчи Рум юриши баёнидан гополмадим. Уйлашмича, бу афсонанинг афгонлар орасида мавжуд бўлиши боис, у Амир Темурнинг Ҳиндистонга қилган юриши давомида юз берган воқеалардан туғилган бўлиши керак. Ниҳоят узоқ изланишдан сўнг «Темур тузуқлари»да бу афсонага бевосита боғлиқ маълумотларни топишга муваффақ бўлдим. Бироқ уларни сўзлаб беришдан аввал мен Ҳиндистон юриши қандай бошланганини мухтасар бўлса-да, ҳикоя қилмоқчиман.

Ҳижрий саккиз юзинчи, мелодий 1398 йилнинг баҳорида Амир Темур янги боғи — Боғи Дилқушода мислсиз тантаналар билан Хизрхўжагоннинг қизи ўн икки яшар Тўкалонимни ўз никоҳига қабул қилди. Тўй ўчоқларидаги кул совиб улгурмай, унинг амри билан Самарқанд ва Кеш ораларида жойлашган Тахти Қорача давони оша ўтадиган йўлни тузатиш ва тоғ этагида яна бир ғаройиб боғ бунёд этиш ишлари бошланди. Соҳибқироннинг ўзи бўлса, Кешга яқин бир ўлангда қурултой қақирди. Мақсади—азалий орзуси: Ҳиндистон юриши маслаҳатини ўртага солиш эди.

Салтанатнинг муҳим тадбирлари, бўлажак ҳарбий юришлар режалари муҳокама этиладиган қурултой Амир Темур давлатининг олий кенгаши эди. Шу билан бирга қурултой мамлакатнинг бош тантаси бўлиб, соҳибқирон қўли остида бирлашган ўлкаларни бошқариш билан банд амирзодалар ва бошқа давлати арконлар учун худди жанг майдони билан баравар, ҳатто ундан юқори турадиган ўзига хос синов майдони ҳам эди. Агар жанг майдонида диловарлик синалса, бу кенгашда фаросат ва тадбиркорлик синовдан ўтарди. Шу сабабдан бўлса керак, жанг майдонида қўрқув нималигини билмаган айрим амирлар ва амирзодалар қурултой қақирилганда саросимага тушиб қолишар, унда қайси бир тадбир ўртада муҳокама бўлишини билиш учун барча воситаларни ишга солардилар. Илло, жаҳонгир жанг майдонида—қилич чопқилашдаги моҳирликни, қурултойда эса ўйлаб айтилган сўзини маъқул кўрар, ким аравага қуруқ олиб қочса, машваратдан қувиб чиқаришдан ҳам тоймасди. Аммо бу галги қурултой қай мақсадда қақирлаётгани ҳеч кимга сир эмасди.

Ҳар галгидек қурултой кўпчилик учун қурилган улкан чодирда ўтди. Амир Темур одатдаги расм-русмлар адо этилган заҳоти гапни чўзиб ўтирмай, Ҳиндистон юриши олдидан ўғиллари ва амирларнинг кўнгли, ўй-фикрларини билиш мақсадида уларни маслаҳатга чорлаганини айтди. Туркий сулолаларнинг азалий тартиби ва муқаррам дастури шундай эдиким, катта оғалари ва улўғ хеш-ақраболари ҳаёт экан, ҳеч ким улардан ўтиб салтанат тахтига қадам қўёлмасди. Мана шу боболар оdatига биноан қурултойда ҳам ёши улўғ шахзодалар биринчи фикр билдириш ҳуқуқига эга эдилар. Шунинг учун ҳам даврада соҳибқироннинг кенжа ўғли Шохрўх мирзо ўтирган бўлса ҳам, биринчи бўлиб сўзлаш гали ундан ёш жиҳатдан улўғ Мухаммад Султон ила Пирмухаммад Жаҳонгир ихтиёрида эди. Пирмухаммад Жаҳонгир бобосига бир қараб олди-да, унинг «Хўш», дегандек сичков тижлиб турганини ҳўриб гап бошлади:

— Ҳазрати соҳибқирон, Ҳиндистонни олмоқ ер юзида ўтган барча подшоҳларнинг орзуси бўлмиш. Агар ани забт этсак, анинг олтинлари ила

етти иқлимни олажакмиз. Мен юришга тайёрдурмен.

Туғишган биродарининг бу гапини эшитиб, амирзода Мухаммад Султон ҳам ўрнидан турди. У инисидан бир ёш улўғ бўлса-да, қотмадан келгани сабабли ундан анча навқирон кўринар, буни билган амирзода кўпроқ овозига зўр бериб, катталарга хос мулоҳаза истагида ҳар бир сўзга алоҳида урғу бериб гапириш лозим, деб ўйларди. Амир Темур оғанини ўртасидаги баҳсни мароқ билан кузатар ва бевақт шахид бўлган ўғлига кўрсатолмаган меҳр-марҳаматини улардан аямасди.

— Олампахоҳ,—дея улўғворлик ила сўз бошлади Мухаммад Султон,—иним Пирмухаммад Жаҳонгир айтгани ростдур. Ҳинд мулки бағоят бой юрт. Аммо сиз берган сабоқ ҳамиша ёдимда. Яъниким ҳар бир ишни жазм этмоқдин аввал анинг амалини ўйлаш жоиздур. Китоблардин маълумдурким, Ҳиндистон йўли кўп машаққатлидур. Энг аввало, бир неча қор босиб ётган тоғлару кечиб ўтиш мушкул дарёлар, андин кейин чеки йўқ ўрмону тўқайзорлар бордур. Иккиламчи, мақсадга етгунча бебош афгонлар билан жанг қилиш ҳам зарур бўлғай. Яна китобларда айтилмишким, Ҳиндистонда одамхўр филлар ҳам жуда кўп бўлармиш...

Амир Темур инисининг мулоҳазаларини эшитган Пирмухаммад Жаҳонгир безовталана бошлаганини сездди. Аммо буни билдирмай, набирасининг мулоҳазаси қандай тақлиф билан тугагини кутди. Қурултой таомили ҳар бир сўзни эътибор билан эшитиш лозимлигини талаб қиларди. Хўш, қани, тўнғич набираси нима демоқчи экан?.. Аммо Мухаммад Султон ҳам инисининг аҳволини сездди шекилли, одатига хилоф равишда шошиб сўзини якунлади:

— Бу мулоҳазаларим ила Ҳиндистон юришига пухта тайёргарлик кўриш лозим демоқчимен. Мен урушга шаймен.— У сўзини тугатиб, инисининг ёнидан жой оларкан, унинг юзидаги мамнуниятни сезиб, кўнгли жойига тушди.

Шундан сўнг соҳибқиронга қизидан туғилган набира бўлмиш амирзода Султон Ҳусайн наваб олди. Амир Темур қизи Оғабегим ва малика Туман оғонинг биродари амир Мухаммад ибн Мусодан бўлмиш бу амирзода бағоят бузуқи ва беоқибат бўлиб вояга етганини яхши билса-да, ҳар гал қизининг сўзини қайтаролмай, бу бадбахт йигитнинг гуноҳидан ўтиб келарди. Уз ўғиллари ва уларнинг фарзандларига бағоят қаттиқ турган соҳибқирон бу ҳовлиқма амирзодани жазосиз қолдириб келаётганини ҳамма билар, аммо сабабидан беҳабар эдилар. Наҳотки, қиздан туғилган набира ўғиллардан суюқлироқ бўлса? Амир Темурнинг бу набирасига лоқайдлиги унинг қизига кўрсатган қарами эмас, балки Султон Ҳусайннинг салтанат тахтига ўтиришга лойиқ бўлмаганлар тоифасига киришидан эди.

— Ҳазрат соҳибқирон,— деди тантанавор оҳангда Султон Ҳусайн.— Агар бир Ҳиндистонни илгимизга кирита олсак, тўрт иқлимга — Туркистону Турон, Эрону Ҳиндага ҳукмрон бўлурмиз. Қолғон уч иқлим: Рум, Шом, Чинни эса олмоқ кийин эмасдур, албат олғаймиш.

Султон Ҳусайн санаб ўтган иқлимларни худди ўзи оладигандек, аллақандай ички кибр билан даврадагиларга кўз ташлаб, ўрнини эгаллади. Бобоси вафотидан сўнг мана шу кибр унинг бошига кўп ғавғолар солишидан у ҳали беҳабар эди.

Амир Темур сўз наватини олган кенжа ўғли Шохрўх мирзога диққат ила тикилди. Бу фарзанди бошқа зурриётларига қараганда, китобга ўч чиқди. Унга китоб бўлса бас, қилич чопқилашни унутади. Аммо китобхонлигиданми, сўзи мулоҳазалари пишиқ, ўзи ҳам кўпни кўрган нурунийдек

босиқ эди. Айтадиганини пухталаб олмаса, оғиз очмасди.

— Падали бузрук, ҳазрати соҳибқирон,— дея гап бошлади Шоҳруҳ мирзо шоммасдан. Унинг ҳатто гапирётган пайтида ҳам нималарнидир ўйлаётганини сезиб, Амир Темурнинг гаши келди.— Мен аждодларимиз бўлмиш туркларнинг тузуқлари битилган китобларда ўқиган эдимки, жаҳонда бешта шон-шавкатли подшоҳ бўларкан. Ривоят қилғайларким, бу подшоҳларнинг улуғлигини алоҳида таъкидлаб, уларнинг номларини атамай, лақабларини олиб айтғонлар. Яъники Хинд подшосини — Рой, Рум подшосини — Кайсар, Чину Мочин подшосини — Фағфур, Туркистон подшосини — Ҳоқон, Эрону Турон подшосини — Шаҳаншоҳ атайдилар. Биз ҳукм юргизган юрт ҳукмдори, яъники Шаҳаншоҳ ҳукуми ҳаммаша Ҳиндистон мамлакатларига жорий этилмиш. Токи Эронзамину Туронзамин бизнинг илгимизда экан, Ҳиндистонни ҳам ўзимизга тобе моғимиз жондур...

Амир Темур кенжа ўғлининг сўзларини тингларкан, бир зум сўнгги пайтларда юрагини туну кун безовта қилган валиаҳд ташвиғига берилди. Тўрт ўғлидан иккиси бевақт кўз юмди. Шоҳруҳ бунақа. Мироншоҳ бўлса, ўйламай иш қиладиганлар томфасидан. Маст бўлиб, отдан йиқилиб калласи лат егандан буён унинг бетайин қилиқлари яна ошди. Суюкли келини Хонзода бегим яқинда эрининг зулмидан дод уриб, унга бош уриб келди. Мироншоҳнинг валиаҳд бўлиши — мамлакатнинг вайрон бўлиши, демакдир. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди. Нобакор ўғилни жазолашни кўнглига тутган соҳибқирон у тадбирни Ҳиндистон юришидан кейинга қолдиришга мажбур эди.

Амир Темур секин Пирмуҳаммад Жаҳонгирга кўз қирини ташлади. Ҳа, бу набираси ҳавас қилгулик баходир бўлди. Кўйиб қўйгандек бобосининг ўзи: қадди-қомати барваста, елкадор, боши ҳам бобосиникидек, хумдек келади. Қоши-чи, қоши? Ариқ четидаги африқдек қалин, кўзлари қилич дамидек товланади. Феъл-атвори ҳам бобосиники, на ёғайдан, на ўлимдан қўрқади. «Ёпирай,— дерди баъзан камдан-кам ҳайратланадиган соҳибқирон. — Мени тириклигимда Олло Таоло яна қайтадан яратдими?!». Набирасининг ёлғиз бир хислати унга маъқул келмасди. Кўпчилик бошини қовуштиришни билмайди. Мардлик — одамлар дилини мафтун этса, оқибатбардорлик, фаросат — юракларни абадий банди этишини ҳали англамайди.

Амир Темур ўғли Шоҳруҳ мирзодан кейин ўз мулоҳазасини айтишга бирон бир кимса шошилмаётганини кўриб, хушёр тортиди. Сукут чўзилганидан тоқатсизланиб:

— Хўш,— деди у баланд овоз билан.

Аммо амирлар жим ўтиравердилар. Соҳибқирон жаҳли чиқса ҳам ичидагини юзига чиқармади. Индамай кутишни маъқул кўрди. Бу бахти чопганлар унинг неча йилдан буён Ҳинд мулкани забт этиш ҳақида орзулаганидан яхши хабардор. Наҳотки, билиб ҳам билмасликка олсалар, жим ўтиришни маъқул кўрсалар? У ўзининг дярли барча юмушларида қатнашган, садоқатларини неча марта жангу жадалда намойиш этган амирларига бир-бир тикилар, амирлар эса унга бош кўтариб қарашга мажол тополмасдилар. Охири у амир Шоҳмаликка қаттиқ тикилиб тураверди. Унинг бу боқишини туйган амир секин бошини кўтаришга мажбур бўлди.

— Тақсиримнинг сўзлари йўқми?— деди соҳибқирон бўғиқ овоз билан.

Амир Шоҳмалик ўрнидан туришга мажбур бўлди. Амир Темур унга:— «Утириб гапиравер», деб ишора қилгач, ўрнини эгаллади. Бироз тарадду-

ланиб, кейин оҳиста арз қилди:

— Аълоҳазрат, сизнинг амрингиз биз учун вожибдур, ундан юз ўгириш тузингизни унутмакдур. Биз бу тадбир ҳаёлини дилларимиздин, бахисли жаҳоир туйнуқларидин ўтган имдек шошилмай ўткардик,— у биз деганда амирлар — Хожа Юсуф, Сарибуго ва Шайх Нуриддинга ишора қилди.— Боринги, Ҳиндистонни олдиқ ҳам дейлик. Бироқ у мулкда турғун бўлиб қолсақ наслимиз йўқолмағайму, авлодларимиз ўз аслидин айри тушмағайму, бегона юртда тилларини унутмағайму?..

— Тақсир?— деб унинг гапини бўлди Амир Темур хотиржам.— Биз ул мулкда узоқ қолишни уйлаганимиз йўқ. Қолаверса, шуни ёдда тутингким, дилда эътиқод бутун бўлса, асло наслимиз йўқолмағай, тилимиз унутилмағай... Эътиқод су-сайса, тил эмас, имон ҳам унутилғай...

— У хотиржам гапирар, аммо қошнинг чимирилганини, кўзидаги ўтнинг янада кучлироқ товлана бошлаганини пайқаган амирлар соҳибқирон ичиде қандай кучли тўфон уйнаётганини сезиб туришарди.

— Кўпчиликда шубҳа бўлса, йўлга чиқмағони маъқул. Шубҳа нафақат ақлни, у дилдаги ўтни-да учиради. Келингиз, Тангри Таолога мурожаат қилайлик. Ҳинд мулкига юриш борасида истихора¹ этайлик.— Амир Темур ўз ёнида турган Қуръонни қўлга олди.— Тангри Таоло нени буюрса, шунга амал қилғаймиз.

Даврадагилар ўша заҳоти унинг таклифини маъқуллаб овоз бердилар. Соҳибқирон Қуръони Каримни олдидаги шира устига қўйди ва чуқур нафас олиб, бироз сукут сақлади-да, кўзини юмиб китобни очди. У аввал очилган саҳифадаги оятни ичиде ўқиди, сўнг баланд овозда такрорлади:— «Эй, Расулulloҳ, кофирларга ва мунофиқларга қарши жаҳд қилгил».

Амир Темур бир четда турган мавлоно Фахриддин қорига тикилди. Мавлоно соҳибқирон истагини ўқди, оҳиста ўрнидан туриб, оят мазмунини изоҳлаб берди. Амирлар мавлононинг изоҳини эшитгач, бошларини эгиб, жимиб қолдилар.

— Хўш,— деди Амир Темур.

Аммо бу гал ҳам амирлар ўз фикрларини айтишга шошилмадилар. Буни кўрган соҳибқирон жаҳлини яширолмади.

— Тақсирларим, нечун жимсиз? Ё Олло Таоло ҳукми сизга хуш келмагандур?..

Мен сизни салтанатим устунлари деб билдим, ҳаммаша иззатингизни унутмади. Сиз эса унутдингиз... Сабаби недир? Сиз билмасангиз, мен яхши билурмен. Турган сув сасийди, юрган одам яшаради. Агар сиз толиққан бўлсангиз, илгингизда мадор қолмоғон бўлса, лашкарни топширингиз. Неча-неча бўз йигитлар бизга ҳам навбат етадиму, деб кутиб турғайлар. Оллоҳ гувоҳ, Ҳиндистонни сиз эмас, шул ўғлонлар албат забт этгай...

Соҳибқироннинг важоҳатини кўриб, айниқса, унинг сўнгги сўзларини эшитган амирлар биринкетин ўринларидан туриб авф тиладилар. Амир Темур уларнинг сўзини хотиржам эшитиб, деди:— Сиз ила не-не жангу жадалларда бўлдим. Сиз менга, мен эса сизга суяндим... Ҳар қанча юрагимни қон қилдингиз, авф этдим. Бугун борингиз, эртагача ўлангиз...

Эртаси давом этган қурултой аҳли бир овозда бўлажак юриш режасини маъқулладилар. Дили равшан тортган Амир Темур қўл очиб, зафару фатҳ фотиҳасини ўқиди.

¹ Истихора — «Қуръонга қараб фол очиб (муал.)

Курултойдан ярим ой ўтар-ўтмас, соҳибқирон бошчилигидаги улкан қўшин Қашқадарё воҳасини тарк этиб, Термизга яқин ерда Жойхундан кечиб, Хуросон ҳудудига ўтди.

У бутун ёз давомида Андароб деган жойда бўлди. Сакиз юзинчи йил зулҳижжа ойининг бошида—1398 йилнинг августида Амир Темур Панжшир дарёси ёқалаб Қобилга қараб йўналди. Шу ерда унга бўлғуси юришда омад тилаган Олтин Урда элчиларини қабул қилди. Элчилар бир неча муддат ўтиб қайтишга рухсат сўрагандан кейин, уларнинг қарвонини қўриқлаш учун бир гуруҳ аскар ажратди. У бу ишни элчиларни ўйлаб эмас, шу қарвон билан дорилмулкка қайтиши лозим топилган Сароймулкхоним билан Шоҳруҳ мирзонинг ўғли, тўрт яшар набираси Муҳаммад Тарағай хавфсизлигини таъминлаш учун қилган эди.

Бундан ўн етти йил муқаддам қўлга киритилган Хуросон мулкнинг бу қисми ҳамиша нотинч бўлиб келган. Ҳиндистон юришини мақсад қилган соҳибқирон шу сабабдан ҳам қўшин ортини мустаҳкамлаш ниятида Қобилни тарк этиб, Сулаймон тоғлари яқинида яшаган афғон қабилалари, ўз мулклари ҳудудини тиклашга уринган катурлар ва исёнкор қора кийимчилар—сиёх-пўшлар номи билан машҳур исёнчиларни тавбасига таянтириш, ўзининг қўнглини тинчлатириш билан машғул бўлди. Қолаверса, бу тадбир Ҳинд султонини чалғитишнинг йўли ҳам эди. Гўё ўзини Ҳиндистонни забт этиш учун эмас, мана шу бебош қабилаларни итоатга келтириш учун келган қилиб кўрсатмоқчи бўлди.

У вақт етиши билан ўттиз минг аскарга бош бўлмиш амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгирга Сулаймон тоғини ошиб, Синд дарёсини тўхтамай кечиб ўтиб Мўлтон вилоятига, амирзода Муҳаммад Султон ила амирзода Рустам бошчилигидаги ўттиз минглик қўшинга эса Синд дарёси ёқалаб Кашмир тоғи этагидаги йўлдан юриб, Лоҳур вилоятига босқин қилишга фармон берди. Ўзи бўлса қўшиннинг асосий қисми — ғул билан Бадахшон томонга йўналди ва тоғ ошиб Ҳиндистон сарҳадларига бостириб кирди. Ҳиндистон юриши ҳақида бошқа бир ҳикоятимизда батафсил тўхталиш ниятимиз борлиги сабабли, биз асосий мақсадимиз — сизга сўзлаб бермоқчи афсонани келтириб чиқарган воқеаларга ўтишни маъқул кўрдик.

Амир Темур, боя айтганимиздек, қўшин ортини мустаҳкамлаш мақсадида афғон қабилалари томонидан вайрон этилган бир қатор қалъаларни қайта тиклатган ва уларда ўз одамларини қолдирган эди. Мана шу қалъаларнинг бири Ироб қалъаси эди. Пирмуҳаммад Жаҳонгир Мўлтонга юриши олдидан ўзига содиқлик сўзини айтган Лашкаршоҳ афғонни мана шу қалъанинг кутволи этиб тайинлаганди. Амир Темур қўшини Ҳиндистонга қараб йўлга чиқишдан фойдаланган қаркас деб аталган афғон қабиласининг бошлиғи Мусо афғон келиб қалъани қўлга киритди ва кутвол Лашкаршоҳ афғонни қатл этди. Улдирилган оғасининг қасосини тилаган Малик Муҳаммад соҳибқирон ҳузурига бош уриб борди. Амир Темур узоқни қўзлаб иш тутди: гўё бечора инининг ўтинчига қулоқ солмаган бўлиб, уни қамаб қўйишни буюрди. Сўнг Мусо афғонга ҳузурига келишни талаб қилиб ёрлиқ юборди. Мусо афғон келган чопардан қон ўчи талаб қилиб борган Малик Муҳаммад қамоққа тушганини эшитиб, хотиржам тортди. Аммо Амир Темур қўшини қалъага қараб келаятигандан воқиф бўлгач; унга пешвоз чиқиб, қалъани пешкаш қилишни маъқул деб топди. Аммо у ўз аскарларидан бирига Амир Темур қалъага кириши билан ўқ узиб, уни ҳа-

лок этишни буюрган эди. Аммо пасткаш ниятига етмади. Узилган ўқ хато кетди. Мусо афғон қилмишига яраша жазоланди: у қатл этилди.

Айнан мана шу воқеа йиллар ўтиб афсонага асос бўлганига шак-шубҳа йўқ. Лашкаршоҳ афғондан аввал қалъада Пирмуҳаммад Жаҳонгир тургани учунми, афсонада Амир Темур ўғлининг ўлими ҳақида ҳикоя қилинади. Набиранинг ўғилга айланиши эса фақат афсоналарда эмас, ҳатто тарихий китобларда учраб турадиган ҳолдир. Қолаверса, Пирмуҳаммад Жаҳонгир Амир Темурнинг кенжа ўғли Шоҳруҳ билан деярли тенгқур эди.

Энди навбат афсонага.

Дунёнинг тўрт тарафига кўз тиккан соҳибқирон Амир Темур қўшини жангари афғон қабилалари билан бўлган оғир жангу жадалдан сўнг ёқасида қўққайиб турган улкан қоя устидаги бир қалъани қўлга киритди. Қалъа жуда кичик, аммо баланд девор билан ўралгани учун ғоятда кучли истехком эди. Шунинг учун ҳам қалъанинг қўлга кириши қийин бўлди. Аниқроғи, қийин бўлиши мумкин эди. Аммо кутилмаганда, қалъа бир хиёнат тўфайли унинг қўлига жуда осон ўтди. Хиёнат қалъа жийбахона¹ бошлиғи томонидан бўлди. У дастлаб мактуб қатиб боғланган ёй ўқини соҳибқирон аскарлари томон учуриб, тун яримдан оғанда мағриб томондаги дарвозани очажagini хабар қилди. Мунший хатни унга ўқиб бераркан, ҳукмдор ҳали афтини кўрмаган жийбахоначидан қаттиқ нафратланди. «Кўрнамак,— деб ўйлади у мунший хирғоҳдан чиқиб кетгач. У узоқ ўйлади. Ҳукмдорлари берган туз ҳақини унутиб, вафодорлик ва садоқатни бир чеккага йиғиштириб, унинг олдига не-не одамлар бош уриб келмаган. Лекин у ҳар сафар бу хоинларни лаънатлаган. Туз ҳақи ва вафодорлиқни унутиб, хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўгириб, унинг қошига келган ҳар бир юзсизни ўзига ва салтанатига энг ёмон душман деб билган.

Зеро, улар ўз соҳибига вафодорлик қилмагач, унга қилармиди?

Аммо соҳибқирон хиёнатдан фойдаланишдан юз ўгирмас, ундан усталик билан фойдаланарди. Ахир, қай бир саркарда ўз жангчиларининг бекордан-бекор қурбон бўлишидан сақлайдиган йўлдан фойдаланишни истамайди. Хиёнат инсон юрагини қурт каби кемирган фасоддан, мамлакатда лоқайдлик тўфайли юзага чиққан парокандаликдан, хуллас, ҳам ботиний, ҳам зоҳирий таназзулдан тугилишини у яхши биларди. Шу сабабдан ҳам ҳар лаҳза ҳар бир сипоҳий, ҳар бир қўшин бошлиғи, ҳар бир амир боши устида унинг қаҳри айланиб туриши зарурлигини унутмас, уларни умид ва кўрқув ўртасида туттишни лозим кўрарди.

Агар жийбахоначи хиёнатга юз тутган экан, ундан фойдаланишнинг савоб, илло уни бу ҳаром йўлдан қайтаришнинг иложи йўқ. Иложи—ўлим.

Қалъа тонгга яқин ғарбий дарвозанинг кутилмаганда очилиши тўфайли унинг қўлига ўтгач, қарорини фармонга айлантириб, қалъа кутволи билан жийбахона бошлиғини ўлимга буюрди.

Бир-икки кун лашкарга дам бериб бўлгач, соҳибқирон қалъада ўғли бошлиқ қўшин қолдириб, бошқа шаҳарлару қалъаларни забт этиш қасдида шитоб ила отланиб, йўлга тушди.

Йўлга тушган қўшиндаги аскарларнинг сон-саногини йўқ эди. Уларнинг отлари минг фарсангдан ортиқ йўл босса-да, ҳали толиқмаган ва шамолдек учқур, қилчлари қонга тўймаган, юракларига кўрқув тушмаган эди. Қўшин шундай шид-

Жийбахона — қурол-аслаҳа сақланадиган махсус оғор.

дат ила борардики, гўё саратон маҳали қамиш-зорга тушган ўтдек беомон эдилар. Бошларидаги симобий дубулғалар кун тиғида ялт-юлт товланаркан, ўша замонда яшаган муаррих таърифлагандек, «қўшин кежим, зирҳ ва жавшанлар кўпли» гидан темир тоғи каби эди, гўё темир тоғи эриб кетиб, дарё бўлиб оқиб борар, бу оқим юз минг коинотни ютиб юборадиган улкан наҳангдек жилвагар эди».

Бу қўшин ўтган йўллар чанги ҳафта ўтмасдан тўхтамас, бу темир оқим тўхтаб ҳордиқ олган ям-яшил ўланларда қайта ўт унмас, ўт униши учун ёмғир асрлар давотида отлар туёғидан эзилган тупроқни юмшатиши, қуёш юз йиллар мобайнида бу тақир майдонларга ўз меҳрини тинмай сочмоғи керак эди. Олис тоғлар қоялари устида пода ўтлатиб юрган афгон чўпонлари биёбон ўртасида тўсатдан пайдо бўлган симобий дарёни кўриб, Олло Таолонинг иродасидан ҳайратланиб, тасаннолар айтишарди.

Мана шу улкан қўшин тўхтаб, Синд дарёси соҳилида ҳордиқ олаётган пайтда, Амир Темурга куни-кеча забт этилган қалъадан чопар келганини айтдилар. «Қирсин!»— деди соҳибқирон дарёдан урилган салқин шабададан оҳиста тебраниб турган хиргоҳ пардаларига тикилганича. Амир Темур югуриб ичкарига кирган чопарни таниди. У шаҳода ўғли хизматида юрган уйғулларнинг бири эди. Уйғулон кира солиб, тиз чўкиб ва бошини эгиб, синиқ овоз билан сўзлади:

— Онҳазрат, шумхабар келтирганим учун бошимни олинг.

Унинг бу сўзини эшитган Амир Темурнинг бир мўйи ҳам қимирламади. У ҳузурига кирган сансиз чопарлардан бу сўзни неча марта эшитган, санаса, санокдан адашмоғи мумкин. Кўпинча бу сўз билан бошланган хабарлар унинг қулоғига етишга ҳам арзимас бир гап бўлиб чиқар, соҳибқирон одамларнинг ваҳимага ўчлигидан ҳайрон қоларди. Бирдан ўйига: «Наҳотки, ўғлимга бир гап бўлган бўлса?»— деган гап келди-да, сергак тортди.

— Сенинг жонинг Оллоҳники, олдин сўйла, агар Оллоҳ олдида жавобгар бўлсанг, бошинг шаксиз кесилгай. Агар менга нисбатан айбли бўлсанг, ҳукмини машойихлар айтурлар...

— Аввал бир қошиқ қонимдан кечинг, онҳазрат,— деди уйғулон сапчадек кичик бошини кўтармай.

Амир Темурнинг ғазаби қайнади. «Нима бало, бу сакбачча менинг иродамини синамоқчимиз?» Бирдан дарёдан эсган шабада юзига урилди-ю, Оллоҳнинг бу неъматидан яна кўнглига хотиржамлик чўкди.

— Кечдим, гапир,— деди ҳорғин товуш ила соҳибқирон.

Чопар ортиқ пайсалласа, айтадиган гапи ўзи билан рихлатга кетишини англади-ю, бошини ёл кўтарди. Шунда ҳам ҳукмдорнинг юзига қарашга журъат қилмай, гап бошлади:

— Улуғ соҳибқирон, Сиз қалъани тарк этгандан сўнг лаънати ёғийлар ногаҳон уни қамал айладилар. Неча кун жанг бўлди. Аммо кучимиз озлик, захирамиз носозлик қилиб мағлуб бўлдик. Ёғийлар қалъага биз билмаган яширин ер ости йўлидин кириб олди. Қалъанинг қўлдан кетмоғи аён бўлгач, бемонанд шаҳода мени Сизнинг ҳузурингизга жўнатди. Неча ўлимдин қолиб, минг ғаваго ила қалъадан чиқишга муваффақ бўлдим.

— Уғлимга нима бўлди, у тирикми?— деб секин сўради Амир Темур. Унинг овозидаги совуқ оҳангдан чопарнинг этлари жимирлаб кетди. Сунгра зўрға овоз чиқарди:

— Билмаймен, соҳибқирон билмаймен,— унинг жағлари титради.— Мен қалъадан чиқиш сай-ҳаракатини қилаётганимда, жанг жийбахона

олдида бораётган, ўғлингиз жангнинг ўртасида эди.

Амир Темурнинг ичига ўт тушгандек бўлди. Секин атрофида турган ичкарилару номбардорларга разм солди. Бирор бир кўз очикдан очик унга тикилиб турганини кўрмади. Аммо ҳамманинг юзиде ташвиш аломати зоҳир эди. У бир дам ўйга ботиб турди-да, секин пичирлади:

— Ҳозирнинг ўзидаёқ қўшин йўлга отлансин. Ёғийлар қони дарё бўлиб оқсун. Уғлим тирикмиди, ўликмиди топилсин.

Назарида фармонини қўшинга етказишга жавобгар товачи суст ҳаракат қилаётгандек туюлди, бир ҳаракат билан ўрнидан ирғиб турди-ю, ғазаб ила бақирди:

— Бўғозмисан, энағар. Агар яна шундай пайсалласанг қорингни ёриб, қонингни оқизганим бўлсин.

Пак-пакана, қориндор товачи хиргоҳдан ўқдай отилиб чиқди. «Худо бир асради, худо бир асради!» деган ўй чопиб бораётган товачининг миясини кемирарди.

Дам ўтмай темир тоғ эриб, улкан оқимга айланди ва кечагина ўтилган, ҳали чаг-тўзони босилмаган йўллардан илондек буралиб оқа бошлади. Энди бу қўшиннинг шиддати яна ҳам жадал, навкарлар дилида қасос ўти ёнар, отлар қамчи зарбидан аламзада йўртиб борар эдилар. Темир оқим бир неча кундан сўнг душман қўлига ўтган қалъани уч томондан ўраб олди. Тўртинчи томонда эса олисдаги қорли тоғлардан ҳали қўлга ўргатилмаган асв тойдек ҳаприқиб, гувиллаб улкан дарё оқиб турарди. Агар ўша тоғлар томонда пода ўтлатиб юрган ўша афгон чўпони ҳозир қалъа томонга кўз ташлай олганида эди, улкан биёбон қарьрида туғилган номаълум симобранг дарё улкан қояга — қалъага урилиб иккига бўлиниб, асрлар давотида оқиб турган ўзларига таниш дарёга қўшилаётганига кўзлари тушарди. Магар улар эртаси ҳам ўша томонга қараганларида эди, кечаги бирдан пайдо бўлган симобий дарё йўқлигини, улкан қоя атрофида эса улкан кўл пайдо бўлиб қолганини кўрган бўлардилар. Бу кўл кечаси олов қомига айланиб, ундан таралган ёғду юксак тоғларнинг қорли чўққиларига урилиб, уларни нимпушти ранга бўярди. Бу қалъадан йироқ-йироқлардаги қишлоқлар ва шаҳарлар нуфуси олислардан келаётган ер зириллашига ваҳима билан қулоқ солишар, аллақандай номаълум, шу сабабдан кўрқинчли ҳалокатлардан дарак берувчи ғаройиб манзарага — юксак тоғ чўққиларининг қори томган қон рангига бўялиб товланишини кўриб даҳшатга тушардилар.

Энг кўрқинчлиси, номаълумлик эди. Мавҳумлик уларни ўзлари асрлар давотида яшаган масканларини, молу мулкларини ташлаб ғарқ пишиб ётган тутлар ҳиди анқиб турган чорбоғлар оралаб ўтган йўллар орқали бу ваҳимадан беҳабар ва алдамчи фароғат оғушича ухлаётган ўлкаларга кетишга, бу мавҳумликдан ёш ккелинчакларнинг кўксиде сути қуриб, ҳали киндик яраси битмаган чақалоқлар йиғиси, оталарни ярим кечалари туриб олисда тобора қизиллашиб товланаётган тоғларга нотанглик ила узоқ боқишга мажбур қиларди. Ер зириллаши тўхтагани билан уларнинг юрагидаги зириллаш баттар авж оларди. Улар ўша тун билан нимпушти ранга товланган тоғлар томондан бирор мужда келармикан дея илонизли йўлларга интиқ боқиб кутишар, аммо номоз пайтидаги кентлар кўчасидек бу қадимий йўлларда бирор кишининг қораси кўринмасди. Мавҳумлик томонга қараб бориб, у ёқдан бирор гап олиб келишга ҳеч ким журъат қилолмасди. Ундан кўра улар кенг дашт-

да душман лашкари билан юзма-юз туриб жанг қилишга рози эдилар. Аммо душман ўша мавҳум томонда эди.

Уша мавҳумлик тарафда, кечалари нимпушти рангда товланган тоғлар томондан оқиб тушган дарё ёқасидаги қалъани Амир Темур қўшини ис-канжага олган эди. Соҳибқирон қалъанинг шарқий дарвозаси рўпарасида сарқўб тиклашни буюрди. У қалъага таслим бўлишни талаб қилиб нишон жўнатмади. У сарқўб тикланишини ва шарқ томондан оқиб келаётган темир оқимни мана шу сарқўб пойида йғилишини ҳам кутиб ўтирмади. Уртада беомон жанг бошланди. Амир Темур ҳам Худонинг бир бандаси каби, олисдаги қишлоқларда яшаган фуқароларга ўхшаб мавҳумликдан қўрқарди. Аммо у мавҳумлик қар-шисида қўл қовуштириб ўтиришни ёқтирмасди. У ҳар қандай жумбоқ ечилгандан кейингина юраги фароғат топажагини яхши билар, бу жум-боқ, бу мавҳумлик — фарзандининг қисмати уни қийнаган сайин, у мана шу мавҳумликни йўқ этувчи қуроли — қўшинларини жангга солди. Кўзларида ҳам қасос олови, ҳам ўғил ташвиши баравар акс этган Амир Темур тунда ҳам аскар-ларига дам бермади. Ҳар ер-ҳар ерда ёқиб қўйилган гулханлар ёруғида қалъанинг тўрт дар-возаси ёнида беомон жанг давом этди. Юган-сувллоқларини чайнаб, оғзи кўпикланган безовта отларнинг қўрқинчи кишнаши, курагига бутган ёй ўқи оғриғида дунёни бузиб бақираётган жанг-чилар, палахмонлар отган тошлар гурсиллаб де-ворларга, дарвозаларга урилишидан таралган бў-ғиқ товушлар, гуруҳ-гуруҳ жангчилар гоҳ олдин-га, гоҳ орқага чопганларида зилзила пайтида-гидек ернинг силкинишлари орасида аллақачон-лар тикланган сарқўб устидаги хиргоҳ ёнида турган соҳибқироннинг: «Босинг! Босинг!» деган ҳайқириғи...

Жанг авжига чиққан ярим тунда тиним бил-май йўл босиб, кела солиб жанг бошлаган ҳукмдор кўзининг бир зумгагина юмилганини билмай қолди. Шу бир зум ичида у туш кўрди.

Осмону фалақдан қуюлган кумуш шуъла оғу-шида бир аёл беланчак тебратарди. Беланчак иплари қаерга осилгани билинмасди. У аёлни таниди — бу Тегина Моҳбегим, онаси эди. Аммо бешикда ўғли ётарди... «Ота, — деди ўғли жил-майиб, — Ота...» Бирдан беланчак узилиб кумуш-ранг ёғду қўйнига чўкиб кетди... Ёғду ичидан ўғлининг товушини эшитди: «Онажон!..» У бир-дан уйғониб кетди-ю, сарқўб пойида ётган яра-дор жангчилардан бирининг бўғзидан чиққан ўлим олди ноласи уни уйғотиб юборганини бил-мади. «Ўғлим!» — деб шивирлади бирдан дили ийиб ўзидан-ўзи. Соҳибқирон кўзидан сизиб чиқ-қан бир томчи ёшда гулхан ёруғи акс этган-дек бўлди. У ўша заҳоти кўзларини энги билан артиб, ҳеч ким сезмадимми, дегандек атрофига назар ташлади. Ҳамманинг хаёли жанг майдон-ида эди. Фақат унинг ҳамма юришларида қат-нашган қари мунажжим осмонга безовта тики-ларди. Қария соҳибқироннинг ўзига тикилганини сезиб, ўгирилди. Амир Темур мунажжимни ёнига чорлаб, безовталиги сабабини сурштирмоқчи бўлди, аммо хаёли бўлинди. Аскарлари сарқўб қаршисидаги дарвозага ўт қўйган эдилар. Қо-рамой сепилган улкан нақшор дарвоза ўтга маҳтал тургандек ловиллаб ёна бошлаганди. Олов пастанд тепага жадал ўрлаб, дарвоза устунларига урилиб уларни қорайтирарди.

Аммо тўсатдан ҳаво бузилиб, кучли шамол кўзғалди, бир-икки томчи томгандек бўлди. Шу-ни ўзи кифоя бўлди-ю, гулханлар ўчди, ёна-ётган дарвоза ҳам омон қолди. Бироқ бу жанг

шиддатини сусайтирмади, муҳосара кучайгандан кучаяр, ҳар икки томон бир-бирини аяшни хаё-лига ҳам келтирмасди.

Жанг авжига чиққан сайин Амир Темурнинг ғазоби кучаяр, атрофида турган номбардорлар соҳиби тахтнинг қаҳрини кўриб, нафасларини ичларига ютган ҳолда сукут сақлашарди. Фа-қат қалъа тарафдан келаётган сурон бу сукут-ни эшитишга йўл қўймади. Темур оқим қалъа деворларига бўрон пайтида қутурган денгиз тўлқинларидек бориб урилар — сада кетидан ҳа-зора, ҳазора кетидан қўшин келарди. Манжа-ниқлару аррадалар қалъа деворларини бузиш учун тинмай ишлар, чўмоқлару ҳарбаларнинг бир-бирига урилгандаги жаранглар тўхтамасди.

Тонг ақинлашиб, атроф ёриша бошлаган ғира-шираликда Амир Темур амри билан ясовулбоши қодирандозларни ишга солди, уларнинг ёйдан беҳато ўқ узиллари туфайли шаҳрбанд устида-гилар тутдек тўкилдилар.

Охири сабри тугаган соҳибқирон хиргоҳ ай-вонидаги ўрнини тарк этиб, бундан ваҳима туш-ган қурчилар ўровида пастга — қалъага яқинроқ боришга, бу билан аскарлари руҳини кўтариш-га қарор қилди. У шиддат билан сарқўбдан ту-шиб бораркан, захира ортилган арвалардан би-рининг ёнида ўчиб қолган, аммо дарё томон-дан эсаётган салқин шамолдан қипқизариб товланган гулхан чўғларига қўлларини тоблаб, исиниб турган бир чолга кўзи тушди. У чолни сезмай ўтиши мумкин эди. Аммо шунча шовқин-сурон орасида чолнинг минғирлаб қуйлаётган кўшиғи ноҳосдан унинг диққатини тортди:

Вой, ўғлима, вой ўғлим,
Йигитларнинг нобуди.
Кўтарилмай қолди-я,
Ўғилгинам тобути.

Маймананинг йигити,
Оёғида бор-бути.
Қўлдан қўлга ўтмади
Ўғилгинам тобути.

Қора ерда ётарсан,
Кимса билмас аслингни,
Дўстларингни хор этдинг,
Ким олади қасдингни.

Вой, ўғлима, вой ўғлим,
Йигитларнинг нобуди.
Қўлдан-қўлга ўтмади
Ўғилгинам тобути...

Амир Темур чолни таниди. У қалъани даст-лабки қўлга олганда, ўз соҳиби, ўз сафдошла-рига хиёнат қилгани туфайли ўлимга буюрил-ган қалъа жийбахонаси бошлиғи бўлмиш йигит-нинг отаси эди.

Ушанда ҳам жанг жуда даҳшатли кечган эса-да, бугунгичалик беомон бўлмаганди. Унда мухोलифлар ўзаро илк марта тўқнашаётганлари учун ҳали бир-бирларидан қўрқишмас, дилларда фақат: «Кимнинг қўли баланд келаркан?» деган ҳадиқ бор эди, холос. Аммо қиличлар бир-бири-га урилган илк дафъадаёқ бу ҳадиқ ўртадан йўқолиб, унинг ўрнини ёғийга нисбатан ғазаб ва нафрат эгаллаган эди. Тонгга яқин бошлан-ган жанг кечгача давом этди ва эртаси куни қуёш энди қизариб чиқа бошлаган маҳалда чол ўғли — жийбахона бошлиғи хиёнати туфайли Турон ҳукмдорининг ғалабаси билан тугади. Аммо ғалаба унга татимади. Юборилган нишо-нидаги талабига бўйсунмиш ўрнига қаршилиқ кўр-сатган қалъа кутволи билан унга қалъа дарво-засини очиб берган жийбахона бошлиғини қатл

эттирди. Енгилган кўшин аскарларини эса қатл майдонига олиб келиб, ўз бошлиқларининг шармандалари ўлимини кўришга мажбур этди. Қатлдан сўнг бу аскарларни озод қилиб қўйиб юборди.

Қатл бошланиши олдида асир аскарлар турган томондан дод-фарёд эшитилди. Амир Темур сукутни бузган бу ёқимсиз бақир-чақирни эшитиб, «Нима гап?» дегандек қурчилар бошлиғига ўқрайди. Ҳукмдорнинг норозилигини пайқаган қурчилар бошлиғи, пакана ва қориндор бўлишига қарамай, пастга ўқдек отилди. Унинг шундай оғир гавдаси ила чакқон ҳаракати ўртасида боғлиқлик тополмаган ҳукмдор шовқин чиққан томонга тикилди. У мағлуб ёғий аскарлари ичидан қурчилар судраб олиб чиққан чолни кўрди. Чол икки кўлини омбирдек қисиб, майдон четига судраган қурчиларга дастлаб қаршилик қўйди, сўрагани уринди-ю, аммо дам ўтмай, нафаси ўчиб, кўл-ёғи мажолсиз шалвираб тушди.

«У ким?» — деб сўради Амир Темур қурчилар бошлиғи қайтиб, ўз ўрнини эгалагач. «Жийбахона бошлиғининг отаси экан», — деди қурчибоши. Соҳибқирон биринчи марта кунда олдида кўли боғлиқ турган, қалъани хиёнат туйфайли унга олиб берган жийбахона бошлиғига тикилди. У ўғли тенги йигит эди.

Худди ўша лаҳза товачининг ишораси билан қатл бошланганидан ҳабар бериб ноғораларнинг гумбир-гумбири бошланди. Майдон ўртасидаги кунда қўйилган супада қаққайиб турган жаллод қиблага қараб тиловат ўғирди. Ботаётган қуёшда унинг юзи қип-қизил тусда товланарди. Тиловатни тугатган жаллод ўрнидан турди ва кундаги биринчи бўлиб кутвол бошини қўйди. Аммо кутвол бошини кундан олиб, яна қад тиклашга уринди. Муштумининг зарби ила буқани ўлдиришга қодир забардаст жаллод бир силташ билан яна унинг гавдасини букиб, бошини кундага қўйди, сўнг юксак хирғоқ пешайвонидаги тахтада ичкилару номбардорлар қуршовида турган ҳукмдорга тикилди. Аяқроғи, тикилгандек бўлди, зеро жаллод бошини кўтарди-ю, ўз соҳибига тик боқишга журъат қилолмади. Унинг кўлидаги ойболта ҳам қонга бўялмаган, аммо ғуруб шуъласи тушиб қип-қизариб товланарди.

Энди буёғи фақат соҳибқироннинг иродасига, унинг ғазаби ёки раҳм-шафқатига боғлиқ эди. Аммо дунёнинг тўрт тарафини зир-зир титратган, Мағрибу Машриқ ҳукмдорларига ўзининг марҳаматини аямай, уларни фарзанди қаторига қўйиб, «ўғилларим» деб муржожаат қилишга кўникан жаҳонгир бу лаҳза нималар ҳақида ўйлаётганини ҳеч ким билмасди.

Кутвол ҳам, жийбахона бошлиғи ҳам ўғли тенги йигитлар эди. Аммо кутвол мардоналик билан қалъани сақлашга уринган бўлса, жийбахона бошлиғи хиёнат билан уни муҳолифга очиб бергани улар ўртасида бир чўнг жар ҳосил қилганини ўйлаган соҳибқирон дунёнинг ғалати ишларини англашга уринарди. Мана, деярли тенгдош йигитлар. Балки улар бир кўчада ўйнаб улғайишган жўралардир, балки қилич чопқиллашни бирга машқ қилишган сабоқдошлардир. Аммо улар ҳозир бир-бирларига душман. Кутвол ўзини мағрур тутар, ўзини душманга сотган жийбахоначига қайрилиб ҳам қарамасди. Жийбахоначи бўлса, аллақачонлар тириклик нишонини билдирмай мункайиб ётарди. Ўз қилмишини англаб пушаймон бўлганидан ажалли аллақачонлар бўйнига олганидани ёки ўз хиёнатчи боис марҳамат кутиб, унинг ўрнида ўлим топаётгани туйфайли кўркўвданми, унинг девор рангига кирган башараси маъносиз, унда на ғазаб, на илтижо намоён эди.

Ҳукмдор ўлим олдида ҳам ўзини хўрлашларига қаршилик кўрсатаётган кутволга қараб, иккилангандек бўлди. Кейин бирдан сергак тортиб, ўғлига кўз қирини ташлади. У ўғлининг чеҳрасида ҳам иккиланиш аломатини сезди-ю, қарори қатъийлашди. «Иккиланиш, бу бўлажак мағлубиятдир» — деб ўйлади Амир Темур. Агар у ҳозир иккиланганини ўғлига билдириб қўйса, ўғли салтанат ва ҳарбнинг ҳар бир ишида иккиланиши мумкин. Бунга эса йўл қўйиб бўлмасди. Унда салтанатда ором, душманларда кўркув, дўстларда садоқат, ўғлида собитлик қолмайди. Илло, подшоҳ бир тадбир қилишни олдиндан қасд қилдими, ҳар қандай шароит ва вазиятга қарамай, ўша ишда қаттиқ турмоғи, то битирмагунча ундан қўл тортмагани маъқул. Агар бугун у иккиланса, эртага ўғли ҳам иккиланади, собитлиги синади, оқибатда мамлакат бўлинади. Иккиланган ҳукмдор бари бир охир-оқибат адашади, сўнг уларга яқин турганлар ҳам адашадилар.

У бир пайтлар, энди салтанат изми илгига ўтган кунларда пири йўллаган мактубдаги муборак сўзларни эслади: «Мамлакат куфр ила туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туролмайди». Хўш, ундан шафқат тилаш ўрнига ўлимни индамай кутаётган кутволни ўлдириш зулми, зулм эмасми?! «Зулм!» — деб ўзига жавоб берди соҳибқирон. Аммо яна шу нарса маълумки, кутвол ёш бўлишига қарамай, зулм йўлига ўтган. Соҳибқирон қон тўкилишига йўл қўймаслик ниятида ўз нишонини юбориб таслим бўлиши таклиф қилганида, бу талабга ризолик билдириш ҳақида маслаҳат солган икки-уч юзбошини машваратнинг ўзидаёқ чопиб ташлаган. Лаънати жийбахоначи, аллақачонлар кўнглида хиёнат фитнасини бошлаган жийбахона бошлиғи ҳам ўша юзбошиларга қилич пешлаган. Нодон кутвол хавф-хатарни унга оқилона маслаҳат берган юзбошилардан эмас, мана шу ёнида туриб қилич пешлаган жийбахоначидан кутиш лозимлигини билмаган. Оқибатда ўртада жанг содир бўлди, неча юз аскар бекордан-бекор қурбон бўлди. Бу зулмми, зулм эмасми?! «Зулм!» — деб ҳукм чиқарди буюк жаҳонгир. Қолаверса, ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариш мумкинми? У ҳолда яхшиликка нима билан жавоб қайтариш лозим. Йўқ, ёмонликка адолат, яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтармоқ керакдир. Аксинча бўлса, хатодир.

Амир Темур яна ўғлига кўз қирини ташлади. Унинг юзида ҳамон иккиланиш аломати зоҳирлигини сезди ва ўғли унга қайрилиб бир нима дейишга ҳозирланганини пайқаш билан кўзини олиб қочди. Йўқ, ўғли ҳозир нима демоқчилигини у эшитмаслиги керак. Зеро, ҳозирча бу икки иқлимни олган чексиз худудда, ва шу худуднинг марказига айланган ерда — у ўтирган маконда ҳар бир нарса, ҳар бир кимсанинг тақдири ёлғиз унинг иродасига, унинг қарорига боғлиқ. Шундай экан, кеча гарчи ёлғиз ўзи билган қарор, уни бошқалар қулоғи эшитмаган бўлса-да, бугун амалга ошмоғи шарт.

Соҳибқирон юзида бир дақиқа пайдо бўлиб, ўша лаҳза ўчган маънони уққан товачи жаллодга «Бошла!» дегандек қўл силтади. Уша лаҳза жаллоднинг қизил дамли ойболтаси кутвол боши устида ялт этди-ю, кесилган бош кундадан супага, супадан пастга думалаб кетди. Навбат жийбахона бошлиғига етди. Яна жаллод ойболтасини ерга тираб, бош эгиб изн кутди. Товачи ҳукмдор юзига тикилди. Аммо Амир Темур юзида ҳукм маъносини кўрмай, вужуди диққатга айланди.

Навбат жийбахона бошлиғига етди-ю, жаҳонгир дастлаб кутволни бошидан жудо этганига



ўқинди. Аввал баттол хойинни ўлдириш керак эди. Илло, ўзини ёғийга сотган хиёнаткорнинг ўлимини кутвол кўриши керак эди. Жаҳонгирнинг бирдан ғазаби кўпчиб, товачига ўқрайди. Гап нимадалигини англолмаган бечора товачининг тиззалари бўшашиб, ранг-рўйи кўпикдек оқариб кетди. Ҳа, кутвол бу лаънатининг ўлимини кўриши шарт эди. Шарт эди... Нега аввал шу нарсани ўйламади.

Бу лаҳза ўз она юрти ҳифзида турган қалъани унга олиб берган жийбахона бошлиғи унинг назариди дунёдаги энг паст, энг манфур кимса эди.

Ўлимини кутиб юзтубан ётган жийбахоначининг танасига жон киргандек бўлди. Кутволнинг ўлимидан сўнг тамом бўлган хойин ҳукмдор ўйга ботган вақтни пайсаллаш, ҳатто соҳибқирон уни фақат кўрқитиш учун кунда ёнига олиб келтирганига, аслида қилган иши учун албатта марҳамат топажагига ишона бошлаганди. У зўрға кўзларини очиб ҳукмдорга боқди. Мажол топиб, ундан имдод тиламоқчи бўлди, аммо зулаб қолган лабларини қанчалик очишга уринмасин, очолмади, фақат қақраган, қонга тўлган бўғзидан нолага ўхшаш бир товуш чиқди. Кейин ҳукмдорнинг ўзига қаҳр билан нафратомуз қараб турганини аранг илғади-ю, мурда нуқси урган башарасини яна ерга босди.

Амир Темур ғазаб билан товачига бақирди: — Мочағар, нимани кутяпсен, бошламайсенми? Товачининг ишораси билан жаллод бир силташ билан жийбахона бошлиғининг мажолсиз гавдасини ердан кўтарди-да, икки букди ва бошини кунда устига қўйди. Уша заҳоти маҳкумнинг оғзидан кўпик оқиб туша бошлади. Жийбахона бошлиғининг боши ҳам кунданан пастга думалаши билан ҳаммининг қулоғи кўникиб қолган оғир ва кўрқинчи сукунат оғушида майдон четида боғлиқ турган отлар ёнида чалқанча ётган чолнинг юрагидан отилиб чиққан мунгли фарёд янгради. Аммо бу фарёд эгасига ҳеч ким журъат этиб қарай олмади. Ёлғиз Амир Темур ўрнидан туриб, қатл майдонини тарк этаётган одамлар оша чолга узоқ тикилди. «Зулм!» — деб ўйлади яна у. Шу ўй ялт этган заҳотиёк, шарт орқасига ўтирилди. Ушандан буён чолни учратмаган эди.

Сўниб бораётган гулхан чўғларини қўлидаги шох билан титаётган чолга кўз ташлаб, бир лаҳзагина тўхтаб қолган соҳибқирон қадамини тезлаштирди. Ортдан чолнинг кўшиғи етиб келарди:

Вой, ўғлима, вой ўғлим,
Йигитларнинг нобуди.
Қўлдан-қўлга ўтмади
Ўғилгинам тобути...

«Чол эсдан оғган!» — деб ўйлади Амир Темур, аммо олдида дурбош кўтариб бораётган курчи «Воҳ» дея юзтубан йиқилганини кўрди-ю, ўша заҳоти чолни унутди. Қалъа томондан ўтиб келган чўқмор учи қурчининг кўксини тешиб, қурагидан чиқиб турарди. Жаҳонгирнинг хавфсизлиги учун жавобгар ичкилар тезда уни туралар билан тўсиб олишди.

Туни билан давом этган жанг тонг ёришгач, баттар авж олди. Кечаси кўзғалган шамол ва бирикки томчилаб ўтган ёлғир тиниб, осмон шу қадар ярқирардики, бамисоли артилган шишадек беғубур эди. Осмонда бир ҳовуч булут ҳам кўринмасди. Ёз қуёши шундай меҳр билан одамларга, чечакларга, дала-ю даштларга, юсак тоғларга ўз нурини сочардики, бўлаётган воқеалар

ўнгда эмас, тушда кўринаётгандек туюларди. Аммо ҳар икки тарафнинг жангчилари буни сезишмас, уларнинг кўзи бир-бирларидан узилмас, қўлларидидаги қиличу зулинлар товуши, кўзларидидаги ғазаб, дилларидаги қаҳр ғубори ҳам осмонни, ҳам қуёшни тўсиб олган эди. Толиққан отларнинг ҳам, одамларнинг ҳам ўнги тушга айланган. Улар бутун дунёни унутган, гўё ёлғиз ўлимгина уларга ҳордиқ олиш учун имкон берадигандек. Туни билан совуқлар ва дубулгаларда акс этган ой нури сўниб, қуёшдан тушган шуур қип-қизариб оқаётган дарёда товлана бошлади. Бу дарё қон дарёси эди. У қалъа турган қоядан оқиб тушиб, олис тоғлар тарафдан дала-ларни яшнатиб, одамлар, гуллар, булбуллар чанқоғини қондириш учун оқиб тушаётган дарёга бориб қуйилар, кўм-кўк дарё бир-икки фарсанг давомиди бу қонни ҳазм этолмай қийналар ва охири қон рангини ичига ютиб, яна ўзининг азалий йўлидан олға талпинарди.

Ўлим тогдан жангчилар қийналмай жон беришар, ўлим уларга фароғатли уйқу бўлиб туюлар, улар «ўлаяпман» деб эмас, «уйқу босаяпти», деган хаёлда кўз юмишарди. Очиқ қолган кўзларда тип-тиниқ осмон билан баб-баравар кўпик сочаётган отлар, қилич пешлаган суворийлар, ҳар икки томондан учиб келаётган новаклару найзалар акс этарди. Бу уруш чизган сурат эди.

Тонгдан ўтиб қалъадагиларнинг заифлашгани сезилди. Зеро, улар ўзлари учун ўлимдан бошқа йўл йўқлигини англаб, матонат билан жанг қилишар, бироқ эриган Темур тоғи оқими шиддат билан тўхташни билмай қалъа деворларига уриллар, ҳар урилганда яна ҳам баландлашарди. Охири бу оқим деворлардан ошиб, қалъа ичини тўлдириди.

Жанг тугади. Амир Темурга душман қўшинидан бирор бир жон тирик қолмаганини айтишди. Соҳибқирон бу хабарни эшитаркан, бошқа нарсани ўйларди. У бегоҳат эди. У ўзи кутган гални эшитишни интиқ, аммо ўзи очикдан-очиқ сўрашга юраги бетламасди. «Демак, ўғлим...» Амир Темур кўкси зирқираб оғриди. У қурчилар бошлиғига тикилиб: «Ўғлимни топинг!» деб буюрди. Аммо қидиришлар бекор кетди. Ўғлининг на тириги, на ўлиги топилди. Амир Темур бу ҳақда хабар берган яқинларига дарғазаб тикилар, уларни қайта-қайта қидиришга мажбур қиларди.

Жаҳонгир ўғлини жасур ва ўқтам қилиб тарбиялаган эди. Қилич тугган қўли бақувват бўлсин деб кеча-кундуз машқ қилдирди, юраги кўрқувни билмасин деб шер юрагини едирди, фаросатли бўлсин деб китобга ошна қилди. Йигирмага чиққан ўғли ўн йиллаб соҳибқирон юришларида қатнашган, қилич чопқилашда чиниққан тажрибали жангчилар — баҳодирлар билан бир сафда туриш ҳуқуқига эга бўлди.

Амир Темур ичида фарзандини қанчалик суймасин, ҳалигача унинг бошини силаб эркаламаган. Эркалаш дилни бузади деб ҳисобларди. Ўғли ҳам шу пайтгача отасига бирор марта кулиб боқмаган, ҳамisha кўзларида олов чақнаб турарди. Бу олов ўша жанг кўрган баҳодирлар кўзларидаги оловдек совуқ порламасди. Бу олов ўтми ва навиқрон эди. Наҳотки, шундай ўғли душман қўлида хор бўлган бўлса? Наҳотки?! Йўқ, у ўзини хор қилишларига йўл қўймайди. У ёғий қўлида хор бўлишдан ўлимини афзал кўрадиган йигит. Улганда ҳам, душманга ялинмай, унинг дилига кўрқув солиб ўладиган йигит. Зеро, у ўғлини қалъада қолдириб кетар экан, хайрлашиш олдидан шундай деганди: «Салтанатга даъвогарчилик қилғон ҳар бир киши салтанат шаъни ва мартабасига лойиқ иш тутуши зарур. Мудом ёдинда бўлсинким, бу йўлда жангга кириб ё

зафар кучиб ғолиб бўлғайсен, ё ўлдирилғайсен. Ҳалими бўйнига олган кишигина бу йўлдин юрмоғи мумкин».

Амир Темур раҳматли отаси, барлосларнинг улуг раҳбарларидан бири бўлмиш Муҳаммад Тарағай уни қандай тарбиялаган бўлса ўғлини ўша руҳда: бешафқатлик, мардлик ва фаросатлик, фақат шундан кейингина оқибатлик руҳида вояга етказди. Оқибат отасининг назарида ёлғиз меҳр-шафқатдан, шу билан бирга диловарлигу қаттиққўлликдан туғилмоғи даркор. У оқибатнинг инкори бўлмиш хиёнатни ёмон кўрарди. Кўрқоқликни кечирса кечирар, аммо хиёнатчига раҳмдиллик қилишни ўйламас, ҳатто бундай қилишни гуноҳ деб биларди. Агар Амир Темур дунёнинг тўрт томонидаги энг бой ўлкаларни забт этиб, уларнинг подшоҳларини ўзига тобе этган бўлса, бу шарафга шу диловарлиги ва оқибатбардорлиги, хиёнатга йўл қўймагани сабабли эришди.

Амир Темур ўғлида уч хислат мужжасам бўлишини истарди. Энг аввало, инсонпарварлик, сўнг тежамкорлик ва ниҳоят босиқлик. Инсонпарвар одамгина довуркор бўлмоғи мумкин. Тежамкор бўлган одамгина саҳий бўлиши мумкин. Босиқ одамгина ҳукмдор бўлиши мумкин. Кимки жасур бўлса-ю, инсонпарвар бўлмаса, тежамкор бўлса-ю, саҳийлик қилмаса, доно бўлса-ю, босиқлик қилмаса, ундай одам ўзи бош-қош ишни ҳам, ўзини ҳам ҳалок этади. Кимки, душмани билан олишганда ҳам инсонпарварликини унутмаса, у албатта енгади. Олло Таоло ҳамиша унга мадад беради, инсонпарварлик унга паноҳ бўлади.

У ўғлига мамлакат адолат, уруш эса диловарлик ва айёрлик билан бошқарилишини, мамлакатда таъқиқ қанча кўп бўлса, авом шунча қашшоқланиши мумкинлиги, илло эркинлик ва адолат бўлса авом, демак, мамлакат бой бўлишини, қонун ва буйруқлар қанчалик кўпайса, адолатсизлик, ўғрилиқ ва бебошлиқ шунчалар кўпайиши мумкинлигини ўқтирди. «Ўғлим,—деб айтарди раҳматлик отаси,—узоқни кўролмагон ҳукмдор яқинидаги балоларга гирифтор бўлади. Аммо яқинни кўриб иш тутган ҳукмдор ҳам хато йўлдадир». Амир Темур отасининг бу гапини ўғлига айтар экан, ўзидан қўшиб ушбуни ўқтирган эди: «Подшоҳлар хулқи бамисоли шамол, авомники майсадир. Шамол қай тарафга эсса, майса ҳам ўша томонга эгилади. Аммо подшоҳ ҳеч қачон ўз қудратининг асоси мана шу авом эканини унутмаслиги даркор».

Амир Темур тутаб ёнаётган, вайрона қалъага кирмай дарёга яқин ялангликда чодир тиктирди. Соҳибқирон ўзининг оддий жангчилари либосидан деярли фарқ қилмайдиган жанговар либосида, Дамашқни олганда қўлга киритган олтин чироқдон осилган шоҳчодирда кундуз бўркли бошини эгган кўйи ўғлидан дарак кутарди. У камдан-кам ёлғиз қолар, шу боисдан ҳар гал шу аҳволга тушганда дилини аллақандай англаб бўлмас оғриқ қиса бошларди. Ҳозир ҳам шу оғриқ уйғонди-ю, соҳибқирон чуқур оҳ тортиди. У оғриқ сабабини билмас, бу эса оғриқни йўқотиш чорасини топишга имкон бермасди. Туни билан кечган жанг туфайли уйқую ҳордиқдан қолган жаҳонгир онгида қуюқ ва ҳорғин бир зулмат пайдо бўлган, оғриқ эса мана шу зулумот ичида ёниб турган чироқдек гоҳ пирпираб, гоҳ товланиб турарди. Тўсатдан ташқарида шовқин-сурон кўтарилди-ю, сергак тортди. Аммо ўзини тутиб, бу шовқин-суронлардан хаёлан узоқлашиш учун кўзини юмди. Уша заҳоти кечаги туши ўнгида ялт этиб намоён бўлди. Қумуш шувъла оғушида беланчак чайқаларди. Бу сафар онаси йўқ эди. Беланчак ҳам бўм-бўш эди. «Ўғлим, ўғлоним...» —

дея пичирлади Амир Темур. Аммо ташқаридаги шовқин тобора унга яқинлашиб келар, ортиқ ундан қочиб бўлмасди.

Шу пайт шошилиб ичкарига номбардорлардан бири кирди. Унинг юзида кўрқув бор эди. У гапни қандай бошлашни билмай соҳибқирон қаршисига келиб, тиз чўкди. Амир Темур нега номбардорлару амирлар ҳар галгидек расм-русмга биноан ўз муносабатларидан келиб чиққан тартибда кириб келмаганлари ҳақида ўйлади-ю, ҳузурдаги номбардор кўпчилик айтишга кўрққан гапни унга етказишни бўйнига олиб ташриф буюрганини англади.

— Сўйла, — деди соҳибқирон.

— Он ҳазрат, — деди номбардор, — бир қошиқ қонимдан кечсангиз...

— Кечдим, сўйла, — деди Амир Темур.

— Он ҳазрат, ўлингизнинг на тириги, на ўлиги топилди. Қалъани элакдан ўтказдик, аммо... — номбардор жим қолди. Уртада жимлик чўкди. Бу жимлик чўзилгани сайин номбардорнинг кўрқуви ошиб борар, бу кўрқув юрагидан қон томирлари орқали вужудига тарқалиб, аъзои-баданини шол этгандай бўларди.

— Шовқин-суроннинг сабаби недир? — деди бошини кўтармай Амир Темур.

Кўрқув дарёсига қўйиб бораётган номбардор бирдан ҳушёр тортиб, бор иродасини йиғиб, тақдир инъом қилган ҳаста ёпишди:

— Қатл этилган жийбаҳона бошлиғининг отаси сизнинг ҳузурингизга кираман деб шовқин кўтарди. Қурчилар унинг қўл-оёғини боғлаб, дарёга ташламоқчи бўлдилару бу ишни ихтиёрингизсиз қилишга журъат тополмай, тўхтадилар.

«Мана ким ўғлимга нима бўлганини менга айтиб беради? — деган ногаҳоний ўйдан ўрнидан туриб кетган Амир Темурнинг важоҳатини кўриб номбардор ҳаёт билан видолашиш муддати етганини тушунди. Аммо соҳибқирон унга яқинлашиб, ёқасидан ушлаб даст кўтарди-ю, қаҳрли кўзларини тикиб, бақирди:

— Тезроқ чолни ҳузуримга олиб кириң!

Боягина кўрқувдан қўл-оёғи бўшаган номбардор ҳукмдор ёқасини бўшатиши биланоқ шоҳчодирдан ўқдай отилиб чиқди. Зум ўтмай, чолни олиб кирдилар. Чол ҳозиргина арқон сиқувидан бўшаган кўлларини уқалаб, қаршисида ўтирган соҳибқиронга кўзларини яширмай, очиқдан-очиқ разм соларди. Улар бир-бирларига узоқ тикилдилар. Аллақачон ўз уринларини эгаллаган номбардорлару амирлар «бу ёғи нима бўларкин?» дегандай воқеалар давомини кутардилар.

— Сўйла, кимсан? — деб биринчи оғиз очди ниҳоят Амир Темур.

— Бандамен, — деди чол унга тик боққанча.

— Кимнинг бандаси? — деб сўради яна Амир Темур.

— Ҳукмдоримнинг, — деди чол.

— Ҳукмдоринг ким?

— Олло Таоло! — деди чол.

Амир Темур чолнинг жавобига ичида таҳсин ўқиди. Бир лаҳзалик бу савол-жавоб уни анча тинчлантирган эди.

— Эй Оллоҳ бандаси, — дея гап бошлади яна Амир Темур, — менинг кимлигимни биласенми? — Биламен. Сен ҳам Оллоҳ бандасисен! — деди чол.

— Иншоолло, Худонинг бандаси Амир Темурмен, — деди соҳибқирон.

— Амир Темурлигининг яши биламен.

Атрофдагиларнинг бутун вужуди қулоққа айланиб, ҳукмдор билан чол мусоҳабасини тинглашарди.

— Оллоҳнинг мўъжизаси, Худованди каримнинг марҳаматига эришган Амир Темурмен, —

деди соҳибқирон ҳар бир сўзига алоҳида урғу бериб.

— Ҳар бир банданинг дунёга келишининг ўзи Оллоҳ мўъжизаси, Худованди каримнинг марҳаматидир, — деди чол.

Амир Темур «рост айтдинг» дегандек бош чайқаб, чолнинг сўзини маъқуллади. Аммо ўша заҳоти ёдига ўғли тушди-ю, лаблари маҳкам қисилди.

— Уғлимга нима бўлганини биласенми? — деб сенинг сўради соҳибқирон. Аммо унинг овозини сукунат кучган шоҳчодирда ўтирган ҳамма эшитди.

— Кеча қалъада бир йигитни қатл этдилар. Унинг кўз-қоши сеникига ўхшарди. Уша йигит ўғлингму? — деди чол саволга савол билан.

— Сен айтқон йигит ўғлимми, ўғлим эмасми, мен ҳали билмаймен. У тирикми, ўликми, бундан ҳам беҳабармен, — деди Амир Темур.

— Йигит тахминан йигирма ёшда эди, — деди чол.

— Ҳа, ўғлим йигирмага чиққан эди, — деди соҳибқирон.

— Уни сенинг келишинг арафасинда тонгда қатл этишди, — деди чол.

— Уша йигитни қандай ўлдиришди, сўйлаб бер, — деди Амир Темур.

— Уни қалъа ўртасидаги майдонда қатл этишди. Уша сен менинг ўғлимни қатл этган супада... — Чол бу гапни айтиб тўхтади. Амир Темур бирдан ёлғизликда қийнаб, кўпчилик орасида уни тарк этадиган оғриқ яна дилида уйғонганини сезди. Бу сафар оғриқ ҳар сафаргидан кучлироқ эди. У бор иродасини тўплаб, дилидаги азоб юзида зоҳир бўлмаслик йўлини тутди. Чолдан бошқа бирор киши жаҳонни кўрқувда тутган инсон дилида қандай азоб уйғонганлигини сезмади.

— Тонг маҳали эди, — деб ниҳоят гапини давом этди чол. — Машриқдин чиққан қуёш чарақлаб турса-да, ҳали мағриб томондаги ой ботиб улгурмагон эди.

— Уни қандай ўлдирдилар? — дея тоқатсизланди Амир Темур.

— Аввал ўнг қўлини елкаси оша чопдилар...

— Инградими? — деб сўради Амир Темур.

— Йўқ, оҳ деган товуш ҳам чиқармади.

— Менинг ўғлим экан! — деди ҳаяжонланган Амир Темур.

— Кейин... кейин чап қўлини чопдилар, — деди чол.

— Инградими?

— Йўқ, миқ этмай чидади.

— Менинг ўғлим экан! — деди Амир Темур.

— Сўнг йигитнинг ўнг оёғини чопдилар, — деди чол, ўша даҳшатли қатл манзарасини кўз ўнгига келтириш ниятида кўзини юмганча.

— Инградими?

— Йўқ. Чидади, кўздан бир томчи ёш, бўғздан бир ун ҳам чиқмади.

— Менинг ўғлим экан у! — деди Амир Темур.

— Кейин бечоранинг чап оёғини чопдилар, — деб ҳикоясини давом этди чол ҳамон кўзини очмай.

— Инградими? — деб сўради соҳибқирон.

— Йўқ, инграмади.

— Менинг ўғлим экан шу йигит! Менинг ўғлим! — деди Амир Темур кўзидаги алам ўрнини гурур эгаллаб. — Кейин-чи, кейин не бўлди?

— Кейинми?.. — деди чол маҳзун кўзларини очиб, соҳибқиронга тикилар экан. — Кейин йигитнинг кўксини тарс ёрдилар-да, юрагини узиб олдилар!

— Инградими? — деди Амир Темур.

— Йўқ, инграмади. Фақат... — чолнинг товуши ҳаяжондан бўғилгандек бўлди, — фақат юрагини олганлари заҳоти «Оҳ!» деб юборди, — деди чол кўзларидан оққан ёшларни гулхан қорайтирган энги билан артар экан.

— Йўқ, у менинг ўғлим эмас экан! — деб юборди чолнинг сўнги сўзини эшитиб, ўрнидан туриб кетган Амир Темур!

Даврадагилар соҳибқирон сўзини эшитиб, бир қалқиб кетдилар. Амир Темур уларнинг ҳар бири кўзига тикилмоқчи бўлгандек, даврадагиларга бир бошдан қараб чиқди ва ўзига боқиб турган чолга навбат етганда яна такрорлади:

— Йўқ, у йигит менинг ўғлим эмас!

Шу гапни айтиши биланоқ соҳибқироннинг кўз ўнгини бир зум қумуш ёғду тўсди. Қумуш ёғду аро чайқалган беланчақни кўрди. Бироқ беланчақ бўш эди. «Ўғлим!» — дея товушсиз ўртанди жаҳонгир...

Соҳибқирон қалъани бузиб ташлашни, чолга бўлса нима тиласа ўшани бериб, ўзи хоҳлаган манзилига етказиб қўйишни буюрди. Уша заҳоти унинг амри бажо келтирилди. Темур тоғи эриб, яна қалъа томонга оқди ва бирпасда қалъадан ном-нишон қолмади. Эртаси куни бу симобий оқим дарё ёқалаб мағриб томонга оқди. Мавҳумликдан саросимада қолиб, оромни унутган олисдаги шаҳару қишлоқлар бу темир оқим уларнинг қай бирлари томон бурилишини билмай, ваҳима билан кутардилар. Мавҳумлик сарҳади камайган сайин бу темир оқим уларга шунчалик яқинроқ келарди. Бу темир оқим четлаб ўтган қишлоқлару кентларда бирпасда талваса ўрнини фароғат, кўрқув ўрнини хотиржамлик эгалларди. Келинчаклар йиғиштирилган беланчақларини яна дарахтга илардилар, яна алла айтиб болаларини ухлатиб, далада ҳосил йиғиш билан овора эрлари учун тамадди тайёрлашга уринишар, айрим уд-дабуронлари шу орада ўсма эзиб, қошларига суриш учун ҳам вақт топардилар.

Чол эса соҳибқирондан ҳеч нима сўрамади. У деворлари бузилиб, ер билан текисланган қалъа атрофини тарк этмади. Бир неча кундан сўнг Амир Темур тўсатдан чолни эслаб, суриштирди. Унга чолнинг қалъа ёнида қолганини айтдилар. Соҳибқирон қўшиндан бир гуруҳ ажратиб, чолни ўз ҳузурига олиб келишларини буюрди. Гуруҳ бир неча кун йўл босиб, манзилга етиб келдилар-у, чор-атрофни қидириб чолни тополмадилар. Жангчилар чол дарё соҳилида янги пайдо бўлган қабрда кўмилганидан беҳабар эдилар. Уни кўмган подачилар эса Машриқдаги тоғ қояларидан олиб тушган подаларини ҳайдаб аллақачонлар олислаб кетган, улар чолнинг Амир Темур ва унинг ўғли ҳақидаги маҳзун ҳикоясини аллақачонлар афсона қилиб айтиб борардилар...

Афсона мана шу ерда яқунланади. Вассалом.



Мухаммад
Бузарий



Уйғурчадан Эмин Усмон таржимаси

Ҳужжатли рўмон

Муҳаммад алайҳиссалом Мадина халқига хушхабар етказиш учун кун чиқиш томонга Абдуллоҳ ибн Равҳони, кун ботиш томонга Зайид ибн Ҳорисани юбордилар. Яҳудийлар билан мунофиқлар ҳар хил гап-сўз тарқатиб, мусулмонларнинг кўнглига ғулув солиб юрган эдилар. Азалий нияти одамларнинг ҳаловатини бузиб, кўнглини ғаш қилиш бўлган муртадларнинг дами ичига тушиб кетди. Хушхабар мадиналиклар расулulloҳнинг қизи, Усмоннинг умр йўлдоши Руқияни дафн этиш пайтида етиб келди. Пайғамбар алайҳиссалом зудлик билан қайтмоқчи бўлган эдилар, бироқ ғанимат олинган моллар тақсими устида ихтилоф чиқиб қолди. Ешлар, жангни биз қилдик, ғаниматнинг кўпини биз олишимиз керак, деди. Қарилар, агар биз қўллаб-қувватлама-сак, ғалаба қайда эди, ўлжада бизнинг ҳам улушимиз бор, деди. Агар олди олинмаса, бу ихтилоф адоват ўтини ёқиб, ўртага низо соларди. Аллоҳ Таоло мусулмонлар ўрта-сидаги келишмовчиликни бартараф этиш учун Анфол сурасининг биринчи оятини нозил қилди: «Сендан ғанимат ҳақида сўрайдилар, сен уларга: «Ғанимат яратган билан пайғамбарга тегишли, Аллоҳга тақво қилинглар, муносабатларингни яхшиланглар, Худога ва пайғамбарга итоатда бўлинглар, дегин». Шундан кейин мусулмонларнинг қалби Қуръон нури билан нурафшон бўлиб, ўртада низо кўтарилди, аҳиллик қарор топди, ғаниматни Худонинг ҳукмига биноан тақсимлаб беришни расулulloҳга топширдилар. Пайғамбар алайҳиссалом пиёдаларга бир хил, суворийларга бошқача улуш ажратдилар. Маълум сабаблар билан жангда қатнашмаганларни ҳам бенасиб қўймадилар. Булар — расулulloҳнинг ўринларида Мадинада қолган Абу Лаҳаб Ансорий, Амир ибн Авф қабиласидан хабар олгани кетган Ҳорис ибн Ҳотаб, Равҳо деган жойда қўшиндан қолиб кетган Ҳорис ибн Самма билан Хаввот ибн Жубайр, душман томонига вазиятни ўргангани жўнатилган Талха ибн Убайдуллоҳ билан Саид ибн Зайид, касал рефиқасининг тепасида қолган Усмон ибн Аффон, Қубо ва Олия аҳолисига бошчилик қилиш учун қолдирилган Осим билан Адий эди. Шунингдек, жангда шаҳид кетган ўн тўрт кишининг оиласига ҳам тегишли улуш ажратилди. Урушнинг аввалида яраланган Убайда ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб ҳам ўз насибасини олган бўлса-да, фойдаланиш насиб этмади. У мусулмонлар Бадрдан қайтаётганларида оламдан ўтди. Расулulloҳ Мадинага яқинлашганларида ёш қизалоқлар қўшиқ айтиб, у кишининг истиқболига чиқди.

Расулulloҳ тўлин ойдек нур сочиб,
Чиқиб келди Саниё Тулвододан.
Шукр айтмоқ лозим бизга ҳар лаҳза,
Бирон кимса қўл узмасин дуодан.
Мусулмоннинг шамчироғи бу динни,
Олиб келди расул бизга Худодан.

АСИРЛАР ҲАҚИДА КЕНГАШИШ

Мадинага етиб келишгач, пайғамбар алайҳиссалом асирларнинг тақдири ҳақида кенгашиб олиш учун саҳобаларни ҳузурларига чорладилар. Умар ибн Ҳаттоб сўз олиб: «Эй расулulloҳ, булар пайғамбарлигинга ишонмай, сенга қарши курашган, сени юртингдан ҳайдаб чиқарган кимсалар. Менга ўз қариндошимни, Ҳамзага қариндоши Аббосни, Алига жигари Уқаййлни бер, уларни ўзимиз ўлдирайлик. Мушрикларга сира шафқат йўқлигини билиб қўйишин. Менинчга, асирларнинг ҳаммасини қириб ташлаш керак. Уларнинг ҳаммалари қурайш катталари, шу пайтгача биз улардан фақат ёмонлик кўрдик. Мана энди орани очди қилиб қўядиган пайт келди», деди. Саид ибн Муоз билан Абдуллоҳ ибн Равоҳа унинг фикрини қўллаб қувватлади. Бироқ Абу Бакир уларни ёқламади: «Эй расулulloҳ, булар ўз уруғ-аймоқларинг. Аллоҳ Таоло сенга нусрат ато этиб, қўлингни баланд қилган экан, менинчга, уларни ўлдириш ўрнига товон олиб, қўйиб юбориш керак. Товон пули кофирларга қарши курашимизда кунимизга ярайди. Мабодо мана шу мурувватинг туфайли уларнинг қалблари юмшаб иймонга келсалар, суянчигинга айланиб қолишлари ҳеч гап эмас», деди. Бу фикрларни эшитгач, расулulloҳ оҳиста гап бошладилар: «Парвардигор баъзи бировларнинг кўнглини судтан ҳам оқ, пахтадан ҳам юмшоқ, баъзиларникини эса тошдан ҳам қаттиқ қилади. Эй Абу Бакир, сен юмшоқ кўнглида Иброҳимга ўхшайсан. У ўз фазлини намоян этиб бундай деган эди: «Кимки менга эргашса, у менинг динимдодир, кимки менга осийлик қилса, сен шубҳасиз (унга) мағфират қилишга ва марҳамат кўрсатишга қодирсан» (Иброҳим сурасининг 36-ояти). Эй Умар, сен худди Нуҳга ўхшайсан, у кофирни дуоибад қилиб: «Парвардигорим, ер юзида биронта кофир зотини қўймагин», деган эди (Нуҳ сурасининг 96-ояти).

Пайғамбар алайҳиссалом ҳар иккала саҳобани мақтагач, Абу Бакирнинг фикрини ёқладилар, чиндан ҳам айни вақтда қандай йўл билан бўлмасин ислом динини кенг ёйиш, моддий ва маънавий куч йиғиб, мушрикларни мағлуб этиш керак эди. «Биз ҳозир йўқсилмиз, шунинг учун асирларни товон олмай қўйиб юбормаслик керак», дедилар.

Бу қарордан хабар толиб мушриклар анна энгизга тортишди. Улганлар учун аза

очиби, бир ой мотам тутгач, токи улар учун интиқом олмагунча кўз ёши тўкмасликка аҳд қилдилар. Муслмонлар кўп пўл сўрамасин деган ўйда асирларни қутқариб олишга шонилмаслик керак, деган тўхтамга келдилар.

АСИРЛАРНИ ҚУТҚАРИБ ОЛИШ

Мутталиб ибн Абу Вадоа Саҳимий мушрикларнинг тақиқлашига қарамай, Мадинага яширинча келди-да, тўрт минг дирҳам тўлаб, отасини қутқариб олди. Шундан кейин қурайш мушриклари ҳар бир одам учун минг дирҳамдан тўрт минг дирҳамгача товон тўлаб, ўз яқинларини асирликдан озод қилдилар. Пули йўқ, лекин илмли одамлар мадиналик ўнта боланинг саводини чиқариб тутқунликдан қутулиши мумкин эди. Абу Суфёнга товон тўлаб ўғлини қутқариб кетиш таклиф этилганда у қатъиян рад этиб: «Мен ҳеч қачон ҳақ тўлаб ўғлимни қутқармайман. Унинг ихтиёри Муҳаммадда, нима қилса ўзи билади», деди. Шундан кейин бу ёвуз кимса Каъба зиёратига борган Саид ибн Нуъмон Ансорийни тутиб олиб қамаб қўйди. Расулulloҳ Абу Суфённинг ўғлини Саид билан алмаштиришга мажбур бўлдилар.

Асирлар орасида пайғамбар алайҳиссаломнинг қуёви Абул Ос ибн Рабий ҳам бор эди. Муслмонлар билан мушриklar ўртасида зиддият кучайган пайтда маккаликлар ундан расулulloҳнинг қизи Зайнабни қўйиб юборишни талаб қилдилар. Абул Ос иймонга келмаган бўлса-да: «Менинг қўядиган хотиним йўқ. Қурайшда унга тенг келадиган яхши хотин топилмайди», деган эди. Зайнаб эрини асирликдан қутқариш учун тўй кўни онаси Хадича бўйнига осиб қўйган марваридини отасига юборди. Ҳам Хадичани эслаб, ҳам қизининг чорасиз аҳволига ачиниби, кўнгли бузилган расулulloҳ саҳобаларга: «Абу Осни қўйориб, марваридни қизимга қайтариб берсанглар бўлармикин», дедилар. Саҳобалар розилик бердилар. Пайғамбар алайҳиссалом Зайнабнинг Мадинага кўчиб келишига рухсат бериш шарти билан Абул Осни озод қилдилар. Орадан кўп ўтмай Зайнаб Мадинага етиб келди. Макка фатҳ этилиши арафасида ислом динига кирган Абул Осга Зайнаб аввалги никоҳи бўйича қайтариб берилди.

Суҳайл ибн Амир фасоҳатли нотиқ бўлгани учун муслмонларни ҳақоратлаб кўп озор етказган эди. У асирга тушганда Умар ибн Хаттоб: «Эй расулulloҳ, ижозат бер, Суҳайлнинг икки тишини суғуриб олай, токи сени ёмонлаб гапиролмайдиган бўлсин», деди. Расулulloҳ: «Мен бировнинг аъзосига зарар етказиб, майиб қилмайман. Золимлик қилсам, пайғамбар бўлишимдан қатъий назар Аллоҳ мени ҳам шу кўйга солади. Келажакда Суҳайл исломнинг фойдасига сўз айтса ажаб эмас», дедилар. Микроз ибн Ҳафис нотиқ учун тўланадиган ҳақ миқдорини келишгач, Суҳайл озод этиладиган, лекин то товон пули келгунча Микроз гаровда ушлаб туриладиган бўлди. Парвардигор расулulloҳнинг Суҳайл ҳақида қилган башоратларини рўёбга чиқарди. Сарвари олам вафот этганларидан кейин ҳалқи билан маккаликларнинг бир қисми диндан қайтмоқчи бўлганда Суҳайл ўрнидан турди-да, Худога ҳамду сано, пайғамбар алайҳиссаломга дуруд ўқиди ҳамда йиғилганларга хитоб этиб: «Эй халойиқ! Кимки Муҳаммадга ибодат қилмоқчи бўлса, у киши оламдан ўтди. Кимки Аллоҳга ибодат қилишни истаса, у тирик, Худо абадий барҳаёт! Зумар сурасининг 30-ояти эсингиздами? Аллоҳ: «Сен ҳам албатта ўласан, улар ҳам ўлиши аниқ», дейди. Бундан ташқари Оли Имрон сурасининг 144-ояти айнан сизлар ҳақингиздадир: «Муҳаммад бор-йўғи бир пайғамбар, ундан аввал ҳам талай пайғамбарлар ўтган. У оламдан ўтса ёки ўлдирилса, дарров иймондан қайтасизларми?» Худо ҳаққи, мен аниқ биламанки, ислом дини худди қуёш нуридек ер юзига тарқалади. Абу Суфёнга алданманглар, у исломнинг ҳақ дин эканини жуда яхши билади, фақат ҳасадгўйлиги туфайли унга қарши туради. Роббингизга таваккал қилинг! Аллоҳнинг дини кенг тарқалади. Аллоҳнинг сўзи ҳақ. Аллоҳни ёқлаган кишига яратганнинг ўзи мадад беради. Худо ўз динига қувват ато этади. Яратган эгам сизларни бирлаштиргани учун ҳаммадан фазилатли Абу Бакирни пайғамбар алайҳиссаломнинг халифаси қилиб сайладинглар. Бу билан ислом дини янада кучаяди. Кимки диндан қайтиб, муртад бўлса, шартта қалласини оламиз».

Бу гап аросатда юрган одамларни сергаклантирди, ҳақиқий муслмонларнинг иймонини янада мустаҳкамлади. Суҳайл ҳақида айтилган фикр расулulloҳнинг муъжизаларидан биридир.

Валид ибн Валидни Халид билан Ҳишом қутқариб олди. Валид Маккага қайтиб келгач, муслмон бўлди. Унга: «Товон тўланмасидан олдин иймон келтириб қўя қолсанг бўлмасмиди?» дейилганда: «Одамлар кўрқанидан исломга кирибди демасинлар, деб атай шундай қилдим», дея жавоб берди. Унинг ислом динига кирганидан ғазабланган қариндошлари Мадинага кетишига йўл қўймадилар. Расулulloҳ Каъба зиёратига келганларида Валид пайт пойлаб, у кишининг ёнига қочиб кетди.

Бадр урушида мушрикларнинг аълаббардори бўлган Соиб ибн Язид ислом оламининг муътабар имомларидан Шофей Муҳаммад ибн Идриснинг бобокалонидир.

Тутқун Ваҳобнинг отаси Умайир қурайшларнинг шайтанларидан бўлиб, пайғамбар алайҳиссаломга кўп азият етказган эди. Кўнларнинг бирида Сафвон ибн Умайя билан Бадр жангида бошларига тушган мусибатларни эслаб ўтирганида Умайир дардини тўкиб солди: «Агар бировдан қарздор бўлмаганимда, мендан кейин бола-

нақанининг қоли не, кенарини деган сўз киши қўйиладиганда Узабнага бориб, Муҳам-

мадни ўлдириб, асирликда қийнаётган ўғлимни қутқариб келардим», деди. Сафвон: «Ундай бўлса, қарзларингни мен тўлайман, бола-чақангинг ҳолидан хабар олишга сўз бераман», деди. Умайир қиличига заҳар суви бериб, Мадинага йўл олди. Бир тўда мусулмонлар билан суҳбатлашиб ўтирган Умар қилич осган Умайирга кўзи тушиб: «Манави Аллоҳнинг душмани бўлган ит яхши ният билан келмаган», деди-да, дарров пайғамбар алайҳиссаломга хабар юборди. Расулulloҳ Умайирни ҳузурларига олиб келишни буюрдилар. Умар душманнинг қиличидан туганча ичкарига бошлаб кирди. Пайғамбар алайҳиссалом уни қўйиб юборишни буюрдилар ва Умайирни яқинроқ келишга таклиф этдилар. Умайир яқинроқ келиб: «Эртангиз хайри бўлсин!» деди. Расулulloҳ: «Парвардигори олам сенинг саломингдан яхшироқ саломни ўргатди», дедилар ва унинг нима мақсадда келганини сўрадилар. Умайир: «Қўлингизда банди бўлиб ётган ўғлимни қутқариш учун келдим, унга мурувват қилинглар», дея ўтинди. «Ундай бўлса нега қилич кўтариб келдинг?» деб сўрадилар пайғамбар алайҳиссалом. «Худо урсин бу қилични, кунимизга ярамади-ку», деди Умайир. «Ростингни айт, нима мақсадда келдинг?» дея қайта сўрадилар расулulloҳ. «Айтдим-ку, асир ўғлимни қутқаргани келдим», деди Умайир тўтидек битта гапни такрорлаб. «Елгон гапирясан,— дедилар расулulloҳ.— Сен Сафвон билан тош устидега ўтириб, мени ўлдиришга қасам ичдинг. Сафвон қарзингни тўлашга ваъда бериб, қутқу солди». Эси оғиб қолган Умайир: «Сенинг нуқул осмондан келишинга, ваҳийларинга ишонманган эдим, лекин бу гапларни қандай билдинг? Ахир, биз гаплашган ерда Сафвон иккаламиздан бошқа бирон тирик жон йўқ эди-ку», деди. Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларга: «Қариндошингиз Умайирга Қуръон билан диний аҳкомларни ўргатиб, ўғлини қўйиб юборинглар», деб тайинладилар. Умайир Маккага қайтиб боргач, мусулмон бўлганини эълон қилди.

Абу Азиз ибн Умайирни онаси тўрт минг дирҳам тўлаб қутқариб олди.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг амакилари Аббос ибн Абдулмутталиб Бадр жангига мажбуран қатнашган эди. Шу боис товон тўлашдан бош тортди. Лекин расулulloҳ: «Душман сафиде бўлганинг учун ҳам қариндошинг Уқайил иккаланг товон тўламагунча озод этилмайсизлар», дедилар. Улар товон тўлаб озод бўлишди. Кетар олдиан: «Мени қурайшларнинг орасида бир умр касоסי оқармайдиган гадо қилиб қўйдинг», дея ёзғирди Аббос. «Бекорларни айтибсан,— дедилар расулulloҳ.— Сен Бадрга келишдан олдин Умму Фазлига жуда кўп мол-мулк қолдириб, қайтиб келсам оламан, мабодо ўлиб кетсам сенга бўла қолсин, демабмидинг?». Аббос нима дейишини билмай довдираб қолди. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўз қариндошига ён босмай қилган муомаласи энг адолатли ҳукмдир. У киши Аббоснинг жангга мажбуран чиққанини билсалар-да, бари бир афу этмадилар. Ваҳоланки, ҳеч вақоסי йўқ камбағалларни кечириб, асирликдан озод қилиб юбордилар. Бу чинакам исломий адолатнинг мумтоз намунасидир. Аллоҳ Таоло Қуръону Каримда мусулмонларга адолатли ва ростгўй бўлиш таълимини бериб, Нисо сурасининг 135-оятнда: «Эй, мўъминлар, ўзингиз, ота-онангиз ё қариндош-уруғингизнинг зарарига гувоҳлик бериш лозим бўлса-да, Аллоҳни назарда тутиб, гувоҳликда одил бўлинглар», дейди. Мана шу исломий ахлоқ намуналарини пайғамбар алайҳиссалом асирларга муносабатда намоён этдилар.

Шоир Абу Узза Жумаҳий Маккада яшаётганларида расулulloҳни ҳажв қилиб, кўп азият етказган эди, асирга тушгач: «Менинг бола-чақали, камбағал одамлигимни биласан, раҳм қилиб, қўйиб юборгин», деб ялинди. Пайғамбар алайҳиссалом илтифот кўрсатиб, уни қўйиб юбордилар.

ТОВОН ОЛИНИШИГА АЛЛОҲНИНГ НОРОЗИЛИГИ

Асирлар товон эвазига озод қилинган, парвардигор Анфол сурасининг, 67—68-оятларини нозил қилиб, бу ишга ўз муносабатини баён этди: «Пайғамбарнинг ер юзиде душманни кўпроқ ўлдирмай, яъни мушрикларнинг таҳдидини йўқотиб, Исломни қувватлантирмай туриб, асирлардан товон олиши дуруст эмасди. Эй мўъминлар! Сизлар (товон олиб) дунёвий манфаатни кўзлайсиз, Аллоҳ эса сизларга охиратнинг (савобини) тилайди. Аллоҳ қудратлидир, ҳикмат билан иш қилгувчидир. Агар Аллоҳ илгарироқ ҳукм чиқармаганида эди, товон олганингиз учун қаттиқ азобга гирифтор бўлардингиз». Парвардигор Худо йўлидан қайтарган, Ислом динининг тарқалишига ҳалал берадиган асирларни ўлдирмай товон эвазига қўйиб юборишни ман этиб, жон ўрнига мол-дунёни танлаган баъзи мусулмонларни айблади. Жиход қилгувчининг мақсади тўғри бўла туриб, хатога йўл қўйса, жазоланмаслиги ҳақида яратганининг ҳукми нозил этилгани учун азобдан холи. Шу боис, яхши ниятда олинган товонни Аллоҳ Таоло мусулмонларга ҳалол қилди. Бу нарса Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳақиқий пайғамбар эканига далил бўла олади. Агар пайғамбарлик Худо томонидан юбориладиган улўғ мартаба бўлмаганида, Муҳаммад алайҳиссалом саҳобалар билан келишиб, асирларни товон эвазига қўйиб юборгани учун бунчалик афсусланмас эдилар. Аллоҳ Таоло расулulloҳни хотиржам қилиш учун Анфол сурасининг 70-оятда аслида нияти яхши асирларнинг гуноҳларини кечишини баён қилди: «Эй пайғамбар, кўп остингдаги асирларга, агар Аллоҳ дилларингизда тарикча яхшилик борлигини

билса, товонга берилганидан кўра яхшироқ нарсаларни ато этади, сизларга мағфират қилади. Аллоҳ бениҳоя меҳр-шафқат ва мағфират қилгучи зотдир, дегин».

Бадр ғазоти туфайли ислом музаффар динга айланди, мусулмонларда ўз кучига ишонч пайдо қилди, мушриклар биринчи марта қаттиқ зарбага учраб, сафларида парокандалик пайдо бўлди. Душман сон жиҳатдан бир неча баробар устун, мусулмонлар бир ҳовучгина эди, мушрикларнинг от-улови, қурол-яроғи бадастир, жанговар тайёргарлиги пухта, мусулмонларда эса минишга улов ҳам етишмас эди. Фақат Аллоҳ Таолонинг кўрсатган илтифоти туфайли ислом вакилларининг кўли баланд келди. Парвардигори олам Оли Имрон сурасининг 123-оятда Бадрдаги ғалаба неъматини алоҳида таъкидлаб ўтади: «Бадрда Аллоҳ сизларга мадад берди. Ваҳоланки, сизларнинг сонингиз оз эди». Бадр жанги мусулмонлар ҳаётидаги энг катта ғазот эди, шу боис, у ислом тарихида ҳал этувчи бурилиш нуқтаси бўлди. Шундан кейин ислом динига муносабат ўзгарди. Бу жангда ислом динининг ашаддий душманлари ўлдирилди. Мусулмонларнинг кўли баланд келганини кўрган арабларнинг юрагига ғулув тушди. Аллоҳ Таолонинг бу илтифотига шукрона айтмоқ. Бадр ғазотида ғалаба қозонилган кун — рамазоннинг ўн еттисини нишонлаб, пайғамбар алайҳиссалом ва мусулмонларга ато этилган неъматлардан миннатдор бўлмоқ лозим.

ҚАЙНУҚО ҒАЗОТИ

Агар бир кишининг икки душмани бўлиб, бирининг устидан ғалаба қозонилса, иккинчиси ҳаловатини йўқотиб, ғам босиши, оқибати нима бўларини ўйлаб ўтирмасданок ғанимини фош этиши турган гап. Бадр ғазоти мусулмонларнинг ғалабаси билан якунлангач, бани Қайнуқо яҳудийлари худди шундай иш тутди. Улар ўртадаги шартномани бузиб, душманлигини фош этиб, ансорлардан бир аёлнинг номусини булғадилар. Бу ҳол мусулмонларни ҳушёр торттириб, дин душманлари билан тўқнашув юз берганда, уларга ишониб бўлмаслигига амин қилди. Аллоҳ Таоло Анфол сурасининг 59-оятда бу хусусда пайғамбар алайҳиссаломга шундай деб уқтиради: «Сен маълум қавмнинг шартномага хиёнат қилишидан кўрксанг, шартнома масъулиятини уларнинг зиммасига юклаб қўявер. Аллоҳ ҳеч қачон хоинларни дўст тутмайди». Расулulloҳ яҳудийлардан бошқаларни қақриб, хиёнатнинг оқибати яхшиликка олиб бормаслигини айтдилар. Йиғилишга тўпланганлар: «Эй Муҳаммад, Бадрдаги ғалабангдан бунчалик керилиб кетма. Қурайшлар урушишни билмайдиган рўдапо халқ. Биз билан урушсанг кимлигимизни билиб оласан», дея таҳдид солдилар. Чиндан ҳам бани Қайнуқо яҳудийлари жанговар эдилар. Худди шу аснода Аллоҳ Таоло Оли Имрон сурасининг 13-оятини нозил қилди: «Кофирларга, сизлар енгиласизлар ва жаҳаннамга тўпланасизлар, жаҳаннам бениҳоя ёмон жой, дегин. Урушаётган ғуруҳда сизлар учун ибрат бор: улардан бири Худо йўлида курашаётганлар бўлиб, иккинчиси кофирлардир. Уларга (мусулмонлар) икки баробар кўп кўринади. Аллоҳ истаган кишига ёрдам бериб, қўллаб-қувватлайди. Ақли расо киши учун бу нарсада чиндан ҳам ибрат бордир».

Шу йиғилишдан кейин Ҳазраж қабиласининг оқсоқоли Убода ибн Сомид бани Қайнуқо яҳудийлари билан бутунлай алоқасини узди. Абдуллоҳ ибн Убай эса замон ўзгаришидан кўриқиб, Ҳазраж билан муносабатини янада мустаҳкамлади. Аллоҳ Таоло мусулмонларга таълим бериб, Моида сурасининг 51—52-оятларини нозил қилди: «Эй мўъминлар, яҳудий ва насронийларни дўст тутманглар, (чунки) улар бир-бири билан (яқин) дўстдир. Кимки улар билан дўстлашса, ўшалардандир. Золим қавмини Аллоҳ сира ҳам ҳидоят қилмайди. Дилларда иллат борларнинг бизга бирон офат келишидан кўрқамиз, деб улар билан дўстлашишга ошиққанини кўрасан. Аллоҳ (хоҳлаган одамига) ғалаба ато этади ёхуд (истаган) ишини рўёбга чиқаради. Кунгидаги яшрин (ниятлари) учун улар (кўп) надомат чекадилар».

Бани Қайнуқо яҳудийлари душманлигини ошкор этиб, кўрғонларига яшириниб олди. Пайғамбар алайҳиссалом шу йил шаввол ойининг ўрталарида уларга қарши отландилар, амакилари Ҳамза байроқдор бўлди. Бани Қайнуқо яҳудийлари муҳосирага олинди. Ун беш кунлик қамалдан кейин мусулмонларга бас келолмаслигига ақли етган яҳудийлар расулulloҳдан мол-мулкни ташлаб, фақат бола-чақасини олиб кўчиб кетишга ижозат сўрадилар. Пайғамбар алайҳиссалом уларга уч кун ичида кўчиб кетишга ижозат бериб, бу ишга Убода ибн Сомидни масъул этиб тайинладилар. Яҳудийлар Суриядаги Азриот деган жойга кўчиб кетдилар ва бир йилга қолмай ҳаммаси қирилиб кетди. Расулulloҳ улардан қолган мол-мулкни бешга бўлиб, ўз уруғ-аймоқларига тегишли улушни Ҳишом жамоаси билан Мутталиб жамоасига бердилар. Абдушамс билан Навфал жамоасига ҳеч нарса тегмади. Бунинг сабаби сўралганда, уларнинг исломдаги илгари ҳам бани Қайнуқо билан жуда яқин, худди туғишгандек аҳил бўлганлигини айтдилар.

САВИҚ ҒАЗОТИ

Икки ўғли билан яқинлари ўлдирилган Бадр ғазотида қатнашолмаган Абу Суфённинг ичига чироқ ёқса ёришмасди. У Муҳаммад алайҳиссалом билан учрашмагунча бошига сув теккизмасликка қасам ичди ва сўзининг устидан чиқиш учун икки юз кишилик қўшин билан Мадинага йўл олди. Йўл-йўлакай бани Назир ҳудийларини мусулмонларга қарши отлантириш учун уларнинг бошлиғи Ҳуяй ибн Ахтаб билан курашмоқчи бўлди, бироқ оқсоқол учрашувдан бош тортди. Тарвузи қўлтиғидан тушган Абу Суфён Мадинага бир неча одам юбориб, хурмозорларга ўт кўйдирди, ансорлардан бир кишини ўлдиртирди. Бундан хабар топган пайғамбар алайҳиссалом зулҳижжа ойининг бешинчи кун икки юз саҳоба билан Абу Суфёнга қарши отландилар. Бироқ душман аллақачон қочиб қолган, уни қувиб етиш маҳол эди. Мушриклар юқини енгиллатиш учун ташлаб қочган талқон солинган қоплар мусулмонларга ўлжа бўлди. Шу боис бу юриш савиқ (талқон) ғазоти деб аталади.

ҲАЙИТ НАМОЗИ

Шу йили Аллоҳ Таоло мусулмонларга ҳайит намозини ўқишни фарз қилди. Ҳайит намози туфайли мусулмонларнинг дўстлиги, қариндошлиги янада мустаҳкамланди, рўза ва қурбон ҳайити кунлари бир ерга жам бўлиб, диний алоқалари кучаяди. Пайғамбар алайҳиссалом мусулмонларни йғиб, икки ракаат намоз ўқир, уларнинг сафини янада жипслаштириб, ғанимларни енгиллатиб Аллоҳдан мадад сўраб илтижо қилардилар. Хутба ўқилгач, дўстлик, биродарликни рағбатлантириб, кўндаланг турган бирламчи масалаларни айтиб ўтардилар. Намоздан кейин мусулмонлар бир-бирлари билан қўл олишиб кўришар, масжиддан чиққан камбағал, бева-бечораларга фитри-рўза садақасини беришар, қурбон ҳайитида эса қурбонлик қилишар, қалблари шодликка тўлиб-тошар эди. Аллоҳ Таолодан бизни ҳам дўст-биродар қилишини, ислонинг аввалидаги мусулмонлар даражасига эргаштиришини сўраймиз.

Шу йили йигирмага тўлган Али пайғамбар алайҳиссаломнинг ўн беш яшар қизи Фотимага уйланди. Расулulloҳнинг зот-зурёди уларнинг болалари Ҳасан, Ҳусан ва Зайнаб орқали кўпайиб тарқалди. Шу йили пайғамбар алайҳиссалом Мадинада Абу Бакирнинг тўққиз яшар қизи Оишага уйландилар.

ҲИЖРАТНИНГ УЧИНЧИ ЙИЛИ

Ёвуз одам бахти қародур, у хиёнатни ўзига шиор, суиқасдни қалқон қилиб олади. Емонлик қилмаса туролмайдиган бу кимса бировнинг шодлигини ҳам, қайғусини ҳам ҳис этмайди. Бани Назир қабиласининг оқсоқоли яҳудий Каиб ибн Ашраф мана шундай кимсалардан бири эди. У мусулмонларни ҳаддан ташқари ёмон кўрар, қурайш мушрикларини сира тап тортмай пайғамбар алайҳиссаломга қарши ёмон-ғижжлар, турли ҳажвий шеърлар битиб, у кишини майна қилар, қандай йўл билан бўлмасин, мусулмонлар ўртасида низо чиқаришга уринар, расулulloҳ бир ишни тузатиб улгурмай, у бузишнинг пайида бўларди.

Мусулмонлар Бадр урушида ғалаба қозонгач, оёқ-қўли боғланган асирларни кўрдию Каиб ибн Ашраф Маккага югурди, ўлганларга аза очиб, йиғлаб-сиқтаркан, бирга ўрни кўшиб мушрикларни ўч олишга ундай бошлади. Пайғамбар алайҳиссалом: «Каиб ибн Ашраф Аллоҳ Таолога ҳам, менга ҳам озор бераяпти, ким унинг таъзирини бериб қўя олади?», дедилар. Ансорларнинг авс қабиласидан бўлмиш Муҳаммад ибн Маслама «Уни ўлдиришимни истайсанми?» деб сўради ва расулulloҳдан тасдиқ жавобини олгач, «Ундай бўлса, Каибни ишонтиришим учун баъзи бир ёлғон гапларни айтишимга ижозат бер», деди. Пайғамбар алайҳиссалом рози бўлганларидан кейин Маслама тўрт йигитни ёнига олиб, Каибнинг уйига борди-да: «Эй биродар, Муҳаммад ҳадеб иона сўрайвериб бизларни хонавайрон қилди, сендан қарз сўраб келдик», деди. «Ҳали ундан ҳафсалангиз пир бўлади, демаганмидим», деди Каиб оғзи қулоғига етиб. Ибн Маслама: «Унга эргашिशга эргашдик, бирдан юз ўгириб кет-сак бўлмас, вазиятга қараб иш қилармиз. Унгача бизга бир-икки туя хурмо бериб тур», деди. «Майли,— деди Каиб,— фақат менга бирон нарсани гаровга беришингиз керак». «Нима берайдики?» дея қизиқсинди ибн Маслама. «Хотинларингизни гаровга кўйинг», деди Каиб. «Сен арабларнинг ичиде энг келишган одамсан. Қандай қилиб хотинларни сенга ишониб бўлади?» деди ибн Маслама ҳазил аралаш. «Ундай бўлса ўғилларингизни гаровга кўйинг», деди Каиб. «Қизиқмисан,— дея раддия билдирди ибн Маслама.— Арзимаган хурмо учун болаларини гаровга кўйишибди, деган гап-сўзга қоламиз-ку. Эл-юрт орасида қандай бош кўтариб юрамиз? Қулларимизни гаровга беришимиз мумкин». Каиб бу гапга рози бўлгач, кечқурун учрашишга ваъдалашиб хайрлашдилар. Ибн Маслама ҳамроҳлари билан тайинланган вақтда етиб келди. Каибнинг хотини эрини йўлдан қайтариб: «Дўстидан кўра душмани кўп одамсан, бемаҳалда чиқмаганинг яхши бўлармиди», деди. «Мард одам ярим кечаси жангга чақирилса ҳам юраги пўкилламай чиқиши керак. Ибн Маслама қариндошимнинг ўғли, ёнидаги Абуноила эмукдош биродарим», деди Каиб ва қиличани тақиб ташқа-

рига йул олди. «Каиб чиққанда сочини ҳидлаган бўлиб, бошини маҳкам ушлаб турман, сизлар бўйнига қилич урасизлар», деди ибн Маслама. Ташқарига чиққан Каибдан чиндан ҳам муаттар ифор ҳиди келиб турарди. «Сендан мушқу анбар ҳиди келаяпти, сочингни бир ҳидлай», деди ибн Маслама. Каиб энгашган эди, сочига чанг солиб, қаттиқ ушлаб олди, шериклари шу заҳоти ғанимнинг калласини танасидан жудо қилди. Муслмонлар шум ниятли ёвуз кимсадан қутулди. Раббулаввал ойда юз берган бу қувончли воқеа шу заҳоти пайғамбар алайҳиссаломга ётказилди. Расулulloҳ бирон қабила бошлигининг ёвуз нияти ёхуд қон тўкадиган хатти-ҳаракатини сезиб қолсалар, катта талофат ёки қирғиннинг олдини олиш учун уларни ўртадан кўтариб ташлардилар. Яҳудий Абу Афкий ҳам ўта ёвуз, золим кимса бўлгани учун пайғамбар алайҳиссаломнинг амрига биноан қатл этилди.

ҒАТАФОН ҒАЗОТИ

Ғатафон қабиласининг бани Саилаба ва Муҳориб уруғлари Дуисур бошчилигида Мадинани талон-тарож қилишга тайёргарлик кўра бошлади. Бундан хабар топган пайғамбар алайҳиссалом бу тажовузнинг олдини олиш учун Раббулаввал оининг ўн иккинчи куни тўрт юз эллик нафар одам билан уларга қарши юриш қилдилар. У кишининг ўрнига Усмон ибн Аффон юртга бош бўлиб, Мадинада қолди. Муслмонларнинг катта куч билан келаётганини эшитган душман тоғ-тошларга қочиб кетди. Муслмонлар Зоари деган жилға бўйида кўр ташлаб ётди. Расулulloҳ ёмғирда ивиған кийимларини ечиб, бир дарахтнинг панасига ўтиб чўзилдилар. Узоқ йўл босиб ҳориган муслмонлар чекка-чеккага тарқалиб уйқуга кетдилар. Пайт пойлаб турган Дуисур тоғдан тушиб, аста-секин пайғамбар алайҳиссаломнинг тепасига келди ва у кишининг бўғзига қиличини тираб: «Паймонанг тўлди, Муҳаммад, энди сени ҳеч ким қутқара олмайди», деди. «Худонинг ўзи қутқаради», дедилар расулulloҳ ўта хотиржамлик билан. У кишининг хотиржамлиги ва ишонч билан гапириши Дуисурни эсанкиратиб кўйди, ранги бўздек оқарганча қўлидан қиличи тушиб кетди. Пайғамбар алайҳиссалом унинг қиличини олиб: «Хўш, энди ким сенинг жонингга ора киради?» деб сўрадилар. «Ҳеч ким», деди Дуисур бўшаганча. Сарвари олам мурувват кўрсатиб, уни кечирдилар. Дуисур шу заҳоти муслмон бўлиб, қавмини исломга даъват этди. Пайғамбар алайҳиссаломни ёмон кўриб, ҳаммани у кишига қарши туришга ундаб юрадиган ёвуз бир кимса Аллоҳнинг илтифоти тўғрисида у кишини яхши кўрадиган ва одамларни ислом динига даъват этадиган зотга айланди. Бу расулulloҳнинг хушмуомалалиги, мулоимлиги, раҳмдиллигининг шарофатидир. Бу хусусда Оли Иморн сурасининг 169-оятда бундай дейилади: «Аллоҳнинг раҳмати билан сен уларга мулоим бўлдинг. Агар қўполлик, бағритошлик қилганингда, яқинингга йўламай тарқаб кетар эдилар, уларни авф эт, улар учун мағфират тила, улар билан кенгашиб иш қил».

БУҲРОН ҒАЗОТИ

Бани Сулайимдан бир тўп одам Мадинани талон-тарож этмоққа отланганини эшитган пайғамбар алайҳиссалом ўринларига ибн Умму Мактумни кўйиб, жумъодил-аввалнинг олтинчи куни уч юз аскар билан уларга қарши йўлга чиқдилар. Улар Бухрон деган жойга етиб келганларида, душман аллақачон орқасига қайтиб кетган экан. Муслмонлар жангу жадалсиз Мадинага қайтдилар.

ҚУШИН ЮБОРИШ

Шом билан Мадина орқали савдо-сотиқ қиладиган қурайшлар асосий тирикчилик манбаидан айрилгач, Абу Суфён ибн Ҳарб, Суфён ибн Умайя, Хувайтиб ибн Абдулузо бошчилигидаги янги қарвонни Ироқ томондан йўлга солди. Бундан хабар топган пайғамбар алайҳиссалом жумодиулохир ойида Зайид ибн Ҳориса бошчилигида уларга қарши юз кишини жўнатдилар. Қўшни Араб ярим оролининг Таҳома, Яман, Ироқ, Сурия билан чегарадош Нажд деган жойида қарвон билан учрашди. Қисқа тўқнашудан кейин моллар ўлжа олинди. Уни қўриқлаб келаётганлар қочиб қутулди. Расулulloҳ молларни бешга бўлиб, ҳаммага тенг тақсимладилар.

УҲУД ҒАЗОТИ


Бадрда мағлубиятга учраб, савдо йўллари тўсилиб қолгач, қурайш зодагонлари бу мушкул аҳволдан қутулиш чорасини излаб бошлади. Улар Абу Суфёнга учрашиб: «Муҳаммад бизни хўрлаб, мўътабар одамларимизни ўлдирди. Қарвон билан жўнатган молларимизнинг фойдасини Муҳаммад билан урушишга сарфламоқчимиз. Бу ишга ўзинг бош бўлгин», дедилар. Қарвондаги моллар Доруннадвада сақланар, унинг фойдаси эллик минг динор эди. Бу гапдан руҳланган Абу Суфён дарров уруш тадорикига киришди, қурайшларнинг ўзидан уч минг одам тўпланди. Улар орасида Муста-

лик Ҳавна ибн Ҳузайма уруғининг иттифоқдоши Оҳобийш ҳам бор эди. Бундан ташқари расулulloҳни ёмон кўриб, бир тўда одамлари билан Мадинадан чиқиб кетган Абу Омир Роҳиб, Кинона ва тихомалик араблар ҳам уларга кўшилди. Сафвон ибн Умайя шоир Абу Аззага: «Сен ҳеч бўлмаса бизга тилинг билан ёрдам бер», деди. Абу Азза — Бадр ғазотида асирга тушганда, расулulloҳ товои олмай уни кўйиб юборган ва миннатдор шоир бундан кейин ҳеч қачон исломга тил теккизмасликка ваъда берган, иккинчи қайта мусулмонлар қўлига тушишга тоқати йўқ эди. Бироқ Сафвон таънаю маломат қилавериб, уни ҳол-жонига қўймади. Абу Азза яна қўлга тушса омон қолмаслигини била туриб, мушрикларнинг қутқусига учди. Бор сўзамоллик санъатини ишга солиб, ҳаммани мусулмонларга қарши курашга чорлай бошлади. Жубайир ибн Мутъим Ваҳший исмли қўлига Ҳамзани ўлдириб, амаким Туаймининг интиқомини олиб берсанг, озод қиламан, дея ваъда берди. Қурайшлар мешларга ароқ-шаробларни тўлдириб, чўрию канизакларини олиб, чилдирмаю ноғораларини чалганча йўлга тушдилар. Айрим зодалонлар бу жанг ғалаба билан яқунланишига ишонгани учун машатини кўзлаб, хотинларини ҳам ҳамроҳ қилиб олдилар ва жуда катта дабабаю асъаса билан Мадина яқинидаги Зухулайфа деган жойга келиб тушдилар.

Қурайш мушриклари жангга отлангани ҳақида пайғамбар алайҳиссаломнинг амакилари Аббос мактуб йўллаб хабар етказди. Унинг ўзи Бадрда жуда кўп талофат кўрганини баҳона қилиб, бу юришдан четда қолди. Расулulloҳ саҳобалар билан кенгашиб, шаҳардан ташқарига чиқмасликни, қачонки ёв Мадинага бостириб кирсагина жанг қилишни таклиф этдилар. Бу фикр ёши улугъ муҳожирю ансорларга маъқул келди, бироқ Бадр жангида зафар қучган ёшлар, шу жумладан, Ҳамза ибн Абдумутталиб ҳам ғаним билан шаҳар ташқарисида олишишни талаб қилди. Улар сон жиҳатдан кўпчилик ҳамда урушнинг асосий юки шуларнинг зиммасига тушадиган бўлгани учун пайғамбар алайҳиссалом ўз фикрларидан қайтдилар. Шаввол ойининг ўнинчи куни Жумъа намозидаги хутбада расулulloҳ саҳобаларни довюрак ва сабр-бардошли бўлишга чақирдилар: «Чидам ва сабр эгаларига ғалаба ёр бўлгай!» дедилар. Шундан кейин икки қават совут (симдан тўқилган кийим) кийиб, қилич тақиб, қалқонларини орқаларига осиб уларидан чиқдилар. Шаққоклиги учун ёшларни айблаган катталар: «Эй расулulloҳ, сенинг фикринг бўйича иш қилганимиз дуруст эмасми?» дедилар. «Пайғамбар жанги жадал либосини кийгач, душманлари билан урушиб, Аллоҳ ирода этган натижани кўрмагунча кийимини алмаштириши мумкин эмас», дедилар расулulloҳ ва байроқларни тарқатдилар. Муҳожирлар байроқлари Мусъаб ибн Умайир, Ҳазраж қабиласининг яловбардори Ҳаббоб ибн Мунзир, Авс қабиласининг аълабардори Усайид ибн Ҳузайир бўлди. Минг кишилик қўшин шаҳардан чиқиб, тоққа яқинлашиб қолганда бир тўп қуролли кишиларга дуч келдилар. Булар яҳудий Абдуллоҳ ибн Убайнинг иттифоқчилари эканини билган расулulloҳ: «Мушрикларга қарши курашда кофирлардан ёрдам сўрамай-миз», деб уларни қайтариб юбордилар, сабаби, уларнинг хиёнат қилмаслигига ишонч йўқ эди. Пайғамбар алайҳиссалом қўшинни кўздан кечириб, балоғатга етмаган ўспиринларни орқага қайтариб юбордилар. Уларнинг орасида Рофий ибн Ҳадид билан Самура ибн Жундуб ҳам бор эди. Рофийнинг уста камончилиги маълум бўлгач, қолдирилди. Буни эшитган Самура: «Нега энди кураш тушганда доим мендан енгилиб юрадиган Рофий қолиб, мен кетар эканман», деб йиғлаб юборди. Буни эшитган пайғамбар алайҳиссалом иккаласини курашга солдилар. Чиндан ҳам Самура ғолиб чиққач, сафда қолдирилди.

Қўшин шу ерда тунади. Муҳаммад ибн Маслама билан Зақвон ибн Қайс побонликка қўйилди. Эрталаб қўзғалиб, Уҳуд билан Мадина орасидаги Шават деган боққа етганда Абдуллоҳ ибн Убай: «Менинг маслаҳатимга қулоқ солмай (расулulloҳ айтмоқчи), гўдакларнинг гапига кириб, шаҳар ташқарисига урушгани чиқди. Биз нега бекордан-бекорга ўзимизни ажалнинг тиғига уришимиз керак экан?» деб уч юз одами билан қайтиб кетди. Жобирнинг отаси Абдуллоҳ ибн Амир уларнинг орқасидан бориб: «Ҳой биродарлар, ўз қавмингиз билан пайғамбарингизни ташлаб кетгани Худодан кўрқинг», деди. «Уруш бўлишини билганимизда сизларга сира ҳам қўшилмасдик», деди қочоқлар. «Аллоҳ сизларни биздан йироқ қилсин. Худо хоҳласа, пайғамбаримиз сизларга сира ҳам муҳтож бўлмайди», деди Абдуллоҳ ибн Амир. Бу воқеа мусулмонлар сафига саросима солди, Ҳориса билан Салама аймоғининг одамлари ҳам вақтни ғанимат билиб, жуфтани ростламоқчи бўлдилар-у, лекин ботинолмадилар. Қайтиб кетганларни нима қилиш кераклиги ҳақида дарров бир қарорга келишолмади, фикрлар иккига бўлиниб, бир гуруҳ улар билан урушиш, иккинчиси эса ўз майлага қўйиб бериш тарафдори эди. Бу хусусда парвардигори олам Нисо сурасининг 88-оятда бундай дейди: «Сизлар нега мунофиқлар ҳақида икки гуруҳга бўлинасизлар? Ваҳоланки, Аллоҳ мунофиқларни қилмишлари туфайли куфурга қайтарди. Аллоҳ уларни гумроҳ қилган бўлса-ю, сизлар ҳидоятга эриштирмоқчимисизлар? Аллоҳ гумроҳ қилган кимсага сен ҳеч қачон ҳидоят йўлини беролмайсан».

Қўшин Уҳуд тоғидаги бир дарага келиб тушди. Расулulloҳ қўшинни Мадина томон юзлантириб, тоғ этагига жойлаштирдилар. Тоғ яқинидаги текисликдан жой



олган мушрикларнинг ўнг қанотига Халид ибн Валид, чап қанотига Икритма ибн Абужаҳл, пиёдаларга эса Суфён ибн Умайя бошчилик қиларди. Пайғамбар алайҳиссалом Халидга Зубайир ибн Аввом кўмондонлигидаги кўшинни, чап қанотдагилар билан пиёдаларга қолган лашкарларни қарши кўйдилар. Эллик камончиға мадиналик Абдуллоҳ ибн Жубайирни бош қилиб, орқа томонга жойлаштирилди ва қутилмаганда ҳужум бўлиб қолса, қайтариш, мусулмонлар енгса ҳам, енгилса ҳам ўридан қимирламаслик буюрилди. Шундан кейин расулulloҳ нутқ сўзлаб, жангчиларни саботли бўлишга чақириб: «Жаброил дилимга солдики, киши ризқи битмагунча ўлмайди. Ризқинглар тугамаган бўлса, Аллоҳдан кўрқиб, уни ҳалол йўл билан топинглар, ҳаром йўллари изламанглар. Мўъминлар худди инсон танасидаги аъзоларга ўхшайди, агар бирортаси оғриси, бутун бадан ҳаловатини йўқотади», дедилар.

Шундан кейин таомилга бинозан яккама-якка олишув бошланди. Мушриклар сафидан бир одам чиқиб, муборизага талабгор қақирди. Зубайир олдинга қақиб, уни ўлдирди. Мушрикларнинг байроғи Талҳа ибн Абу Талҳанинг кўлига ўтди. Али уни ўлдиргач, байроқни қариндоши Усмон олди. Ҳамза уни ўлдиргач, байроққа Абу Саид эга бўлди. Саид ибн Ваққос уни ёй отиб ўлдиргач, байроқ кулади. Шундан кейин чиққан тўрт киши ҳам ҳалок бўлди. Мушриклар сафидан Абу Бақирнинг ўғли Абдураҳмон муборизага чиққанда, майдонга интилган отани расулulloҳ қайтариб: «Сен бизга кераксан», дедилар. Мушрикларнинг суворийлари уч марта қилган ҳужум камончиларнинг ўқ селига дуч келиб қайтди. Икки томон юзма-юз бўлиб, жанг қизиган пайтда лашкарнинг руҳини кўтариш учун мушрикларнинг аёллари чилдирмаларни чалиб, шўх-шўх кўшиқлар айта бошлади. Буни кўрган расулulloҳ: «Эй яратган эгам, сенга ишониб ҳужумга ўтаман, сен учун ғазот қиламан. Менга ўзинг кифоясан, парвардигор, сен ишончи ва суюкли зотсан!», дедилар. Қутилмаганда расулulloҳнинг амакилари Ҳамза ибн Абдулмутталиб шаҳид бўлди. У ўнгу сўлдан келган душмани кийратиб кетаётганида Ваҳший исмли кул найза уриб унинг қорнини ёриб ташлади. Буни кўрган мусулмонлар янада шиддат билан жангга киришиб, душман саркардаларини кетма-кет ҳалок қилдилар. Мушриклар орқа-олдига қарамай қоча бошлади, жанг майдонида ўралашиб юрган аёллар уввос солиб йиғлашга тушди. Мусулмонлар бўшаб қолган жанг майдонидаги кийим-кечак, қурол-яроғларни йиғишга киришдилар. Тоғ тепасидаги ўқчиларнинг кўзи ўйнаб, нафси ҳаққалак отиб кетди ва расулulloҳнинг топшириғини унутиб, ўлжа олишга югурдилар, бошлиғи Абдуллоҳ ибн Жубайирнинг гапига ҳеч ким қулоқ солмади. У бир неча одами билан ўз жойидан жилмай тураверди. Бу аҳволни кўрган Халид ибн Валид ўқчиларга ҳужум қилиб, уларни қириб ташлади. Жанг майдонидаги мавқени кўлга киритгач, ўлга йиғиб юрган мусулмонларни бир четдан қийрата бошлади. Саросимага тушиб қолган мусулмонлар нима қиларини билмай, ўлжасини ташлаб дуч келган томонга қочдилар, ҳатто янглишиб бир-бирларига қилич ҳам солдилар. Бир мушрик аёл ерда ётган байроқни кўтарган эди, атрофига дарров аскар тўпланди. Ибн Қамиа деган мушрик, мен Мухаммаднинг ўз кўли билан ўлдирдим, деган овоза тарқатди. Мусулмонлар сафидаги парокандалик баттар кучайди. Бир гуруҳ одам пайғамбар ўлган бўлса ҳам, биз динни ҳимоя қилиб урушишимиз керак, деди. Мағлубиятдан эсанкираб қолган Валид ибн Уқба, Хорижа ибн Зайид, Рифоа ибн Муаллоҳ, Усмон ибн Аффон орқага чекинди, лекин улар дабдурустан Мадинага киришдан уялиб, уч кунгача шаҳар атрофида айланиб юрдилар. Расулulloҳ омон қолган мусулмонларни жамлаб, курашни давом эттирдилар. Абу Талҳа Ансорий у кишининг ёнида юриб, ҳимоя қилишга уринарди. Уста мерган Абу Талҳа ганимини беҳато урар, садоқни расулulloҳга бериб, менинг жоним сен учун фидо бўлсин, дея ғанимларни у кишининг яқинига йўлатмасди. Расулulloҳ мусулмонларга: «Ўқларингизни Абу Талҳага беринглар», дер эдилар. Абу Талҳа душман томонни кузатиб, бўйинини чўзаётган расулulloҳнинг этагидан тортиб: «Кўй, улар томонга қарама, тагин бирон дайди ўқ тегиб кетмасин. Сен менга ота-онамдан бир азизсан. Қандай бўлмасин, жонингни асраб қолишим керак», дерди. Пайғамбар алайҳиссаломни муҳофаза қилганлар орасида Саид ибн Абдуваққос, уста мерганлардан Соҳил ибн Ҳаниф, расулulloҳни танаси билан пана қилиб, ўқ тегса ҳам қилт этмай турган Абу Дажжона, пайғамбарни ҳимоя қилиб шаҳид бўлган Зиёда ибн Ҳорис бор эди.

Пайғамбар алайҳиссалом бошларига тушган бу қийинчиликларга мардона бардош бердилар. Убай ибн Халаф у кишини ўлдиришга қасд қилиб келаётганини кўрганларида ёнидагиларнинг найзасини олиб, уни оғир яраладилар. Убай Ухуддан қайтаётганида ўша жароҳатдан вафот этди. У барча ғазотларда расулulloҳ ўз кўллари билан ўлдирган ягона одам эди. Абу Омир Роҳиб мусулмонлар тушиб кетсин деган ниятда катта-кичик ўралар қовлаб, устини хас-пўшлаб кўйди. Пайғамбар алайҳиссалом шундай чуқурлардан бирига йиқилиб, тиззалари шилинди. Али билан Талҳа ибн Убайдуллоҳ у кишини тортиб олди. Тош отиб расулulloҳнинг курак тишларини синдирган Утба ибн Абу Ваққосни Ҳатиб ибн Абу Балтаа югуриб бориб ўлдирди. Мушрик Абдуллоҳ ибн Шихоб Зухрий расулulloҳнинг юзини ёриб юборди. Ибн Қамиа шундай қаттиқ урдик, совутнинг симлари расулulloҳнинг юзларига кириб, қонатиб юборди. Ердамга етиб келган Абу Убайда симларни тишлаб сўғураётиб, тиш-

лари синиб кетди. «Пайғамбарнинг юзини қора қонга белаган қавм нажот топармиди», дедилар пайғамбар алайҳиссалом. Оли Имрон сурасининг 128-оятда парвардигор бу хусусда шундай дейди: «Ҳеч бир ишнинг инон-ихтиёри сенинг измингда эмас, Аллоҳ ё уларнинг тавбасини қабул қилади, ё золим бўлгани учун азобга гирифтор этади. Расулulloҳ ўлдига чиқарилганларидан кейин у кишини биринчилар қатори кўрган Коиб ибн Молик Ашорий қувонганидан: «Мусулмонлар, хушхабар!» дея қичқириб юборди. Расулulloҳ ўнга жим бўлишни амр этиб, Саид ибн Ваққос билан Саид ибн Убоданинг ҳамроҳлигида сафдаги ўз жойларини эгаллашга юрдилар. У кишининг ёнида Абу Бакир, Умар, Али, Талха, Зубайр, Ҳориз ибн Самма ҳам бор эди. Тўсатдан уларнинг олдидан Усмон ибн Абдуллоҳ ибн Муғиро чиқиб: «Муҳаммад қани? Ҳозир ё у ўлади, ё мен ўламан», дея дағдаға қилди. Кутилмаганда мушрикнинг оти мукиб, ўзи чуқурга юмалаб тушди. Ҳориз ибн Самма вақтни ғанимат билиб, уни чопиб ташлади. Пайғамбар алайҳиссалом жанговар сафда ўз ўринларини эгаллаганларидан кейин Али сув қуйиб турди, Фотима у кишининг жароҳатларини ювиб, малҳам қўйди. Расулulloҳ катта тош устига чиқиб, жанг майдонини кузатмоқчи бўлдилар, бироқ кўп қон йўқотганлари учун харсанга чиқолмадилар. Талха ибн Убайдуллоҳ югуриб келиб у кишига кўмаклашди. Расулulloҳ тоғ ёнбағрини эгаллаган душманларни кўриб: «Улар биздан юқорида турмаслиги керак,— дедилар ва Худога муножот қилдилар:— Эй, яратган эгам, ўзинг бизга куч-қувват ато эт!» Умар ибн Хаттоб бошчилигидаги бир гуруҳ мусулмон жанг қилиб ғанимларни тоғ тепасидан қувиб туширди. Пайғамбар алайҳиссаломни қўриқлаётганлар жуда кўп жароҳатлангани учун бирин-кетин сафдан чиқа бошлади. Расулulloҳни мўлжаллаб отилган ўқларга ўзини қалқон қилавериб етмишдан ортқ жароҳат олган Талха ибн Убайдуллоҳнинг бир қўли бутунлай ишламай қолди. Каиб ибн Молик ўн етти еридан яраланди. Умуман бу жангда мусулмонлардан етмиш киши шаҳид бўлди; уларнинг олитаси муҳожирлардан, қолгани ансорлардан эди. Шаҳидлар орасида муҳожирлардан Ҳамза ибн Абдулмутталиб, Мусъаб ибн Умайр, ансорлардан Ҳанзала ибн Абу Омир, Амир ибн Жамуҳ, унинг ўғли Халлож ибн Амир ва келинининг қариндоши бор эди. Амирнинг аёли Ҳинд шаҳидларни туяга ортиб, Мадинада дафн этмоқчи бўлди. Пайғамбар алайҳиссалом шаҳидларни Уҳуддан олиб кетишни таққилдилар. Ҳинд ноилож орқага қайтиб кетди. Шаҳидлар орасида Саид ибн Робий ҳам бор эди. Расулulloҳ излаб топиш учун одам юборганларида у узиладиган бўлиб турган экан. Пайғамбар алайҳиссаломдек зот уни излатганларини билгач, бениҳоя таъсирланиб кетди. «Қавмимга айтинлар, Ақабада расулulloҳга берган аҳдида қаттиқ турсин. Худонинг номи билан қасамёд қиламанки, агар ваъдасида турмасалар, у дунёда менинг юзимга қаролмайдилар», деди. Шаҳид бўлганлар орасида Анас ибн Моликнинг амакиси Анас ибн Назир ҳам бор эди. У пайғамбар алайҳиссаломнинг ўлдирилгани ҳақидаги хабарни эшитгач: «Эй, қавмим, расулulloҳдан орқада қолиб нима қилдик? Қариндошларимизга ўхшаб душман билан олишиб ўлайлик!» деди-да, мушрикларнинг сафига ўзини урди ва баҳодирларча олишиб ўлди. Мушриклар бу жангда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликлар қилдилар. Улар жасадларнинг қулоқ ва бурунларини кесиб олдилар, қорнини ёриб, ичак-чавоғини ағдариб ташладилар. Абу Суфённинг хотини Ҳинд Ҳамзанинг қорнини ёриб юрагини сўғуриб олди-да, ғарчиллатиб чайнади, бироқ ютиб юборолмай, туфлаб ташлади. Қўли баланд келганидан ғурурланган Абу Суфён тоғ тепасига чиқиб баланд овозда: «Яхши уруш бўлди, саваш бор жойда энгиш, энгилиш бўлиши турган гап. Омадимиз чопиб Бадрдаги ўчимизни олдик. Хоҳласанглар келгуси йили Бадрда яна учрашамиз. Уликларнинг қулоқ-бурни кесиб ташланибди, мен бундай қилишга буйруқ бермаганман, лекин бу ишдан кўп хафа бўлганим ҳам йўқ», дея жар солди. Шундан кейин мушриклар Маккага йўл олди. Бу жангда мусулмонлар кўп талофат кўрган бўлсалар-да, энгилмаганликлари ойдинлашди. Агар энгилганларида мушриклар уларни таъқиб этиб, Мадинага бостириб кирар ва шаҳарни талон-тарож қилар эдилар.

Пайғамбар алайҳиссалом шаҳидларни кўздан кечирдилар, амакилари Ҳамзанинг чавақланиб ётганини кўриб қаттиқ изтироб чекдилар. Уҳуд жангида шаҳид бўлганлар энгил-боши билан икки-учтаси бир қабрга дафн этилди. Оғир жангда ҳориб-чарчаган мусулмонларнинг ҳар бир одам учун алоҳида гўр қавлашга мажоли йўқ эди. Улар эзилган аҳволда Мадинага қайтиб келганларида яҳудийлар ва мунофиқлар масхаралаб қўлдилар, ўзларини шаҳидларга ачингандек кўрсатиб: «Биз билан қолганларида ўлмасдилар», дея душманликларини ошкор этдилар.

Уҳуд жангида мусулмонлар икки сабаб туфайли оғир талофатга учради: биринчиси, камончилар расулulloҳнинг биз енгсак ҳам, энгилсак ҳам ўрнингиздан қимирламамиз, деган топшириқларига амал қилмай жойларини ташлаб кетганлиги иккинчиси, ҳар бир ишни Худо йўлида холис эмас, балки жуда кўп мусибатларга сабаб бўладиган дунё манфаати кўзланганлигидир. Камончилар дунё манфаатини уйлаб, ўлжанинг кетига тушиб кетди ва оқибатда бунинг жазосини тортиди.

Аллоҳ Таоло Оли Имрон сурасининг 152-оятда Уҳуд жанги тафсилоти ҳақида бундай дейди: «Аллоҳ сизларга берган ваъдасида турди. Аллоҳнинг иродаси билан ўларни қираётган эдинглар, Аллоҳ сизлар ёқтирадиган ғалабани кўрсатгандан кейин

заифлашиб қолдинлар, пайғамбарнинг амри ҳақида баҳслашдинлар, (пайғамбарнинг амрига) бўйсунмадинлар; баъзиларингиз дунёни кўзладингиз, баъзиларингиз охи-ратни кўзладингиз, кейин Аллоҳ синаш учун сизларни душмандан қайтарди ва сизлар-ни афв этди. Аллоҳ мўъминларга марҳамат қилгувчидир».

Уҳуд фожеасининг асосий сабаби бирликнинг йўқлиги, бошлиққа итоат этмай бош-бошдоқлик қилиш, зарур пайтда шижоатнинг етишмаслигидир. Ҳар қандай ишда бирлик, бошлиққа итоат ва жасорат зарур. Аллоҳ ҳаммага таъфиқ берсин.

ҲАМРОУЛ АСАД ҒАЗОТИ

Пайғамбар алайҳиссалом мушриклар узил-кесил ғалаба қозониш учун орқага қайтиб, шаҳарни талон-тарож қилиш эҳтимолининг олдини олиш ниятида, саҳобалар-ни душмани таъкиб этишга чақирдилар ва сафарга фақат Уҳуд жангида қатнаш-ганлар бориши мумкинлигини уқтирдилар. Саҳобалар жароҳатларига малҳам қўйиб, Уҳуд ғазоти учун боғланган аъламни ечмасданоқ жангга отландилар. Бу сафар байроқ Али ибн Абутолибга тутқазилди. Расулulloҳ ўз ўринларига Мадинада Абдуллоҳ ибн Умму Мактумни қолдирдилар. Лашкар жадал йўлга чиқиб, Мадинадан саккиз мил олисдаги Ҳамроул Асад деган жойга етиб келди. Пайғамбар алайҳиссаломнинг тах-минлари тўғри чикди; мушриклар Мадинани босиб олиб тўла зафар қозонмай кетаёт-ганлари учун қаттиқ баҳслашаётган, изига қайтиб, мусулмонларни бош кўтаролмай-диган қилиб қўйишни кўзлаб турган эканлар. Расулulloҳнинг лашкар тортиб келаёт-ганларини эшитгач, Уҳуд жангида қатнашмаганлар ҳам улар билан бирга отланган бўлса керак, деган хаёлга боришди. Қўрқувдан ўтакалари ёрилиб орқа-олдиларига қарамай Маккага қочдилар. Расулulloҳ қўлга тушган шоир Абу Аззани ўлимга буюрдилар. У Бадрда асирга тушганда мусулмонларга қарши ташвиқот юргизмаслик шarti билан қўйиб юборилган эди. «Эй Муҳаммад, қизларим учун қўйиб юбор, бола-ларимни етим қилма. Бундан кейин сенга қарши бир оғиз ҳам гапирмасликка ваъда бераман», дея ёлборди у. «Йўқ, сенинг Маккага соғ-саломат бориб, Муҳаммадни икки марта боплаб лақиллатдим, дейишига йўл қўйилмайди. Мўъмин одам чаён чаққан тўшакка иккинчи марта қўлини тикмайди,—дедилар расулulloҳ қатъият билан ва Зайидга юзланиб буюрдилар.—Унинг калласини танидан жудо қил!» Буйруқ шу заҳоти ижро этилди. Расулulloҳнинг юқорисидagi галларидан алдам-қал-дамдан сақланмаган одам ақлли ҳисобланмаслиги, ҳоқимиятнинг асосини мустаҳкам-лаш учун қатъиятли бўлиш зарурлиги англашилади.

ШУ ЙИЛИ ЮЗ БЕРГАН БОШҚА ВОҚЕАЛАР

Пайғамбар алайҳиссаломнинг Усмон ибн Аффон никоҳидаги қизлари Руқия вафот этгач, иккинчи қизлари Умму Гулсумни унга никоҳлаб бердилар. Шу боис у киши Усмон Зуннурайн (икки нурли) деб аталади.

Шу йили пайғамбар алайҳиссалом Умар ибн Ҳаттобнинг қизи Ҳафсани никоҳлари-га олдилар. Ҳафсанинг онаси Усмон ибн Мазъуннинг ҳамшираси эди. Ҳафса илгари Бадр ғазотида яраланиб вафот этган Хунайс ибн Ҳузофанинг никоҳида эди.

Шу йили пайғамбар алайҳиссалом Ҳилол ибн Омир авлодидан бўлмиш Ҳузайма-нинг қизи Зайнабни ҳам никоҳларига олдилар. Зайнаб жоҳилият даврида мискинларга қилган шафқати ва хайр-саховати туфайли Уммул Мосокин (Мискинларнинг онаси) деган номга эришган эди. У киши илгари Уҳуд жангида шаҳид кетган Абдуллоҳ ибн Жаҳишнинг амрида эди. Зайнаб Ҳориснинг қизи Маймуна билан она бир ҳамшира (эгачи-сингил) эди.

Шу йили Алининг ўғли Ҳасан туғилди.

Шу йили ароқ ҳаром қилинди. Араблар ичкиликни ҳаддан ташқари яхши кўрар эдилар, шу боис агар бирданига тақиқланса жуда кўп кўнгилсизлик юз бериш кўзда тутилиб, аста-секин чеклана борди. Ароқ одамларнинг дилини хуфтон қиладиган воқеаларга сабаб бўлиши, ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам тиббий зарари туфайли ҳаром деб топилди. Ҳар қандай иш маълум сабаб туфайли тақиқланса, ҳеч ким эъти-роз билдирмайди, аксинча, ҳар ким қаттиқ таъсирланиб, қўллаб-қувватлайди. Ичкилик ҳақида дастлаб Бақара сурасининг 219-оятда тўхтаб ўтилган: «Сендан ичкилик ва кимор ҳақида сўрайдилар. Сен уларга: бу икки нарсадан катта гуноҳ ва баъзи бир фойда бор, лекин уларнинг гуноҳи фойдасига нисбатан анчагина катта, дегин». Қиморнинг фойдаси шуки, арабларнинг одатига биноан чўтал камбағалларга садақа тарзида бўлиб берилади. Ароқ инсон аъзосини кучайтиради, деб ҳисобланарди. Баъзи мусулмонлар кайф билан намоз ўқий туриб Қуръон тиловатидан янглишиб кетга-ни учун Нисо сурасининг 43-оятини нозил бўлди: «Эй, мўъминлар, агар маст бўлсангиз, то нима деяётганимизни англаб етмаганингизча намозга яқинлашманглар». Мусул-монлар маст ҳолда бир-бирига озор етказгани учун Моида сурасининг 90—91-оятлари нозил бўлиб, ичкилик бутунлай ҳаром қилинди: «Эй мўъминлар, ароқ ичиш, кимор

ўйнаш, (чўқиниш учун тикланган тошлар), фол чўплари¹ чиндан ҳам ярамас одат, шайтоннинг иши. Наҳот топиш учун улардан сақланинглар. Шайтон ароқ, қимор орқали орангизда адоват, душманлик туғдиришга, Аллоҳнинг зикридан ва намоздан қайтаришга уринади. Бу ишлардан қайтмайсизларми?» Уша пайтдаги мусулмонлар «қайтдик» деб жавоб берганлар. Бугунги мусулмонлар ҳам шундай дейишлари керак.

ҲИЖРАТНИНГ ТҮРТИНЧИ ЙИЛИ

Пайғамбар алайҳиссалом Ҳвайлиднинг ўғиллари Тулайҳа билан Салама ўз қавми бани Асадни мусулмонларга қарши курашга сафарбар этганидан хабар топдилар. Расулulloҳ Абу Салама ибн Асадга туғ тутқазиб, бир гуруҳ аскар билан бу икки қабиллага ҳужум қилишни буюрдилар. Мусулмонлар муҳаррам ойининг бошида Мадинанинг шарқидаги Қатан деган жойда Асад қабиласига ҳужум қилдилар. Мушриклар тум-тарақай қочишди. Абу Салама жуда кўп қўй, туяларни ўлжа олиб изига қайтди. Шу йилнинг бошида Макканинг Арофат тоғига яқин Урана деган жойда яшовчи Суфён ибн Халид ибн Набиҳулхузал мусулмонларга қарши куч тўплаётгани маълум бўлди. Расулulloҳ бу ёвуз кимсани йўқотиш учун Абдуллоҳ ибн Унайис Жўҳанийни ёлғиз юбордилар. Абдуллоҳ топшириқни адо этиш жараёнида лозим бўлиб қолса ёлғон ишлатишга ижозат сўради ва муҳаррам ойининг бошида ўзини Ҳузро қабиласидан деб Суфённинг ёнига борди. Суфён унинг қимлигини, насл-насабини сўраб-суриштирди. Абдуллоҳ: «Мен Ҳузроаданман. Сенинг Муҳаммадга қарши одам тўплаётганини эшитиб, ёнингда бирга бўлиш учун келдим», деди. Суфён бу гапдан хурсанд бўлиб, уни ўз чодирига олиб кирди ва чиндан ҳам куч тўплаётганини эътироф этди. Сухбат пировардида Суфён ёнбошлаб, уйкуга кетди. Абдуллоҳ вақтни фанимат билиб, уни ўлдириб, секингина чодирдан чиқиб кетди ва эсон-омон Мадинага қайтиб келди. Аллоҳ Таоло кофирларнинг навбатдаги хуружини шу йўл билан даф этди.

ҚУШИН ЮБОРИШ

Шу йилнинг сафар ойида Азал, Қора қабилаларидан исломий сабоқ беришга одам юборишларини сўраб вакиллар келди. Пайғамбар алайҳиссалом Осим ибн Собит Ансорий бошчилигида ўн кишини уларга қўшиб бердилар. Улар кундузи яшириниб, кечалари йўл босишди. Ражий деган жойга етганларида вакиллар хиёнат қилиб, мусулмонларни Абдуллоҳ ибн Унайис томонидан ўлдирилган Суфён ибн Халид Ҳузайлнинг қабиласига ошкор этишди. Ҳузайл қабиласидан икки юз ўқчи мусулмонларнинг изига тушди. Душман таъқибдан хабар топган мусулмонлар тоққа чиқиб олди. Душманлар: «Пастга тушинлар, сизларни ўлдирмасликка ваъда берамиз», дейишди. Уч киши алданиб пастга тушди, Осим бошчилигидаги қолган етти киши жанг қилди. Пастга тушганлардан бири шу заҳоти қатл этилди, қолган иккисини Маккага элтиб, мусулмонларда қасди бор мушрикларга сотдилар ва улар шу ерда қийнаб ўлдирилди. Улардан Жунайиб ибн Адий ўлими олдидан қуйидаги шеърни ўқиди:

Имон билан кетса бас, асар қолмас армондан,
Шаҳид бўлиб йиқилсанг, ўқ еб ўнгу сўл ёндан.
Ҳақ йўлига жон тикдим, у истаса шубҳасиз,
Қийналган бу вужудим жой олар боғи ризвондан.

Шу йилнинг сафар ойида ибн Омир қабиласининг бошлиқларидан Мула Ибул-синна номи билан танилган Абу Омир ибн Молик пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига келди. Расулulloҳ уни ислом динига даъват этдилар, гарчанд у мусулмон бўлишга кўнмаса-да: «Мен сенинг даъватингни рост, бениҳоя гўзал деб ҳисоблайман. Саҳобаларингдан бир қисмини мен билан Нажид аҳлига юбор, улар динингни қабул қилсалар ажаб эмас», деди. «Нажид аҳли саҳобаларга бирон зарар етказиб қўйишидан қўрқаман», дедилар расулulloҳ. «Мен уларни ўз ҳимоямга оламан», деди Абу Омир. Пайғамбар алайҳиссалом Мунзир ибн Амир бошчилигидаги етмиш саҳобани унга қўшиб бердилар. Булар Қуръонни пухта ўрганган қурролар (қорилар) эди. Улар Мадинанинг шарқидаги Бири Мауна деган жойга келиб тушгач, бани Омир қабиласининг бошлиғи Омир ибн Туфайлга Ҳаром ибн Милҳондан мактуб йўлланди. Омир мактубни ўқимасданоқ элчини ўлдирди ва қабиласини саҳобаларга қарши урушишга

¹ Фол чўплари — жоҳилият даврида араблар сафарга чиқмоқчи, уйланмоқчи бўлса ёки бирон кишининг насл-насаби устида тортишиб қолишса, Узро, Ҳубал номли бутларнинг ёнига бориб, Азлом деб аталадиган махсус чўплар билан фол очардилар, Масалан, «Роббим буюрди» ёки «Роббим қайтарди» деган сўзлар ёзилган чўпларни махсус идишга солиб аралаштиришар ва қўлига қайси чўп чиқса, шунга қараб иш қилишарди.

даъват этди. Бироқ қабиладошлари Мулла Ибуласинна ҳимоясига олган кишиларга қилич кўтаришга кўнмадилар. Омир бани Сулайим қабиласидаги Райил, Завкон ва Асиядан ёрдам сўраган эди, улар бажонудил рози бўлиб, ўз одамлари билан саҳобаларни ўраб олдилар. Гарчанд саҳобалар мардона олишишган бўлсалар-да, сон жиҳатдан бир неча баробар ортиқ ғанимга бас келишлари мумкин эмасди. Улар жанг майдонида мардларча ҳалок бўлдилар. Фақат ўликлар орасига ётиб олган Каиб ибн Зайид ҳамда зарур иш билан кетган Амир ибн Умайягина омон қолди. Амир Бирири Маъунада юз берган хунрезликнинг хабарини пайғамбар алайҳиссаломга етказди. Расулulloҳ саҳобаларни йиғиб, нутқ ирод этдилар: «Қариндошларингиз мушриклар томонидан ўлдирилди. Улар, эй роббимиз, эл-юртга етказгинки, биз сенинг даргоҳингга кетдик, биз сендан рози бўлдик, сен ҳам биздан рози бўл, деганлар. Уларни Аллоҳ раҳмат қилсин!»

Ражидаги хиёнат билан бу қайғули хабар пайғамбар алайҳиссаломга бир кунда етиб келди. У киши қаттиқ изтироб чекиб, бир ойгача намозда мушрикларни дуойибад қилдилар.

БАНИ НАЗИР ҒАЗОТИ

Енгилтаклик билан ўйламасдан иш қилиш хунук оқибатларга сабаб бўлади. Тинчгина яшаётган бирон қавмнинг бошлиқлари ўз манфаатларини кўзлаб қилган хиёнатлари шу қавмга балою қазо, вайронагарчилик олиб келиши муқаррар. Мадина яқинида яшовчи Хазраж қабиласининг иттифоқдоши бани Назир яҳудийларининг бошига шундай кун тушди. Мусулмонлар билан бани Назир қабиласи ўртасида тинч-тотув яшаш битими имзоланган эди. Бироқ улар ҳасадгўйлиги ва нияти бузуқлиги туфайли хиёнат кўчасига кирдилар. Пайғамбар алайҳиссалом бир гуруҳ саҳобалар билан бани Назир маҳалласига келганларида яҳудийлар у кишига суъиқасд уюштирдилар. Расулulloҳ кўчадан ўтаётганларида устларига тегирмон тоши ташлаб юборишни режалаштирдилар. Уларнинг шун наиятини сезиб қолган пайғамбар алайҳиссалом дарров орқага қайтиб кетдилар ва Муҳаммад ибн Масламани юбориб, хонлик қилганлари учун яҳудийларга Мадинадан чиқиб кетишни буюрдилар. У киши: «Хонларга кўнгилчанлик қилмай кескин муносабатда бўлиш керак», дея ўқтирдилар. Яҳудийларнинг шаҳардан кўчиб кетиш тадорикини кўраётганидан хабар топган мунофиқлар ўз вакилларини юбориб: «Ҳеч қаяққа кетманглар. Ҳар қанақа шароитда биз ёрдам берамиз», дедилар. Аллоҳ Таоло Ҳашир сурасининг 11—12-оятларида мунофиқлар ҳақида бундай дейди: «Мунофиқлар аҳли китоб орасидаги (Қуръонни) инкор этган биродарларига (юртингиздан) чиқариб юборилсанглар, биз ҳам албатта сизлар билан бирга кетамиз; сизларнинг зарарингиз ҳисобига ҳеч қачон бировга итоат этмаймиз, сизларга (қарши) уруш очилса, ёрдам беришимиз аниқ, деганларини билмайсанми? Аллоҳ гувоҳлик берадики, улар мутлақо ёлғончидирлар. Агар улар ҳайдаб чиқарилса, мунофиқлар сира бирга кетмайдилар. Агар уларга (қарши) уруш очилса, мунофиқлар ёрдам қўлини чўзмайдилар, ёрдам берсалар-да, терс бурилиб қочадилар, аҳли китоб ёрдамга эришолмайди».

Яҳудийлар мунофиқларнинг ёрдамига умид боғлаб, кўчиш муддатини пайсалга солдилар. Пайғамбар алайҳиссалом ўринларига ибн Умму Мактумни қўйиб, Алига туғ ушлатиб, яҳудийларга қарши ясов тортиб чиқдилар. Бани Назир яҳудийлари омон қолиш умидида кўрғонларига яшириниб олдилар. Мусулмонлар уларни олти кун муҳосира қилгач, пайғамбар алайҳиссалом хурмо дарахтларини кесиб ташлашни буюрдилар. Бу ҳолатдан юрагига ваҳм тушган яҳудийларнинг таслим бўлишдан ўзга чораси қолмади. Мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убайдан қутилган ёрдам келмади; улар илгари бани Қайнуқо қабиласидан воз кечганларидек бани Назирдан ҳам осонгина юз ўгирдилар. Яҳудийлар мусулмонлардан жонларига омонлик, қурол-ярoғлардан бошқа нарсаларини туялари кўтаргунча олиб кетишга ижозат сўрадилар. Рухсат олингач, уларини мусулмонларга қолдирмаслик учун ўз қўллари билан бузиб ташладилар. Ҳайбарга келиб тушган гуруҳга яҳудийлардан Ҳуяй ибн Ахтаб ва Саллом ибн Абу Ҳуқайф бош эди. Яҳудийларнинг бир қисми Шомдаги Азриот деган жойга кўчиб борди. Улардан Ёмин ибн Амир билан Абу Саид ибн Ваҳиб мусулмон бўлди. Бани Назирдан ғанимат олинган мол-мулкни расулulloҳ ғозийларга бўлиб бермадилар, сабаби, бу чинакам жанг қилиб, қон тўкиб, қўлга киритилган ўлжа эмас эди. Бу хилдаги ғанимат — уруш тайёргарлигини кўргани учун пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзларига, оиласи ва яқинларига, етим-есир, ғарибларга тегишли эди. Ҳашир сурасининг 7-оятда бу нарса алоҳида таъкидлаб ўтилган: «Аллоҳ пайғамбарига ғанимат қилиб берган аҳли қуронинг¹ моллари орангиздаги бойлар ўртасида қўлдан-қўлга ўтиб юрмаслиги учун яратганга, пайғамбарга, унинг ҳеш-ақраболарига, етимларга, мискинларга, ибн сабилларга хос қилди». Расу-

¹ Аҳли қуро — Мадина атрофидаги бани Қузайса, бани Назир, Фадак, Ҳайдар, Урайна қабилалари ва қишлоқларининг аҳолиси.

луллоҳ ғаниматнинг бир қисмини юртдан бош олиб кетишга мажбур бўлган камбағал муҳожирларга бердилар. Шу билан улар янги келган пайтида ансорлардан олган қарзларини узишди. Пайғамбар алайҳиссалом ишлаб рўзгорларига егулик етиштириш учун бир парча ерни ўзларига ажратиб олдилар.

ЗОТУРИҚО ҲАЗОТИ

Шу йилнинг раббулавлал ойда Нажид томонда яшовчи араблардан бани Муҳориб, бани Саилиба қабилалари мусулмонларга қарши урушга тайёргарлик кўраётгани маълум бўлди. Пайғамбар алайҳиссалом етти юз саҳобани уларга қарши отлантирдилар. Расулulloҳнинг ўрниларида Усмон ибн Аффон қолди. Мусулмонлар душман юртига етиб келганда, шаҳар, қишлоқларда аёллар бола-бақрадан бошқа ҳеч ким кўринмади, эркаклар кўрққанларидан тоғ-тошга жуфтаник ростлаб қолган эдилар. Мусулмонларнинг унчалик кўп эмаслигини кўргач, мушрикларнинг бир қисми юрак ютиб пастга тушди, лекин бари бир жанг қилишга ботинолмади. Бу орада намоздигар (аср намози) вақти бўлиб қолди. Расулulloҳ душман кўкқисдан ҳужум қилиб қолишдан хавфсираб салотухавф¹ дедилар. Мушриклар мусулмонларга яқинлашишга журъат этолмай тарқаб кетдилар. Имом Бухорий бу ғазотни ҳижратнинг еттинчи йили, бошқа ислом тарихчилари эса тўртинчи йили бўлган, деб ҳисоблайдилар.

ИККИНЧИ БАДР ҲАЗОТИ

Шу йили шаъбон ойда Абу Суфён дағдаға қилиб айтган вақт келди. Уҳуд ғазотидан кета туриб, у келгуси йили сизлар билан савдо мавсумида Бадрда яна урушамиз, деган эди. Пайғамбар алайҳиссалом бу гапга розилик берган эдилар. Ҳар йили шаъбон ойда Бадрда саккиз кун бозор бўлар эди. Ваъдалашган вақт етиб келганда қурайшда қаҳатчилик юз бериб, мушриклар урушишга ботинолмадилар. Абу Суфён лафзида турмайдиган кўрқоқ деган ном олмаслик учун қўшинининг сони кўплигини писанда қилиб, мусулмонларни кўрқитмоқчи ва шу баҳонада уларни урушиш фикридан айнитмоқчи бўлди. Наим ибн Масъуд Абу Суфённинг топшириғига биноан мусулмонларнинг ҳузурига элчи бўлиб борди. Аллоҳ Таоло Наимнинг мусулмонлар кўнглига ғулув солиш учун айтган гапларини Оли Имрон сурасининг 173-оятда бундай нақл этади: «Кишилар уларга: «ҳалиги одамлар сизларга ҳужум қилиш учун кўшин тўплади, улардан кўрқинглар», дейишди. Бу гап уларнинг имонини мустаҳкамлади. Улар: «Бизга Аллоҳ кифоя, у бағоят яхши ҳомий», дедилар». Пайғамбар алайҳиссалом Наимнинг таҳдидини писанд қилмай, бир ярим минг саҳоба билан йўлга чиқдилар. Ваъдалашилган жойда бирон кимса кўринмади. Наимнинг таҳдидидан кейин мусулмонлар Бадрга келишга журъат этолмай бебурд бўладилар, деб ўйлаган Абу Суфён Мажина деган жойдаги машҳур бозорга етиб келганда, қавмига: «Бу йил қаҳатчилик йили, маъмурчиликда келганимиз яхши», деб одамларини қайтариб юборган эди. Мусулмонлар эса Бадрда бемалол савдо-сотик қилдилар. Бу хусусда Оли Имрон сурасининг 174-оятда: «Улар Аллоҳнинг неъматини ва фазли билан қайтиб келдилар, ҳеч қандай зиён-заҳматга учрамадилар, улар яратганнинг розилигини изладилар. Аллоҳ улуғ фазл эгасидир», дейилади. Саффон ибн Умайя бу гапдан хабар топиб Абу Суфёнга: «Бошда сени мусулмонларга берган ваъдангдан қайтарган эдим. Улар ваъдага хилоф иш қилганимизни кўриб, бизга қарши отланишга журъат этдилар», деди.

Шу йили пайғамбар алайҳиссаломнинг невараси Ҳусайн ибн Али туғилди. Расулulloҳнинг аёли, Ҳузайнанинг қизи Зайнаб вафот этди, шунингдек, аммалари ва Ҳабашистонга биринчи бўлиб ҳижрат қилган Абу Салама оламдан ўтди; эридан бевақт тул қолган Умму Саламани расулulloҳ никоҳларига олдилар.

ҲИЖРАТНИНГ БЕШИНЧИ ЙИЛИ ДУМАТУЛ ЖАНДАЛ ҲАЗОТИ

Шу йилнинг раббулавлал ойда Мадинадан ўн беш кунлик масофадаги Думатул Жандалдаги бир гуруҳ аравий йўлтўсарлик қилиб, одамларни қон-қақшатаётгани, Мадинага бостириб кириб мусулмонларни қиличдан ўтказмоқчилиги маълум бўлди. Пайғамбар алайҳиссалом ўринларига Сибо ибн Арбатани қолдириб, бу офатнинг олдини олиш мақсадида минг нафар саҳоба билан йўлга чиқдилар. Кечаси йўл босиб, кундузлари яшириниб яқинлашиб келганларида аравийлар билиб қолиб, тум-тарақай қочиб кетишди. Мусулмонлар уларнинг чорвасини қўлга киритдилар. Бир-иккита подачидан бошқа ҳеч кимни учратолмай орқаларига қайтдилар. Йўл-йўлакай Базора

¹ Салотухавф — мусулмонлар уруш ҳолатида турганларида номозни иккига бўлиб, галма-гал ўқиш.

қабиласининг бошлиғи Уяйна ибн Ҳисни билан ҳамкорлик битими тузилди. Бу қабиланинг ери гиёҳ кўкармайдиган яйдоқ даштага айланиб кетгани учун расулуллоҳ уларга молларини боқиш учун Мадинадан 36 мил наридан ер ажратиб бердилар.

БАНИ МУСТАЛАҚ ҲАЗОТИ

Шу йилнинг Шаъбон ойида пайғамбар алайҳиссалом Ухуд урушида қурайшга ёрдам берган Мусталақ қабиласининг бошлиғи Ҳориз ибн Зирор мусулмонларга қарши юришга тайёргарлик кўраётганидан хабар топдилар. Расулуллоҳ ўринларига Зайид ибн Ҳорисани қолдириб, катта қўшин билан йўлга чиқдилар. Аёлларидан Оиша билан Умму Салама уларга ҳамроҳ бўлдилар. Илгари бирон жанговар юришда қатнашмаган мунофиқлар ўлжа олиш умидида сафга қўшилди. Йўлда бани Мусталақнинг бир жосуси қўлга тушди, бироқ сўралган саволларга жавоб беришдан бош тортгани учун қатл этилди. Мусулмонларнинг катта қўшин билан келаётганидан хабар топган бани Мусталақнинг лашкарбоши Ҳорис ваҳимага тушди, кўрққанидан бир қисм аскарлари қочиб кетди. Мусулмонлар Мурайсага етиб келгач, бани Мусталақ одамларини ислом динига даъват этдилар, бироқ улар бош тортгач, икки томон сафга тизилиб қамонлардан ўқлар узилди. Мусулмонлар ёппасига ҳужумга ўтиб, мушрикларнинг бир қисмини ўлдирдилар, қолганларини бола-чақаси билан асир олдилар, икки минг туя, беш юз қўй қўлга киритилди. Пайғамбар алайҳиссалом мол-ҳолларини бошқаришни Шакронга, асирларга қарашни Бурайдага топширдилар. Асирлар икки юз оила бўлиб, улар орасида қабिला бошлиғининг қизи Барра ҳам бор эди. Асирлар мусулмонларга тақсимлаб берилди.

Бани Мусталақ қабиласи араблар орасида энг кучли ва жанговар қабила ҳисобланарди. Аёлларнинг асир олиниб, қўлдек тақсимланиши уларга ғоят оғир ботарди. Бу нарсани яхши билган пайғамбар алайҳиссалом жуда катта олийжаноблик ва мардлик намунасини намоён этдилар, аёлларни озод этишнинг мусулмонлар рози бўладиган йўлини йўлаб топдилар. Сарвари олам Ҳориснинг қизи Баррани никоҳларига олиб, Жувайрия деб атадилар. Шу билан мусулмонлар асирларни расулуллоҳнинг қудалари ҳисоблаб, озод қилиб юбордилар. Оиша разияллоҳу анҳонинг таъбирича, Жувайрия ўз қавми учун ғоят шарофатли аёл бўлди. Пайғамбар алайҳиссаломнинг марҳаматларидан қаттиқ таъсирланган бани Мусталақ қабиласи ёппасига имон келтирди, илгари мусулмонларнинг ашаддий душмани ҳисобланган одамлар энди уларнинг яқин дўстларига айланди. Агар расулуллоҳ тадбиркорлик қилмаганларида икки ўртадаги адоват баттар кучайиб, анча-мунча қон тўкилиши мумкин эди. Бу ғазот жараёнида ибратли икки воқеа юз берди.

Биринчиси, Умар ибн Хаттобнинг хизматкори билан Хазраж қабиласининг иттифоқчиларидан бўлмиш бир одам уришиб қолди. Умарнинг хизматкори уни уриб, ярадор қилди ва иккалови ҳам ўз қавмини ёрдамга чақирди. Агар расулуллоҳ келиб қолмаганларида, икки ўртада бошланган даҳанаки жанг қон тўкилишига сабаб бўлиши ҳеч гап эмасди. «Яна жоҳилият давридаги тарафқашликларингни қилмоқчимизлар? Йўқотинглар бундай ярамас одатни!» дедилар расулуллоҳ ва жабривийданинг ўчини олиб бердилар. Шу билан жанжал барҳам топди. Бу воқеани эшитган Абдуллоҳ ибн Убай хафа бўлиб, ўз қабиладошларига: «Мен ҳеч қачон бугунгидек ҳўрликни кўрмаган эдим. Уларни юртимизга кириштиб, уйимизнинг тўридан жой берсаг-у, бунинг эвазига бизни савалашадими? Вафога жафо деганлари шу экан-да. Худо хоҳласа, Мадинага борганда уларни шаҳардан қувиб чиқарамиз. Аслида-ку, бу ҳўрликни ўзларингиз тилаб олдинглар. Уларни уйингизга чақириб, мол-мулкнингизни баҳам кўрдингиз. Агар кучоқ очиб қутиб олмаганингизда, бошқа томонларга равона бўлар эдилар. Буниси ҳам етмагандек Муҳаммад учун урушиб жонларингни қурбон қиляяписизлар, болаларингиз етим бўлиб, чирқираб қолаяпти. Кундан-кунга сафингиз сийраклашиб кетаяпти. Улар эса кўпайгандан кўпаяпти. Бундан кейин уларга ёрдам берманглар, камбағаллашиб, Мадинадан кетишга мажбур бўлишин», деди. Шу ерда ҳозир бўлган имони бутун Арқам исмли йигит бу гаплардан пайғамбар алайҳиссаломни воқиф этди. Расулуллоҳнинг ранг-қўти ўчиб, узоқ сукутга чўмдилар ва хабарчига юзланиб: «Гапларингга ишонгим келмаяпти, балки унда бирон хусуматинг бордир, шунинг учун атай бундай гапларни тўқиётгандирсан?» дедилар. «Тўқиётганим йўқ, унинг гапларини ўз қўлоғим билан эшитдим», деди Арқам. «Янглиш эшитган бўлишинг мумкин», дея бу гапга нукта қўйишга уриндилар пайғамбар алайҳиссалом. Умар расулуллоҳ ибн Убайни ўлдиршига рухсат сўради. «Эй, Умар, одамлар Муҳаммад саҳобаларини ўлдира бошлади, десалар яхши бўладими?» дедилар пайғамбар алайҳиссалом ва одамларнинг эътиборини чағиртиб, бу гапни ўртадан кўтариб юбориш учун кун забтига олган жазирамада лашкарни сафарга отланишга буюрдилар. Усайид ибн Ҳузайр бундай иссиқда йўлга чиқишнинг боисини сўради. «Қабилadoшингнинг гапини эшитмадингми? У Мадинага боргандан кейин мусулмонларни шаҳардан ҳайдаб чиқараман», дедилар расулуллоҳ. Усайид у кишини юпатиб: «Э, расулуллоҳ, истасанг, сен уни ҳайдаб чиқарасан. Аллоҳ уни хор, сени азиз қилиб яратган», деди. Офтоб тигида

йўл босган одамлар манаилга етган заҳоти уйқуга кетди. Ансорлардан бир гуруҳи Абдуллоҳ ибн Убайга расулуллоҳдан кечирим сўрашни таклиф этди, бироқ у тақабурлик билан бош тортди. Шу лаҳзада Мунофиқун сураси нозил бўлиб, Абдуллоҳ ибн Убай ва унинг ҳамфикрларининг шармандаси чиқди. Зайид ибн Арқамнинг айтганлари ростлиги исботланди. Абдуллоҳ ибн Убайнинг ўғли бу гапдан хабар топгач, отамни биров ўлдирса, у киши билан ўртамазда душманлик туғилиб қолиши мумкин, яхшиси, бу ишни ўзим адо этай, деб ижозат сўраганида, расулуллоҳ уни фикридан қайтариб, отасини иззат-икром қилишга буюрдилар.

ДАВОМИ БОР



Муҳарририятга келган бир босма тобоқча бўлган асарлар муаллифларига қайтарилмайди. Ойномадан олинган асарга «Сирли олам»дан олинди», деб кўрсатилиши шарт. Муҳарририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалқаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент—П. «Правда» рўзномаси кўчаси, 41. Ўзбекистон КП МК нашриёти. Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент — 700000. Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Научно-популярный, научно-художественный журнал приключений и фантастики «Сирли олам» («Таинственный мир») ЦК ЛКСМ Узбекистана.

Ойнома ҳомийлари (спонсори)—«НУР» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Ўзбеколтин» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Зармитан олтин кони.

Манзилимиз: 700113, Тошкент, Қатортол кўчаси, 60-уй.

Босмаҳонага 19.08.91 йилда топширилди. Босишга 18.09.91 йилда рухсат берилди. Қоғоз тарҳи 70×108¹/₁₆. Қоғоз ҳажми 5,6 тобоқ. Нашриёт ҳисоб босма тобоғи 6,3. Буюртма 5879. Обунага — 116915, сотувга — 36627. Жами — 153542 нусхада чоп этилади.

Нархи: обуначига — 70 т., сотувда — 1 сўм.

Телефонлар: бош муҳаррир — 78-96-98, бош муҳаррир ўринбосари — 78-95-16, масъул котиб — 78-94-09, бўлим мудир — 78-31-33.

Ўзбекистон Комсомоли Марказий Қўмитаси «Камалак» матбаа-нашриёт бирлашмаси.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ нишонли босмаҳонаси.

Сирли олам № 10, 1991



НАРХИ: обуначига — 70 тийин
сотувда — 1 сүм



Индекс 75243